

Ўтди, юракларга чўккан зулматлар,
Синди, истилонинг зангли қафаси.
Келди, кўнгил кўпдан талпинган тотлар,
Энди ҳар юракда баҳор нафаси...







МИНХОЖИДДИН МИРЗО

*ГУМАНИ
ПАЙШИ КЕЛДИ,
БОҒЛАРИМ*

Сайланма

*Шеърлар, дostonлар,
адабий қайдлар*

Тошкент
«ТАФАККУР» нашриёти
2015

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84 (5Ў)7

М-54

Минҳожиддин Мирзо.

Гуллаш пайти келди, боғларим / М.Мирзо; — Тошкент:
2015. / 288 б.

Масъул муҳаррирлар: Жалолбек Йўлдошбеков,
Манзура Шамсиева

Ватанни бежиз онага қиёсламайдилар. Чинакам ижодкорнинг қалби ҳамиша у тугилиб ўсган муқаддас диёр, замин томирларига туташ бўлади. Шу боис у она Ватанга хос кечинмаларни қалбидан ўтказади. Инсон асосан изтироб ва қувончдан кўз ёши тўқади. Ҳаёт илтижо ва бахтиёрлик, изтироб ва қувонч, заҳмат ва шукроналик ичра ўтади. Аслида шеър ана шу туйғуларнинг кўнгилдан силқиган томчисидир.

Ватан истиқлоли шунинг учун ҳам азизки, у туфайли бутун бир эл қалбидаги ўкинчлар бахтга, илтижолар бахтиёрликка, изтироблар қувончга, шукроналикка ўз ўрнини бўшатиб беради. Шу боис Минҳожиддин Мирзо Ватан истиқлолини она диёрга яшнаш саодатини бахш этгувчи баҳордай қарши олади, уни юракдан куйлайди. У йиллар давомида аёздил кимсалар томонидан топталиб чўккан тоғлар, баҳорга интизор боғларга қарата: «Сано айтиб келган гиёҳлар, эй топталиб чўккан тоғларим, энди қадни тиклангиз дейман, гуллаш пайти келди, боғларим,...» дея мурожаат қилади, уларни истиқлолни қаршилашга, ундан баҳра олишга, уни асраш, ҳимоя қилишга, Ватанни обод қилишга чорлайди.

Минҳожиддин Мирзонинг ушбу китобига унинг умр фасллари ва лаҳзаларининг турли йилларида ёзган шеърлари, дostonлари жамланди. Ҳар бир шеър у қайси ёшда, қайси фаслда яратилганидан қатъий назар ўқувчига ҳамиша эзгуликка интилиб яшаган шоир ва унинг юрагидаги беғубор ва самимият уфуриб турган турфа туйғуларни, рангларни англаш, ундан баҳраманд бўлиш имконини беради. Сизни ижодкор кўнгил оламининг энг гўзал, меҳр-муҳаббат барқ уриб турган боғлари, соғиниб етолмайдиган, мудом ўзига талпинтириб турувчи соҳир манзиллари сари бошлайди. Инсон қалбининг зийнати, чироғи бўлган энг покиза ҳислар, туйғуларга ошно этади.


Бугунги фараҳбахш кунлар саодати ва шукронаси, эзгулик ифори таралиб турган ушбу китобни шоирнинг сиз азиз шеърят мухлисларига тақдим қилаётган навбатдаги шеърини гулдастаси сифатида қабул қиласиз, деган умиддамиз.

ISBN: 978-9943-24-067-4

© Минҳожиддин МИРЗО, 2015

© «ТАФАККУР» 2015

БАҲОР СОҒИНИЧИ



Сано айтиб келган итҳулар
Эй, топталиб ўққан тоғларим.
Энди қадим тиклангиз дейман,
Гуллаш пайти келди, боғларим!

ШЕЪРИЯТ

Назир қилдим дилимни
Бу гўзал кошонага.
Ер ўпиб қўйгум қадам
Шу азиз остонага.

КЎНГИЛ УМИДИ

Ҳаётдан умидвор яшайвераман,
Ҳали кутганим кўп ёруғ дунёдан.
Тириклик даштида гоҳ ғам тераман
Кўзларим нур эмар соҳир зиёдан.

Йўқ, алдамаяпман ўзимни ўзим,
Ишончим бор ҳали ҳаётдан маним.
Бир булбул умрини яшашим керак,
Қизғалдоқ остига киргунча таним.

1984

**ҚИЗҒАЛДОҚЛАР,
ЙИҒЛАМАНҒ, КУЛИНҒ**

Йиллар ўтди умр китобин,
Саҳифасин бир-бир варақлаб.
Зулматлар ҳам ортга чекинди,
Офтоб чикди кўқда чарақлаб.

Хазонларнинг йиғиси унут,
Фунчаларнинг шивири дилда.
Лек, ёшлигим баёт-қўшиғи,
Қайтмай кетган ўша булбулда.

Қизғалдоқлар, йиғламанг, кулинг
Наҳот сизни пайқамай кетсам.
Йўқ, тупроқ ҳам кечирмас асло
Баҳорларда гулламай ўтсам...

1991

ШЕЪР ЎЗИ НИМАДИР

Шеър ўзи нимадир, ишқий калима,
Ойдин булоқ гули – шаффоф бир туйғу?
Ё кўнгил йиғиси, шуур гавҳари,
Ё ҳайрат, ё ҳасрат, энг ширин қайғу?!

Шеър нима, пайконми, руҳга санчилган,
Ёки, қалб дарахтин сирли япроғи?!
Балки нилуфардир дилда очилган,
Кўнгилда улғайган Мажнун титроғи?

Шеър нима, дардми у ё зикр ажиб,
«Аналҳақ» деган ул кўнгилнинг оҳи?
Дилдаги жаннатми, боғлари нажиб,
Қайда у руҳдаги дарвеш даргоҳи?

Шеър нима, тилсимли зулмат вужуднинг
Қаъридан ой каби чиққан ифода?!
Кўнгил тоғларига қўнган бургутнинг,
Ўтли нигоҳидан тўкилган бода?

Англамоқ кўйида дил сўйлар тошиб,
Чин шеърки, бир ушшоқ дилга раводир.
У – мужда – етти қат осмондан ошиб,
Ҳақдин келаётган мунир наводир...

1990

БУЛБУЛ ҚЎШИФИ

Расул Ҳамзатовдан

Булбул қўшиғини тинглаяпсанми,
Унда янграётган тантана тинмас.
Нима ҳақда куйлар англаяпсанми,
Аммо номаълумдир, ҳеч кимса билмас.

Иймоним комилдир, ишонч-ла айтгум,
Ватан ҳақидадир бу қўшиқ – бонглар.
Агар ўзга мавзу бўлганда шаксиз,
Жонига тегарди аллақачонлар.

1990

КЎКЛАМ

Куртаклар шивирлаб сўйлар дунёга
Баҳорий сабзалар қувончи – шабнам.
Мовийдил самонинг ёруғ кўксида
Чарх урар қорасоч қалдирғочлар ҳам.

Уйғонар кўҳна ер, уйғонар дунё,
Ухламоқ пайтимас ҳайратли олам.
Қайдадир излайман, тополмам аммо,
Баҳорнинг суратин чизаётган қалам.

1990

ВАТАН НАДУР

Ватан надур, сўнмаган
Ёрқин юлдуз – қароқдур.
Бош эгишга кўнмаган,
Ватан – жасур Широқдур.

Қодирийнинг кўзида,
Усмон, Чўлпон сўзида,
Беҳбудийнинг изида,
Ёниб қолган чироқдур.

Ким бор уни суймаган,
Фурқат эмас, куймаган,
Шоҳ Бобурни қийнаган,
У – муборак титроқдур.

Бир ифор у гулдаги,
Баётдур булбулдаги,
Ҳам соғинчдир дилдаги
Мангу «Чўли ироқ»дур.

У бор юрак зарбида,
Ким ўтмади дардида,
Мангуберди қалбида,
Зангламаган яроқдур.

Ким билмас, юрт-ошёнин,
Билмас қонин-имконин,
Тополмабди оромин,
Бор ҳаёти сўроқдур...

1990

КУТИШ

Не учун маъюссан, мунглисан, юртим,
Кўзингда бунча ғам, ўкинч шарпаси?
Номинга ярашмай қолдикми, балким, –
Соғинганинг – алплар мардона саси?!

Дилингда бунча кўп ғурбату ситам,
Арслонлар кетдими бағирларингдан?
Ё ўтган шавкатга тутдингму мотам,
Ихлосинг қайтдими ўғилларингдан?

Не-не жаҳонгирлар келиб кетдилар,
Ҳар бирин очунда бор эди ўрни.
Йўлинга зар гилам солиб кетдилар,
Унутиб бўларму Амир Темурни!

Бу тупроқ кимларга меҳрин бермади,
Шавкати тутганди бир вақт дунёни.
Не учун улардек зотлар келмади,
Кўз ёшлар тўлдирди икки дарёни.

Ору қадрини ҳам унутиб бот-бот,
Айтгил нафс йўлига кирганлар қайтсин,
Токи боболаринг англаган зурёд,
Марду майдонларнинг қўшиғин айтсин.

Дилда номус ўти ўчмасин ҳар вақт,
Магар мангу ёнса ҳурлик йўлида, –
Жодулаб қўйилган мудроқ қиличлар,
Билгил, уйғонади ботир қўлида!

Фойда йўқ, ўксима нолаларингдан,
Ҳолингдан ғанимлар қаҳ-қаҳа урар.
Хабардор бўл ҳар вақт болаларингдан,
Бошингда адолат олами турар.

Кўп мотам тутмагил, эрта сукунат
Бағридан таралар қудратли нола.
Шавкатинг тикламоқ учун туғилар,
Сен шунча орзиқиб кутган бир бола.

Балки у туғилган, балки у сафда,
Кут, у кун яқиндир, эмасдир йироқ.
Кут, ҳатто умидвор сўнгги нафасда,
Бағрингни ёритар бир шуъла – чироқ!

1990

ТУҒИЛИШ

Тун, ҳали гулзорда гуллар уйқуда
Тонг кумуш либосин кияркан аста.
Олам бир муждадан умидвор гўё
Қушлар-чи, чуғурлар янги нафасда.

Саболар чопади суюнчи сўраб
Уфқнинг бағрига осиб беланчак.
Қуёшни покиза йўргакка ўраб
Кўксига босади замин – келинчак...

1990

ЭЙ ДИЛРАБО

Эй дилрабо,
Йироқлардан хўрсинма менга,
Кўзларинг-ла кўзларимга ташлама оташ.
Дилимда бор ёлғиз сўзим-айтарим сенга
Менинг кўнглим ўзга кўнгил сеҳрига туташ.

Қўй ўкинма, муҳаббатнинг эй эрка қизи,
Севги ўзи азалий дард, азалий армон.
Аmmo, нетай, эй севгининг ёруғ юлдузи,
Бу кўнгилга беролмасам заррача фармон?!

Балким қисмат деган қаттиққўл ҳакам
Қайсар кўнглим ўз ҳукмига юргизар ҳали.
Кўп ўкинма, юрагимни титратма, эрка,
Балким, менга келар энди изтироб гали.

Не бўлса ҳам ҳаёт зулмат-нур ичра ўтар,
Инсон яшаб ўтар экан, гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд.
Қўйгил энди, шунчалар ҳам қийналдинг етар,
Осмон бўлу, битта учган юлдузни унут!

1990

ЯРАЛДИМ СЕН УЧУН

Яралдим сен учун, сен учун атай,
Заминни тилкалаб гул бўлиб чиқдим.
Кел, малак, мен сенга ростимни айтай,
Сени деб кимлигим буткул унутдим.

Атиргул онамдур, отамдур осмон,
У замин момомдир, мен ундан қочдим.
Унинг беланчаги қабрдир билсанг,
Сени кўрарман деб мен уни очдим.

Сени кўрарман деб қуёшдан сўрдим
Еллар кўзим ўпиб мужда келтирур.
Уммонга айландим, мен ишққа тўлдим,
Ҳижронлар бас, энди қалбим беркилур.

Қара, хув булутлар карвондир билсанг,
Мени асир этмоқ алар муроди.
Билсанг, юрагимни ёндираётган ул,
Шу кўҳна дунёнинг кўҳна фарёди.

Келақол, кел энди, мен сени кутдим,
Келақол, кел энди, куним битмасдан.
Сенинг ой юзингни келгил, бир кўрай,
Момом беланчакка солиб кетмасдан...

1990

КЎНГИЛ

Бунчалар девона, телбасан, кўнгил,
Жунунлик сени ҳам этмиш бахтиёр.
Ўйларинг юлдуздай ёрқин, нурафшон,
Ул ойга кетдими энди ихтиёр?!

Бунчалар девона, телбасан, кўнгил,
Хаёллар кўйнида кезасан саркаш.
Қанчалар шириндир, қанчалар тотли
Сени соғинганни, соғиниб яшаш...

1990

КЕТМА

Кетма, бизни бирга кўрган бу йўллар,
Дардлар ҳасратига гувоҳ бўлмасин.
Бизларни бахтиёр деб билган гуллар
Кетма, муҳаббатдан кўнгли қолмасин?!

Ўйлайсан, иккимиз учун ҳаётда,
Хижронли у йиллар кўчарми енгил?
Кетма, муҳаббатим сендан ўзгага
Бермоққа қизғонар ахир бу кўнгили.

Кетма, кўзларимга тўлдириб қайғу,
Кетма, бахт нуридан бўлмайлик жудо?!
Кетма, лабларимга сен қуйиб оғу,
Бизни бахтсиз кўрса, кечирмас Худо...

1990

ЭЙ ГУЛ

Дунёга боқдим, ишондим энди,
Армонсиз яшамас унда одамзот.
Севгисиз ҳаётдан мен тондим энди,
Тушимга киради севгилим бот-бот.

Мени зор йиғлатиб, йиғлар ўзи ҳам,
Кўз очиб кўрганим у кўзларда нам.
Гулларга боқдим дард ичра қолдим,
Япроқлар юзида мунчоқдек шабнам.

Сен нечун йиғлайсан, сен нечун, эй гул,
Нечун кўз ёш сендай гулгун зиёда.
Бир дилни ахтариб ўтмоқда умрим,
Маним йиғлаганим камми дунёда?!

1990

БҮЛМАСМИДИ

Унутмоққа кўп бор уриндим
Соғинч кўнмай соларди фарёд.
Юрагимга ёмон кўриндим,
Унутмоққа кўймади ҳаёт.

Севги тотин бизга бахш этган
Кунлар ҳамон ёдимда билсанг.
Бўлмасмиди, шодлик тарк этган,
Кўнглим уйин ёритиб юрсанг...

1990

МЕНМИ...

Менми, ишқ йўлида адашган орзу,
Менми, дил риштасин дилингдан ечган?!
Менми, ўз кўнглига тутқазган оғу,
Менми, севгисидан ўзи воз кечган?!

Менми, бу дунёда йиғлаган кўнгили,
Нечун мени севдинг, арзирми жоним?!
Энди қаерлардан изларман билмам,
Севгим – хайрлашмай кетган меҳмоним?

Менми, бедардларга дардини айтмай,
Кўз ёшинг сездирмай кетган бир сабо?!
Менми, ўз севгисин қадрига етмай,
Муҳаббат боғида юрган бир гадо?!

Менми, муҳаббатнинг қўлидаги ул –
Гулдай юрагини ҳижронга отган.
Менми, гулзор излаб адашган булбул,
Ишқидан чекиниб гуноҳга ботган?!

Менми, кўзларингда кўрмай дунёни,
Ўзга бир дунёнинг ичидан ўтган?!
Менми, ўз ишқини топтаган гумроҳ,
Дўстлар Мажнун деса ўзидан кетган?!
Менми...

1990

БАҲОР БЎЛИБ КЕЛ...

Сабзаларга буркаб кўнглим диёрини,
Умидим ғунчаси кулса, сўлмасмиди?
Ким кутибди ахир мендек ўз ёрини,
Мажнун бўлсам, Лайло ҳолим билмасмиди?
Баҳор келган йўл сенга ҳам йўлмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди?

Кўзларимда кулармиди қизғалдоқлар,
Туярмидим турфа гулларнинг тотини.
Сен билмадинг муҳаббатим ўша чоғлар,
Боғлаб кетдинг юрагимнинг қанотини.
Балки, кўнглим бунча ғамга тўлмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди?

Билардинг-ку, мен умримни сенга бериб,
Бир қизғалдоқ умрин сендан тилаганим.
Нима кўрдим бу дунёга шошиб келиб,
Шу бўлдим ахир сендан сўраганим?!
Ой бўлмасанг кўзим кўкка тушмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди?

Бу девона ким бўлди деб ўтар сабо,
Бунча забун, бунча ғамли куйинг дейди.
Кўп ғам чекма, умринг ўзинг қилгунг адо,
Хазон қилар сени тушкун ўйинг дейди.
Хазон нима – балким, умрим билмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди?

Менман, ўша, бир булбулдай баҳор чорлаб,
Ҳар сония йўлларингда кутаётган.
Менман ўша, ўша осмон бағрин доғлаб
Сени дея бир юлдузсиз ўтаётган.
Зулмат қучган осмон нурга тўлмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди?

Қайтмасингга ишонсам ҳам кутавергум,
Нетай, ўзни ҳеч бу қўлга ололмайман.
Билганим дард, ҳаёт гамин ютавергум,
Хазон босган бу йўлларда қололмайман.
Мен интизор кутган онлар шулмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди?

Баҳор бўлиб келаверсанг бўлмасмиди...

1990

ЭНДИ ЮРАГИМДА

Кўнглимга ёғилди ишқ хазонлари,
Кунларим тун қилди ёрнинг холлари.
Энди юрагимда маъюс силкинар,
Бу ўксик кўнглимнинг мажнунтоллари...

1990



**ҲАМИД ОЛИМЖОН ҒАЗАЛИГА
МУҲАММАС**

Не толе бу келиб дунё, ишқ тилаб хаста ҳол бўлсам,
Юзинг гулин кўргач дилим туголмай гул, лол бўлсам,
Сен эй, феруза осмоним, йўлингда бир ҳилол бўлсам,
На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг яроғидин томганки гўё қатра бол бўлсам.

Ўтар бўлди мени Мажнун ҳолига солиб бу кунлар,
Муҳаббат кўшида борми, бахтга ёр бағри бутунлар,
Сен эй гул, сен талаб этсанг бу жонимга оғир хунлар,
Бутоғинга кўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Ўпиб ғунчангни очмоқлиққа тонг чоғи шамол бўлсам.

Менингдек дилхаста сендин шифо истаб тилар соғлиқ,
Самандек кўкка сапчирман, кетолмам лек дилим боғлиқ,
Бу гулшандин йироқлашсам, кўнгилда гул тугар оғриқ,
Бўйингни тарқатиб оламни қилсам масту мустағриқ,
Ўзимни санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Кўёш пойида ул ой ҳам васл истаб чўкодир тиз,
Инонсиз бир боларидек қошингда бўйлагум ғиз-ғиз,
Бу дил изминга бўйсунмиш кетиб бор ихтиёр, эй қиз,
Сенинг бирла қолиб масту лол оламда мен ёлғиз,
Ўзимни ҳам тополмай майлига охир хаёл бўлсам.

Етолмасдан куйиб ўлмай, Қайс каби қатра болингга,
Учирма, кўй, кўнган кўнглим булбулин юрак торингга,
Шукур дейман, сенингдек Лайлидил соҳибам борингга,
Кезиб саҳро-ю водийлар етишсам бир висолингга,
Фидо жонимни қилдим йўлингга майли увол бўлсам.

1990

ИЛИНЖ

Умидим бўлмаса ёруғ дунёдан
Заҳмат гулханида ёниб нетардим.
Марҳамат кутмасам пири зиёдан
Бебахт кунларимдан тониб нетардим.

Қоронғу йўлларни шуълага ўраб
Шу умид нурафшон этар жисмимни.
Тунлари юлдузлар мендан шеър сўраб
Бир куни самога ёзар исмимни.

1990

ОФТОБ

Қир-адирга зангор гилам тўшайди баҳор,
Қизғалдоқлар сир айтишиб кўкка бўйлашар.
Шўх булбуллар шаршаралар олдида наҳор,
Тунда кўрган тушин зилол сувга сўйлашар.

Қалдирғочлар «Вал-фажр»ни ўқир дамо-дам
Гул косада кўзин очар болари аста.
Найсон ювар майсаларнинг тунги ғуборин
Шўх жилғалар ялпизларни уйғотар пастда.

Настаринлар шивирлашиб елда тебранар,
Шода-шода кўнғироғин чалаётгандай.
Камалаклар кўк тоқига поёндоз солар,
Маъволардан бир лоларуҳ келаётгандай...

1990

БЕОРОМ ТУН

...Йўл бошлади Дорога Широқ
Юзларини куйдирар самум.
Кула бошлар телбадай бироқ,
«– Тўрт тараф ҳам етти кун йўл. Қум...»

Қонга тўла мешга Тўмарис
Тикди пахмоқ Кирнинг бошини.
Сўнг Жайхунга отиб юборди,
«– Ичгил, ана, элнинг ёшини»

Минг йилларки, эврилар замон,
Тинмас бир зум юраклар зарби.
Уйғонар Тонг – кўксида армон,
Ял-ял қуёш – аждодлар қалби...

Тунлар бир руҳ шивирлар бетин:
«– Қайда қолди бу туркий туғлар,
Қиличимни ўғирлаган ким?»
Кўзларида Тўмарис йиғлар...

1987



КЕТ..

Афсунларинг энди ўтмас юракка,
Кўзимдаги мунг пардаси сурилди.
Қалбим ёниб шуъла сочар фалакка,
Кўнглим ичра ўлган умид тирилди.
«Кет, кўзимни алдагувчи хоки нур,*
Кет, оловли чизигимдан нари юр!»

Шол минорлар танасига руҳ қайтди,
Томирларда оқди иймон гуллари.
Тонгда юрак меҳробига нур қайтди,
Лабларимга гулоб тутди ҳурлари.
«Кет, илоҳий виждонимни булғама,
Бутлар билан теграмни чулғама!»

Қўйгил, ағёр, энди макру домингни,
Алдовларинг йўқотдилар сеҳрини.
Юраклардан ўчирди эл номингни,
Озод руҳга бахш этиб у меҳрини.
«Кет, малаклар достонини ўқима,
Кет, аслсиз эртақларни тўқима!»

Кўч-кўронинг ол-да, йўқол диллардан,
Юраклардан Соҳибқирон чиқмасдан.
Қамашдими, кўзинг ҳам у нурлардан,
Ортга қайтмас бу эл тахтинг йиқмасдан.
«Кет, жонимни қийнагувчи жоду – ҳур,
Кет, кўнглимни алдагувчи ёлғон нур!»
Кет!..

1988

*Чўлпон мисралари

КУЗ

1937 йил

Дарахтларга осилган мурда –
Чайқалади заъфарон барглар.
Ичиқора бир тўп қарғалар
Эрта-ю кеч қишни дарақлар.

Тўлиб кетар замин мурдага,
Юролмайдди одамлар ҳайқиб.
Тоқат қила олмай азага,
Кета бошлар турналар қайтиб.

1988

ОНА ЗАМИН ДУОСИ

Қизғалдоқлар қироат қилар –
Қабристонда, ҳар бири қуёш.
Ўтганларга шафоат тилар,
Тебранади қизил дастор бош.

Ҳар бир гиёҳ айтар саловот,
Турон замин бу – уйғоқ замин.
– Юрт шавкатин қайтар, Ҳақ... – дея,
Пичирлайди тупроқлар: Омин...

1988

УЙФОНИШ ИЗТИРОБИ

...Аламлар чодрасин ўраб чиқарди,
Кўлида кўзамас, занглаган ўроқ,
Фанимлар таларди юртини юзсиз,
Уйида йиғлайди етим чақалоқ.

Отларнинг дупури келар қайдандир,
Ажнабий зотларнинг ошиғи олчи.
Ўроғин кўтарар у дил тоймасдан,
– Эй жаллод, кет, менга гар тегиб кўр-чи...

Хахолаб кулади отидан тушмай,
Тилмочнинг сўзларин эшитиб ганим:
– Эрингни ўлдирдик, кел, сен тул қолма,
Туркийдан орттирган чўрим бўл маним...

Ўроғин кўтарар, ҳайқириб у дил,
Томирида оқдими Тўмарис қони.
Атрофга сачради алвон-алвон гул...
Тупроққа қорилди Туркистон шони...

Ким эди у аёл, ким эди, билмам,
Бувимдан эшитдим бу ҳикояни.
Фанимлар не қилган, дея сўрайман
Кулбада чинқириб қолган болани?

...Қайғудан сочлари қордай оқарган,
Шу кеча тушимда сурганча хаёл:
– Онасин кутганча, биғиллаб ётган
Сен ўша ўғлимсан, дейди бир аёл...

1987

КЎНГЛИМДА ЙИҒЛАГАН МАЛАКЛАР...

Зулмат тун йўлига юлдузлар сочиб,
Фафлат ёсуманин макридан қочиб,
Занжирбанд дунёнинг эшигин очиб,
«Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?»*

Сабри гулламасдан сўлган дилларми,
Боғу баҳоридан айро гулларми,
Забони кесилган ё булбулларми,
«Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?»

Жаннатни ҳам ташлаб келган руҳларми,
Ё жаннатни бошлаб келган руҳларми,
Уйғон дер: «Шунчалар узоқ ухларми...»
«Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?»

Куртаклар уйғонди, баҳорлар яқин,
Вужудим ёритиб чақмоқда чақин,
Кўнглимга умидвор, бахш этган ёлқин,
«Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?»

1987



* Чўлпон мисралари

БАҲОР СОҒИНЧИ...

Туркум

I

Ингранади юракда мунг-ла,
Широқлардан ёдгор аёлғу.*
Гўё куймас, тутар рубобим,
Косасида лиммо-лим оғу.

Симираман дардни, дард ила,
Созим бағрин очади менга.
Юрагимга торларни тортиб
Куй чаламан етсин деб сенга...

II

Сабрлар сўзламас, соқов чинорлар,
Қудуқлар нафасин ютган ичига.
Хўрсиниб нурайди бобо минорлар,
Ишонмай қўйгандек бу эл кучига.

Тупроқлар оҳ чекар, тоғлар чекар оҳ,
Топталиб оҳ чекар муқаддас остон.
Иймони топталган, мардлар оҳ чекар,
Оҳ чекиб ётибди банди Туркистон.

Сатрларда сергак жоним яшайди,
Муқанна дафтарим устида ухлар.
Сатрларда мажруҳ шоним яшайди,
Тунлар хобгоҳимга тўлади руҳлар.

Қалдирғоч қаноти яроғим менинг,
Кўрагон бобомнинг кўксимда тахти.
Юлдузли бу осмон – байроғим менинг,
Аждодлар ёрлиги – элимнинг бахти.

* Аёлғу – қўшиқ, куй

Кўзимни юмаман отлар дупури,
Алплар келмоқдами сўраб Туронни:
Минорлар – букилмас элим ғурури,
Соғинч-ла кутмоқда Соҳибқиронни...

III

Туннинг саватидан тўкилар юлдуз,
Рухимда ғалаён бошлар садолар.
Қирқ ямоқ чопонин бошига қўйиб,
Тўрвасин қучоқлаб ухлар гадолар.

Бошимга кийганча дарвеш кулоҳин,
Қўлимда асо-ла юлдуз тераман.
Тўрвамга йиққанча элимнинг оҳин,
Темурбек қошига бораман...

IV

Мени ҳам бир нафас тинглагил, олам,
Бир зум арзин эшит маъюс кўнглимни.
Агарда мен шу эл дея ёнмасам,
Ўтинчим, узайтиб қўйма умримни.

Юрагимни ўртар етмиш қат армон,
Бошимда ўйнайди хуфия – қилич.
Муқаддас тузукдан қуйилар гулоб
Рухим айтар: Келгил, уйғонасан, ич!

Осмонга кўз тиксам уйғоқ тунлари,
Ҳилол узатади фалақдан шамшир.
Ўйларим йўлига тўғон қуради,
Фанимлар кўнглимга солган хавотир.

Изтироб – кўнглимнинг қибланомаси,
Кўрсатган йўлларга бургум юзимни.
Фанимимга ночор, маъюс тикилган,
Гоҳо ўйиб олгим келур кўзимни.

Бағрим куяр – кўқда уйғонди қуёш
Маъводан янгради сирли бир садо:
«Хув мағрур Минорни белда белбоғли,
Кел, Амир Темурга айлантир, Худо...»

Ҳасратмас, ҳайрат-ла тупроқ ўпаман,
Шукр, деб кўзимга суртаман такрор.
Дилларни чулғаган музни эритиб
Менинг ўлкамда ҳам бошланди баҳор...

1989

ХАЙР ДЕМА

Хайрлашгим келмаяпти, йўқ,
Кетсанг зулмат қоплайди дилим.
Айрилмасдан туриб, соғинсам
Нима қилай, ўзинг айт, гулим!

Юрак кўнмай асло ҳижронга,
Кўксим ичра чала бошлар бонг.
Бил, қалбингда офтоб жилмайса,
Юрагимда ота бошлар, Тонг...

1989

КҮНГИЛ ИСТАГИ

Анхор лаби гулга тўлган чоғ,
Сув ювмасин қирғоқларини.
Булут бевақт тўсмасин ойнанинг
Соғинч тўла нигоҳларини.

Булбул кўнгли ишққа тўлганда
Сайрашидан тўхтатма фалак.
Бу дунёни севиб-севилмай,
Тарк этмасин бирорта юрак.

Қалам бердинг қўлимга маним,
Қалбда ўзинг шивирлаган сас.
Бойчечакдек қор бағрин тилгум
Илҳомимни сўндирмасанг бас!

1990

БИР КУН...

Соғинаман, соғинсам ҳам чидайман,
Бир кун ўша ёруғ кун ҳам келади.
Йўлларимга юлдуз сочиб, овутиб
Кундан ойдин тун ҳам бир кун келади.

Бошим эгсам йўл бўйида гиёҳлар,
Шеър ўқийди, яхши кўрган шеъримни.
Бойчечакка айланади у оҳлар,
Такрор ўпгум шоир қилган еримни...

1990

АЛВИДО, БОЛАЛИК

Туркум

I

Мен сени хотирлаб яшайман энди
Эртақдаги гулдек оқиб кетдинг сен.
Хали чўғ билмаган мурғак қалбимни
Қуёш деб билдингу, ёқиб кетдинг сен.

Тупроқ кўчаларда ўйнардим чопиб.
Қизғалдоқ терардим томнинг бошида.
Айб қилсам гуноҳкор йиғлаб турардим,
Минг бора кечирган отам қошида.

Гоҳ варрак учириб, унинг ортидан
Сурардим зерикмай ажиб хаёллар.
Эртақ оламини кезиб чиқардик
Кўп эди мен каби ўйчан-сайёрлар.

Анҳорга шопиллаб тушган олмадай
Дарахтдан ташлардик Хўтанариққа.
Ўзимиз ўлдириб қўйиб сўнг маъюс
Биз мотам тутардик илонбалиққа.

Болалик бошларди бизни қайларга –
Қийқириб ортидан эргашар эдик.
Олмахон сингари қатор дарахтлар,
Биридан иккинчисига ўтардик.

Кийимлар йиртилган, қўллар тилинган,
Гоҳ қашқа юзимиз қайтардик уйга.
Кечалар «Рам ва Шам»* кўргани атай,
Қўшни маҳаллага кетардик тўйга.

Оқ девор узра хўп бўлар томоша,
Қийқириқ авжига чиққанда гоҳи.
Қизлар гоҳ йиғлашни бошлаб қоларди:
– Шамни урмасинлар, нима гуноҳи?

* Машхур ҳинд киноси

Фам-ташвиш билмайин ўтарди кунлар,
Синфдан синфга улғаяр ёшим.
Тепамда кулганча нур сочар эди,
Болалик аталган ажиб қуёшим.

Зангор осмонларга учирдинг руҳим,
Юлдузлар пойида нурга йўғрилдим.
Балки мен заминнинг пок паноҳида
Бир митти юлдуздай туғилдим.

Мен қайга бормайин, ёрқин йўлдошдай
Чопардинг, ортингдан эргашар эдим.
Кўнглимда не сир, не армону орзу,
Барчасига ўзинг сардор бўл, дердим.

«Зумрад ва Қиммат» ҳам китобда қолди,
«Ойгул ва Бахтиёр» менга ёқарди.
Масжид ичидаги у кўҳна чинор,
Гоҳ менга Алпомиш бўлиб боқарди.

Пахта йигирарди қатор тераклар,
Ер оппоқ толага кетарди тўлиб.
Баҳор кўз ёшидай ўрик гуллари
Еллар қучоғига кетар тўкилиб.

«Фарҳод ва Ширин»дан ёзганда иншо,
Мажнундан кичкина бўлса-да ёшим,
Нечундир қарагим келарди унга,
Лайлига ўхшарди бир синфдошим.

Кўзларим ҳайрат-ла боқди дунёга,
Мен жавоб изладим саволларимга.
Жумбоқлар сирини ўзимча ечдим,
Қониқа олмадим жавобларимга.

Мен сени қайғузор томон бошладим,
Йўлимиз тўсдилар умид ва меҳр.
Шу туйғу олдида гоҳ кўз ёшладим:
– Лайло кўзидаги, айт, қандай сеҳр?

Мен сенга илтижо қилдим, айтмадинг,
Сен менга нечундир оқ йўл тилардинг.
Балоғат қошига етганди ёшим,
Бола эмас эдим, буни билардинг.

Ёшлигу муҳаббат чорлади мени,
Юрагим, юр, дедим унга борайлик.
Шундан мен ёшлик-ла илгари кетдим,
Олисда қўл силкиб қолдинг, болалик....

II


Болалик-ла хайрлашган кун,
Илк бор сирдош бўлганди қалам.
Юлдузларин кўз-кўз қилиб тун
Очди менга сирли бир олам.

Эсимдадир илк бор тўлғониб
Хаёлларнинг ичдим гулобин.
Бир мамлакат кўрдим уйғониб
Кўнглим чалар эди рубобин.

Борлиғимни унутиб буткул,
Шеърят деб боқдим фалакка.
Сирдош бўлди тунлари булбул.
Мирзо бўлдим шундан юракка...

1990

КҶҲИМ РАҲЛАРИ



*Юз-кўзларга тушган у нурдан
Юраклар ҳам алағга олар.
Кеда кўрган кунларим бирдан
Бугун ёмон бир тушдай қолар...*

ҲАЁЛИ СОҒИНЧЛАР

Шоира Зулфияга

Дардли дунё экан бу дунё,
Бедард эмас шундан одамзот.
Шеър олами – кўрдим бир зиё,
Ғамлар уни қилмади озод.

Бахтим қаро демади у ҳеч,
Сабр бўлди унга дугона.
Изтиробнинг яшил тахтида
Бир аёл бор мангу ягона.

Баҳор илк бор қайга келади,
Кулиб боқар ғунчалар кимга?
Баҳор илк бор унга келади,
Соғинчини бермас ҳеч кимга.

Гуллар дуо қилар ҳар саҳар,
Садоқатнинг фариштасига.
Муҳаббат ҳам аста бош қўяр,
Қуллуқ дея бу бекасига.

Садоқат бор қадрим улуғ дер,
Садоқат бор, меҳр менга ёр.
Шу аёлга бардош қуллуқ дер,
Муҳаббати чексиз улуғвор.

Шулар асрар уни дунёда
Маҳзун мангу суради хаёл.
Соғинчлари ҳануз ҳаёда,
Бардош маъбудаси асли бу аёл...

1990

ХАЙРЛАШГИМ КЕЛМАЙДИ

Хайр, дейсан маъюс кўзимга боқиб,
Бу кўзмас, ғам уйи бўларми, энди?
Севгим шу кўзларда кетарми оқиб,
Кўзим ёмғирларга тўларми, энди?
Кўзлар кетишингга қўймайди,
Хайрлашгим келмайди.

Видолар – қаноти қайрилган турна,
Ҳижрон тоғларининг пойини қучган.
Умидлар тўпидан айрилган оққуш,
Фарёду ноласи қалбимга кўчган.
Қалбим кетишингга кўнмайди,
Хайрлашгим келмайди.

Булутлар бағридан мўралар қуёш,
Йўлингни тўсмоққа интилар нурлар.
Унинг-да кўзидан юмалайди ёш,
Самони тўлдириб сочилар гуллар.
Осмон кетишингга кўнмайди,
Хайрлашгим келмайди.

Кетма, бу оламини менга тор этиб,
Кетма, армон гулин дилга ёр этиб,
Сен қандай бахтиёр яшайсан ахир,
Кўйингда бир дилни интизор этиб.
Олам кетишингга кўнмайди,
Хайрлашгим келмайди.

1990

ТУНГИ МАНЗАРА

Овга чиққан тунги мушуклар
Тизилишар ойна тагида.
Чумолилар пишиллаб ухлар,
Қари тутнинг яшил баргида.

Базм қуриб кўкда юлдузлар,
Рақс тушади ҳилолни қуршаб.
Гулзор тўла ухлар райҳонлар
Бир-бирининг қўлини ушлаб.

1990

КЕЛ, ГУЛЮЗ...

Бу ҳаёт тутқазди менга ҳам бода,
Пиёлам ичида кулар бир чехра.
Оромим тарқатма, кетгил, шаббода
Кел, гулюз эй шароб, мени сеҳрла.

Рақс тушгин қонимда, нур бер кўзимга,
Муҳаббат сеҳрини жонимга жойла.
Куйласам, соз чалиб менинг сўзимга,
Адашган чоғларим йўлимни пойла.

1990

МЕН БИЛГАН ДУНЁ

Абдурауф Фитрат хотирасига

Дилим қон, юрак хун бўғилиб бўзлаб,
Хурлик манзил тиккан маконни кўзлаб,
Оқибат элимнинг муродин сўзлаб,
Бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим.

Маломат ғоридан мукаррам чиқдим,
Қоронғу тун ичра мунаввар чиқдим,
Ёлғизмас умид-ла баравар чиқдим
Бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим.

Заминни қуршаган абрлар кетмиш,
Қутилган зиёлар заминга етмиш,
Бу кунлар бизга ҳам, оҳ, насиб этмиш,
Бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим.

«Озодлик» деб куйлар бунда ҳар булбул,
«Озодлик» деб куйлар булбул-ла ҳар гул,
«Озодлик» деб куйлар, мудрамагил, тур,
Бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим.

Гоҳи диллар бойланур сароб-рўёга,
Алданма ўзга нур, ўзга зиёга,
Кўзларим, боқ фақат шу ҳур дунёга
Бир гўзал дунёнинг ичидан ўтдим...

1991

СЕН БУЮК ҚАЛБСАН

Аждодлар кўксини ёндирган ҳасрат,
Шаҳидлар бўғзида кетган у унлар.
Энди у азоблар йўқ, келди охир,
Хурдиллар соғинган мунаввар кунлар.

Куллик кетди, дилдан кетди ғам-қадар,
Озодлик ёритар, элим, йўлингни.
Кел энди, қиёмат кунига қадар,
Тан олмай яшайлик қуллик – ўлимни.

Киприklar соқчидай қўймасин мунгни,
Юлдузлар жойлашсин осмон – кўзинга.
Дунё маҳтал бўлсин, дунё интизор,
Элим, офтоб тафтли айтар сўзинга.

Бошингни кўтариб оламга боққил,
Мажнунтол эмассан, чинорсан – алпсан.
Шукронанг тилингда, Ҳақнинг қошида
Энг буюк эъзозга лойиқ бир қалбсан –
Сен энди оломон эмассан, халқсан!

1991

ОЗОДЛИК НАФАСИ

Юрт йўллари, муқаддас йўллар,
Дўст ҳам ундан келган, ғаним ҳам.
Мадад сўраб чўзилган қўллар,
Эриб оққан бамисоли шам.

Бу йўлларда ғаним қаҳридан
Гиёҳлар ҳам сарғайиб сўлган.
Бу йўлларда қанча пок диллар,
Орзуларин тупроққа кўмган.

Бу йўлларни супурмаган ел,
Ўксиб ўтган бу йўлдан баҳор.
Ғанимга сув тутгани учун,
Ич-этин еб инграган анҳор.

Бу йўлларга бобом тўккан ёш,
Мардлар қонга беланиб ўтган.
Бу йўлларга сиғмаган қуёш,
Бахтлар ғамга уланиб кетган.

Шукр дейман, энди бу йўллар,
Юрагимга туташиб кетмиш.
Қулдан бекка айланмоқ не бахт,
Занжирларнинг овози – ўтмиш!

Сано айтиб ётган гиёҳлар.
Эй, топталиб чўккан тоғларим.
Энди қадни тиклангиз дейман,
Гуллаш пайти келди, боғларим!

Энди менинг қалбимда ҳам ой,
Ҳисларимга тутади гуллар.
Энди сиз ҳам озодсиз, учинг,
Юракларга қамалган нурлар...

1991

МУБОРАК УНВОН

Дунё асли бобонг чироқ ёққан уй,
Самоларга кўзлаб қўйгин нарвонни.
Шарқ зиёси Фарб жомига оққан куй,
Эслатиб қўй, бобонг сурган давронни.

Замон келди, дунёга боқ, озодсан,
Замин берди сенга кучу дармонни.
Қўнгиллар ҳур, диллар обод, эл обод,
Ўзинг бергил юрагинга фармонни.

Нурни тўсган зулматлар ҳам чекинди,
Ҳақ иноят этди қутлуғ имконни.
«Ўзбекистон – озод ва обод диёр!»
Асра энди бу муборак унвонни!

1991

ЁРУҒЛИК

Мен қўмсаган у тушлар бугун
Кўз олдимда бўлур намоён.
Офтоб йўлин тарк этаркан тун,
Ёришади юртим бепоён.

Юз-кўзларга тушган у нурдан
Юраклар ҳам аланга олар.
Кеча кўрган кунларим бирдан
Бугун ёмон бир тушдай қолар...

1991

ЎЗБЕКИСТОН

Она юртим, бу кун мен сени,
Қутламоқчи бўлдим чин дилдан.
Зулматлар ҳам чекинди нурдан,
Мен ризоман энди умримдан.
Кишанларинг узилган кеча,
Уйғонди-ку бир бутун олам.
Чўлпонларнинг саси эдим,
Овоз келди: «Бардам бўл, болам!»
Қодирийда қийналган жонсан,
Энди озод Ўзбекистонсан!

Қанча ўғлинг оёққа турди,
Жондин ўтгач золимлар заҳри.
Баҳорларинг йўлин тўсдилар,
Аёзларнинг аёвсиз қаҳри.
Қайтмади лек улар ортига
Занжирларни узмоқ бўлдилар.
Қаҳратонда очилган гулдай
Эрта гуллаб, эрта сўлдилар.
Бу кун келиб ёришган тонгсан,
Сен муборак Ўзбекистонсан!

Боболарнинг армонларини,
Қучиб ётар ҳануз бу тупроқ.
Не қилайки, ҳали бағрингда
Мудраб ётган ғофиллар кўпроқ.
Йиллар қилиб бўлган ишини
Эрк нелигин англамас гоҳи.
Ватан ҳиссин уйғотолмаган
Шоирларнинг буюк гуноҳи.
Уйғон энди, уйғон, сен борсан,
Сен ҳур диёр – Ўзбекистонсан!

Мушкулларинг бир кун ечилар,
Заҳматлар ҳам бир кун ўтгуси.
Бу юрт аҳли ҳали талпиниб
Улуғбекдай юлдуз қучгуси.
Мангуберди каби мард бўл сен,

Мардлар асло гафлатни билмас.
Жасур бўлгил, ёвқур эл сари
Фанимлар ҳам ҳеч йўлай олмас.
Сен Темурбек қолдирган шонсан,
Турон қалби Ўзбекистонсан!

Баҳоваддин қўлласин сени,
Дилларингга боғлаб нақшини.
Созларига ўзинг оҳанг бер,
Эркинг куйлаб юрган бахшини.
Фақат айтгил шоирларинга
Сотмасинлар улар иймонин.
Чўлпонлардай бағрига босиб
Улуғласин Ватаннинг номин.
Асрий орзу ушалган онсан,
Сен озодсан, Ўзбекистонсан!

1991

БАҲОР, КҰНГЛИМ СЕНИКИ

Булбулларнинг нафаси кўксимга урилади,
Ялпизларнинг бўйидан маст бўламан девона.
Жонсиз, ғариб шохларда куртаклар тирилади,
Сен бир ажиб оятсан борлиқ ичра ягона.

Қалдирғочлар – дарвешлар тонгдан сенга ҳамд айтар,
Ҳар чечакнинг бошида фаришталар кезади.
Ҳатто дунё нуридан баҳрасиз ожиз жон ҳам,
Баҳор, сенинг нафасинг юраги-ла сезади.

Қара, ҳатто қалб нима, эзгулик не унутган,
Кўнгил косалари ҳам нафс ўти-ла тўлганлар.
Баҳор бунча соҳирсан, қара бир зум тирилмиш,
Бу дунёда нафс дея кўнгли эрта ўлганлар.

Олам ҳар тонг мунаввар, кўнгиллар шод, диллар шод,
Дунёга кулиб боққан ғунчалар шод, гуллар шод,
Қаро зулмат чекинмиш булбуллар чаҳ-чаҳидан,
Юлдузлари гуллаган ул соҳира тунлар шод.

Минг қуллуқ деб тўшалгум сабза каби пойинга,
Ҳар қалб сезар бу тонгда кўклам нигоҳларини.
Найсонлар фариштадай шивирлаб ювиб кетар,
Аёзларга қўл берган диллар гуноҳларини.

Яна умид гуллари яшнадилар оламда,
Дунёнинг чеҳраси ҳам бу кун гулдай очилмиш,
Йил бўйи кўнгиллардан унутилган туйғулар,
Қақраган бу дилларга уруғ каби сочилмиш.

Баҳор, кўнглим сеники, унга ишқ сол, олов сол,
Кўнгилдан чиққан оҳлар капалакка айланар.
Юрагимдан чекинган туйғуларим, ҳисларим,
Қалбимнинг шохларида куртак каби жойланар.

Токи, улар очилсин, гулга кўмилсин жисмим,
Кўзларимни тарк этсин ғам биноси – ул соя.
Кипригимдан ёшлармас, чучмомалар тўкилсин,
Юрагим бир қизғалдоқ бўлса, менга кифоя.

1991

**АНДИЖОН БУ –
СИЗСИЗ ОНАЖОН**

I

... Андижонда туғилган жойим,
Чорласа-да боролмадим ҳеч.
Ёдин солмиш дилга Худойим,
Тилдан қўймам уни эрта-кеч.

Умр йўли мени шу томон
Олиб келган бўлса нетайин.
Асли шундай яралган замон,
Ҳукмин бузиб қайга кетайин?

Тақдир деган тоғли довон бор,
Ўтмоқ мушкул посбонларидан.
Қанча сирдош юлдузлар топдим
Кўҳна Шошнинг осмонларидан.

Гоҳ юрак топганда озор,
Гоҳ кимдандир етганда алам.
Кўнглимга нур салади такрор,
Сирдош дўстга ўхшайди қалам.

Тақдир йўли харитада йўқ,
Соғинчларни билмас посбони.
Инсон қайга борса туташган
Ўз юртига минг битта жони.

Қизғалдоқлар нигоҳи тушган
Ерларимни ўпгим келади.
Бобур Мирзо ета олмаган
Андижонга кетгим келади.

Кетолмайман сенга, Андижон,
Етолмайман сенга, Андижон.

II

Дарахт тўқар япроқларини
Йўқ, тўқмайди, шамол тортқилар.
Билмам, шу кез маъюс дарахтнинг
Танасида недир зирқирар?!
Ғариб мисол яланғоч шоҳлар
Эслаб ҳар тонг япроқларини.
Шамолларга инсоф тилайди,
Яширолмай титроқларини.
Ҳасрат билан кўкка кўз тикар,
«Алвидо» дер хазон барглари.
Ҳар кузақда қайта бошланар,
Унутилган унинг дардлари.
Шамол эсар, тўзғир хазонлар,
Тақдир – қуюн, қилар чирпирак.
Шу ўйларни битаркан ногоҳ,
Санчиб-санчиб оғриди юрак.
Азим дарахт япроғи ҳарчанд
Интилса-да қайтолмас унга.
Онам – дарахт, мен-чи баргмасман,
Нима бўлди, дўстларим, менга?!
Тугамас-ку, ахир юмушлар,
Дўст бўлдими, менга баҳона?!
Ахир, имкон ҳар вақт топилар,
Фарзандман, деб юрибман яна...
Гарчи қуюн, турса-да довул,
Гарчи йўлим тўсса бўронлар.
Агар йўлга отланар бўлсам
Ҳатто тинар ёғаетган қорлар.
Сиз ҳар тонгда кутасиз мени,
Ҳар субҳидам кутар Андижон.

Соғинмасдан қандай яшадим,
Андижон бу – сизсиз, Онажон?!
Соғинч билан довон ортида
Эслаб мендек «япроқ»ларини.
«Болажоним соғмикин?» дея,
Сездирмайди титроқларини.
Отланаман, кўзда ёш билан,
Келдим... келдим, йўқ энди фироқ.
Онам сочим силаб эркалар,
Тиззасида ям-яшил япроқ...

1992

СИЗГА БАФИШЛАЙМАН ТОПГАН ҚАДРИМНИ

I

Умр карвонида мен ҳам йўлчиман,
Гоҳо ғам шарпасин солар юзимга.
Ҳасратли кўнгилга умид-элчиман,
Офтобдан бир тола яшар кўзимда.

Йиллар ва йўлларда ўтар ҳаётим,
Катта йўл чорлади кўнглимни яна.
Мадорсиз қолмагай учар қанотим
Ёнимда, қалбимда бўлсангиз, Она.

Сиз Ҳақни суйган бир муслима кўнгил,
Кўксимга қадаган гулингиз – юрак.
Сизга осмон ака, юлдузлар сингил,
Менга бу маъводан ўзга не керак.

II

Яшамоқ не ўзи, муваққат имкон,
Дунё-чи, дунё бу кўҳна ғамхона.
Мен қайда бўлмайин қалб менга макон,
Шу маконда сизни асрайман, Она.

Сиз кўрган куртаклар гул бўлди бу кун,
Меҳримни нон каби улашдим элга.
Гоҳо фигонимдан чиқса-да тутун,
Бобом деб дардимни айтаман ерга.

Сиз дилга ёққан у эзгу чироқни,
Нафс – шамол ўчирмоқ бўлса дафъатан.
Ёдлайман кўнгилда уйғоқ Широқни,
Энг тоза ҳисларга бу дилим, Ватан.

Шайтоний ҳавасдан музаффар бўлиб,
Мен тугдай кўтаргум гулдай сабримни.
Шукримни, меҳримни поёндоз қилиб,
Сизга бағишлайман топган қадримни.

1992



НИЛУФАР

Қизимга

Капалакка ўхшайсан,
Кулсанг кулгунг ярашар.
Тунлар сени кўрай деб,
Юлдузчалар қарашар.
Нилуфаржон, Нилуфар.

Кўзларингнинг мунчоғи
Соғинч гули эмасми.
Наҳот раҳмсиз фалак,
Соғинганим билмасми.
Нилуфаржон, Нилуфар.

Йироқлардан тизилиб,
Анжон борар сўзларим.
Сенга боққан юлдузлар,
Менинг кўрар кўзларим.
Нилуфаржон, Нилуфар.

Кечир, қочқоқ дадангни,
Ойда бир келиб кетар.
Қаламидан гул унса,
Бир кун сени опкетар.
Нилуфаржон, Нилуфар.

1992

ИЛТИЖО

Кимгадир бол тутар, кимларга оғу,
Бунчалар бешафқат экан бу дунё.
Дилимда яшайди қўхна бир қайғу,
Қачонлардир унга тушгандир зиё.

Муҳаббат сўзини тилга олмоқлик,
Нақадар оғирдир бахтсиз дил учун.
Юракка ёшликнинг азобин ортиб,
О, тортмоқ мушкулдир қайғулар юкин.

Хотиржам яшамоқ соати келса,
Қачондир осойиш топарми бу дил.
Ё роҳат дегани тупроқ остида
Йўқ, таним ўликдир, ё Раб, тирилтир!

Ҳаётдан топайин мен ҳам бир илинж,
Дунё айт: бўлди бас, ўйларинг хато.
Менга ҳам ўзгалар қатори бахт бер,
Менга ҳам бир ширин умр қил ато!

1992

ВИДО

Усмон Носир хотирасига

Ўтган кунларимдан ризо бўл, кўнглим,
Гоҳ очилдинг, гоҳида сўлдинг.
Гоҳ ирмоқдай сингдинг саҳрога,
Гоҳ уммондай лиммо-лим тўлдинг.

Гоҳ кўзларим ойга боққанда
Шуълаларга айланиб ёндинг.
Ўзинг тўқиб ажиб эртақлар,
Ўзинг яна унга ишондинг.

Гоҳ тупроқдай яшадинг хоксор,
Гоҳ қоядай мағрур турдинг сен.
Кўзларимда кулганда баҳор,
Бу дунёни қаттиқ севдинг сен.

Эй, умримнинг чинори энди
Бизни чорлар хазонрез фасли.
Баҳорларга куч бермоқ учун,
Хазон бўлиб кетсак ҳам майли.

Эҳ, барчаси ўткинчи энди,
Бунча шошар ирмоқдай умрим.
Тунда юлдуз бўлиб уйғонсам,
Ҳаётимдан ризо бўл, кўнглим...

1992

ОМОНАТ

Омонатдир менга берилган имкон,
Вақт кутиб турмайди жасоратимни.
Ёшлик – лаҳза янглиғ берилган бир он,
Бир куни қайтаргум омонатимни.

Дилимда титраган ҳақиқатни мен,
Ҳаёт дарёсига юборай қўйиб.
Кўзларим муҳаббат кўрсатган хурнинг,
Лола рухсorigа олсинлар тўйиб.

Омонат лаҳзалар бир кун жонимни,
Қизғалдоқ остига кўмар бегумон.
Бир лаҳза жисмимда чўзилган умр,
Шошилиш нелигин билмайсан ҳамон.

Жисмимда волидам берган омонат –
Бир дунё туйғулар навбатин кутар,
Одамлар қалбига улашай барин,
Кечиксам, бу дунё мени унутар.

Ҳақиқат ҳиссини сочай дунёга,
У ўксик дилларга бир нигоҳ солсин.
Чулғасин қуёшдай нурли зиёга,
У мангу оламда ҳукмрон қолсин...

1992

КИПРИҚДАГИ КУРТАКЛАР

Тотли эди бир вақтлар дунё,
Ташвишлар ҳам бу дилдан йироқ,
Чорлар эди мени бир зиё,
Етолмадим нурига бироқ.

Кўнглим кезган баҳорий йўллар,
Чечаклари мени биларди.
Субҳидамда у майин қўллар –
Шаббодалар сочим силарди.

Инсон умри гоҳ худ, гоҳ беҳуд,
Ёруғлигу тун-ла ўтаркан.
Муҳаббат ҳам баҳорий турна,
Хазонрезни сезса кетаркан.

Умрим баҳорларин қўмсаб гоҳ,
Юрак «ол» деб қизғалдоқ тутар.
Соғинчидан этгали огоҳ,
Киприқларда куртаклар битар...

1992

ҚИШ ЭРТАГИ

Оппоқ, ҳарир эди борлиғинг,
Ойдин эдинг-тўлин ой эдинг.
Кўзларимдан қочирганимда
Хаёлимга сен кириб келдинг.

Оппоқ-оппоқ орзуларимга
Қиё боқмай кулган чечагим.
Сендан айро тушгандан буён,
Юлдузларга айтгум эртагим...

Қиш ҳам кирди, аёз кун бўйи
Ҳасратимдай ёғаверди қор.
Ушалмади куртаклар ўйи,
Йироқлашиб кетганди баҳор.

Чор атроф қор, гўё сен келдинг,
Ўша ойдин кўйлақда ёниб.
Ташқарига югуриб чиқдим,
Хаёлимга ўзим ишониб.

Йўқ, сен йўқсан, умидвор кутдим,
Зулмат яна келди сўроғлаб.
Юрагимга таскинлар айтдим
Келаётган азобга чоғлаб.

Тун, умидсиз, ҳорғин кўзларим
Юмиларқан аста, илғадим...
Деразага боққанча сахар
Бир тўп гулни кўриб йиғладим...

1992

ШИВИРЛАМА, ШАББОДА

Шивирлама, хаёлим бўлиб,
Лабларимга томизма бода.
Жоним ҳозир кетар тўкилиб,
Шивирлама менга, шаббода.

Нафасингни ўхшатдим жуда,
Менга азииз бўлган нафасга.
Қўй жонимни учирворасан,
Зўрға солдим ўзи қафасга...

Шивирлама менга, шаббода,
Қўзғатма дил япроқларини.
Кўтаролмас энди вужудим,
Бу юракнинг титроқларини.

Сочларимни силама, кетгил,
Чидолмайман меҳринга ортиқ.
Қўйгил мени, буткул унутгил,
Энди қалбим ҳижронга тортиқ.

Шивирлама менга, шаббода,
Сўнган чўғни қўзғаб нетасан.
Қўйгил энди, ўз ҳолимга қўй,
Дардим айтсам ёниб кетасан...

Шивирлама менга, шаббода...

1992

БУ ЖОН НАДИР

Муҳаббат, қаршингда бу жоним надир
Бир томчи ёшми у кўзингдан оққан.
Ашқларинг бунчалар бўлса беқадр,
Нечун киприкларинг бу гулни таққан?!

Билмадим, мунаввар офтобмикин жон,
Зулматлар кетгунча қилайми сабр.
Бағринг лоласидан томганми бу қон,
Муҳаббат, билмасман бу жоним надир?!

1992

СЕНГА

...Дардларим битаман тунлари ёлғиз:
«Гоҳ ҳилол, гоҳ юлдуз бўлар сирдошим.
Қайдадир беором яшайди бир қиз,
Юлдуз бўл бошига сен, эй кўз ёшим...»

Пушаймон гуллари куйдирар руҳим,
Энг гўзал кунларим ўтган кундадир.
Бир сўзим, бир сўзим айтмоғим муҳим,
...Сенга айтолмаган сўзим шундадир.

1992

ҚАЙГА ШОШИЛАСАН

Қайга шошиласан, телбавор руҳим,
Сенга тор келдиму вужуд қафаси?
Ортинга қарамай кетяпсан нечун,
Сен маст қилдиму булбуллар саси?

Қайга шошиласан, телбавор руҳим,
Наҳот интилганга беаёв жабр.
Олдинда бемажол ойлар, йиллар бор,
Олдинда сабрдан яралган қабр!

Қайга шошиласан, телбавор руҳим,
Қайда у сен борар макону манзил?
Олдда юлдуз бўлса, изингда ой бор,
Севги бор ортингда, қайрилсанг арзир,
Қайга шошиласан, телбавор руҳим...

1992



ОРЗУДАГИ МУҲАББАТ

Дилимда яшардинг, муҳаббат,
Мен буни билардим, билардим.
Марғилон қайдалигин билмасам ҳам,
Отабек мисоли юрардим.

Ишонар эдим, мен бир куни
Марғилон боришим севишим...
Ўшанда сувгами чиқар... деб,
Мен қанча кутганим Кумушим...

Хаёлан гоҳ кулиб, гоҳ сўлиб,
Марғилон томонга тортар жон.
Юлдузлар пойида ўлтириб
Эртақлар айтганда Андижон.

... Улғайдим, ҳаёт не билдим, мен,
Умидлар ёр бўлди йўлимда.
Марғилон қайда деб изладим.
Севгилим – Кумушим кўнглимда.

Сўнг бир кун... ўкириб йиғладим,
Марғилон йўлидан қайтаркан.
Шамоллар рўмолча тутдилар,
Кўнглимга таскинлар айтаркан.

Марғилон, Марғилон, топиб бер,
Топиб бер, сеvgилим – Кумушим...
...Мен билган Марғилон йўқ экан,
Наҳотки, Зайнабни севишим?!

Йўқ, йўқ, кўксимда бир олам –
Мен ўша диёрдан келмасман.
Эй ҳаёт, қўй мени, қийнама,
Севгимни ўзгага бермасман.

Мен билган Марғилон кўксимда,
Кўксимда мен билган Кумушим...
Зайнабим бўлса ҳам ёнимда,
Кўймасман мен уни севишим...

Кумушим, мен билан Кумушим!
Кумушим, мен билан Кумушим!

1992

ЭЙ СОҶИЙ

Эй соқий, кел, бодангни,
Менга бергил, мен ичай.
Мендан кечди бир гулюз,
Бер, мен ҳам ўздин кечай!

Бу дунёда неки бор.
Бари алдов, хиёнат.
Боданг бергил, ичайин,
Маст бўлмаслик жиноят.

Кел, қуй, мени йиқитсин,
Ичай ҳолдан тойганча.
Сўнгра учиб кетайин,
Мундин қанот ёйганча.

Кел, энди бер, кўзларим
Кўрсин унда аксини.
Эшитмасин бир зумга,
Дилим дунё сасини.

Эй соқий, кел, бодангни,
Менга бергил, мен ичай...

1992

ИҚРОР

Муҳаббат йўл эди,
Йўл эди билсанг!
Шу йўлни кўрдингу кета олмадинг.
Бўларди бир қадам сен юриб кўрсанг,
Эй кўнгил, бормадинг, нега бормадинг?

Кўрдинг,
У йўлда мунис қизғалдоқ,
Сени чорлар эди, бағри қон эди,
Билмадинг, сен қадрин ўша лаҳзани,
Бу сенга аталган ширин он эди.

Билардинг,
Усиз ҳеч яшай олмаймиз,
Билардинг, усиз биз тошмиз – бир ҳарсанг,
Бўларди-ку ахир, имкон бор эди
Ортидан, эй қуёш тўхта, деб борсанг.

Сен ўша кезларда ўзингдан кетдинг,
Сен ўша кезларда бахт не билмадинг,
Қаршингда эди-ку,
Муҳаббат йўли!
Сен кибор, нечун у йўлга юрмадинг?

Бахт бизни биларди,
Унутмагани.
Бахт бизни атайлаб кутиб турарди.
Гоҳо мен англардим, ялинган мисол,
Ортимиздан гуллар сочиб юрарди.

Оҳудек қаршимда жилваланган дил,
Неча бор кўзимдан излади зиё.
Ёлвориб бўзлади сўзлай деб бу тил,
Бўлмоқчи эдингму, қуёшсиз дунё?


Имиллаб ўтарди кунлар ҳам атай,
Офтобнинг тафтини сезмадинг, дилим
Энди мен... энди мен... қандай овутай,
Мендан воз кечганча кетаётган умрим?!

Бағишлай олмадинг унга ўзингни,
Бағишлай олмадинг унга юрагинг.
У йиғлаб кетганди, муҳаббат йўли –
Чорлади, келмади унга қарагинг.

Энди тун жодуси мени азоблар,
Ҳижронлар оғуси томар кўзимга.
Муҳаббат нелигин тушунмай ўтган,
Мен раҳм қилмайман энди ўзимга,

Мен раҳм қилмайман кибор кўнглимга...

1992



ЁМФИРЛИ КЕЧАЛАР

Ёмғир ёғар ғунчаларга томчилаб,
Шамол эсар юрагимни қамчилаб,
Ҳеч ким келмас менга саодат тилаб,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ёмғирли кечалар.

Ташқарида қалтираган япроқлар,
Юрагимга солиб кетар титроқлар,
Ёритолмас кўнглим ёнган чақмоқлар,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ёмғирли кечалар.

Деразадан кўз ташладим жон ҳалак,
Учолмасди қаноти ҳўл капалак,
Уни кўриб баттар эзилди юрак,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ёмғирли кечалар.

Мендан нечун олисладинг билмадим,
Севгим билан юрагингга сиғмадим,
Осмон билан бирга унсиз йиғладим,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ёмғирли кечалар.
Узун бўлди бу ёмғирли кечалар...

1992

ЎТГАН ДАМЛАР

Сендан қолди юрагимда ширин ўйлар,
Фаришталар ичра топиб сиғинганим.
Ўдга олсам юрагимда атрий бўйлар,
Қайлардасан, кўнглим чорлаб соғинганим.

Энди сени хаёлимда суяман мен,
Ширин-ширин хаёл билан ўтар ойлар.
Хаёлларнинг қулбасини ташлаб чиқсам
Остонадан ўтолмайман азоб пойлар.

Яхшиямки ажиб-ажиб хаёллар бор,
Соғинчлар гоҳ найсон янглиғ кўзим намлар.
Ширин-ширин хаёл таскин берар аммо,
Хаёлдан-да ширин эди ўтган дамлар...

1993

КўНГИЛ ЎКИНЧИ

Кўнглим энди сен томонга элтмас мени,
Ҳаққим йўқдур у йўлларга боқмоқ учун.
Ойдаи қилиб берган эди дунё сени,
Ойсиз эрса осмон энди боқмоқ нечун.

Мен бахтимга бино қўйиб адашдимми,
Асрамоғим керак экан аламлардан.
Мен бахт куйин тинглаб масрур юравердим,
Юрак билан ошно бўлган қаламлардан.

Баҳорлар бор бўлса агар дил зиёда,
Севги деган мамлакатга келишлар бор,
Бегоналар бор эканки бу дунёда,
Бир бор куйиб, сўнг умрбод севишлар бор.

1993

ТАҚДИР ҲУКМИ

Видолашдик, шодмон лаҳзалар билан,
Ўтди умримизнинг бахтга ёр они.
Кўнгил дафтарига ёшдай тўкилди,
Кетди, кўнглимизнинг азиз меҳмони.

Энди кўникмоқдан ўзга йўқ илож,
Тақдирнинг ҳукми шу бўлса, начора.
Ажаб, сўнгги лаҳза ишқ деган боғда
Бир бахтдан яралса икки бечора?!

1993

ҚУЁШ

Осмон қизи кулиб ташлади кўқдан
Олтин занжирли ул кўприкларини.
Шунча яқин келди, тафтини сездим,
Юзимга урилган киприкларини.

1993

СЎЗИМ

*Сўзим, жонбахш сўзим ёрдин
Менга ширин ҳикоят қил...*

Аъзам Ўктам

Сўзим, тавба айладингму,
Пок ўлдими сенинг жисминг.
Хиёнатмас, жиноятмас,
Ки бир маснад сенинг исминг.

Агар ушшоқ бўлай десанг,
Ҳақиқат сўйла ҳамрозинг.
Ибодат айла дил меҳроб,
Шу пок авроқ жойнамозинг.

Фақат сўйла Ҳақ юзига,
Юзинг қўйгач ғуборингни.
Сароб билма, хароб билма
Вужуди Ҳақ диёрингни.

Мажруҳ кўнгил, мазлум кўнгил,
Марғуб дебон суймиш сени.
Зиё кўнгил, зебо кўнгил
Сенга боғлаб қўймиш мени.

Сўзим, тавба айладингми...

1994

ТУХҒА

Демишлар, Сулаймон* қадр кунда,
Бутун жонлиқ унга ҳадя бераркан.
Не бўлса келтирар эмиш инида,
Жонзотлар сўнг унга боқиб сўраркан:

– Сўйланг, эй Сулаймон, кимнинг ҳадяси,
Сиз учун энг буюк қимматга эга?
Девлар турар эмиш, тоғдек сояси:
– Айтинг, эй Сулаймон, жимдурсиз, нега?

Бир-бир совғаларга ташларкан назар,
Кўрсатмиш чумоли инъомин ул зот.
Жонзотлар ҳайратда хушлари оғар,
«Билмасмиз, нотаниш бизга бундай от!»

Борлиғи саховат нурига тўлган
Чумоли кўриниш берганмиш шу он.
Ўзидан юз марта каттароқ бўлган,
Бошоқни кўтариб турганмиш шодмон...

Юртим, толе берса шундай қудратни,
Мунчоқ деб билардим, томган терларим.
Мунаввар кунларинг бир бошоқ каби,
Гар қабул этолсанг ёзган шеърларим.

1995

* Сулаймон пайғамбар.

ҚУТЛУФ КУН

Осмон бўлди мунаввар, уйғонди қара, қуёш.
Гулларнинг кипригига қўнган ғаммас, севинч – ёш!

Бобом кутган кун бу кун, момом кутган кун бу кун,
Энди кўрсатмоқ керак, дунёга миллат кучин.

Алп бўлсанг белинг боғла, қалб бўлсанг, ўзни чоғла.
Байроқ деб бил мардингни, халоскоринг қучоқла!

Дуолар ҳаққа етди, зулм кишанлар йитди.
Тоғдай қалбли инсонлар, қадринг яна тоғ этди.

Истиқлолни қучгали, қуёш, осмонга айлан.
Хурлигинг асрагали бедор посбонга айлан!

1995

СЎЗ

Туннинг сочларида юлдузлар порлар,
Нурли шуълалардан қамашади кўз.
Чалина бошларкан дилдаги торлар,
Қаламдан тўкила бошлар соҳир сўз.

1995

ТАСОДИФ

Қанча кутган эдим бу учрашувни,
Қанча илтижолар қилиб тунлари.
Сабрим ниҳолининг гуллашин кутиб,
Ўтди ёшлигимнинг азиз кунлари.

Ўйчан кўзларимга тикиласан жим,
Маъюс қорачиғда ғамни кўрасан.
Бу бизга тақдирнинг эҳсони балким,
Кўзларинг айтмоқда... демак... севасан...

Шу бахтнинг ўзи ҳам менга кифоя,
Шу лаҳза қувончи минг йилга етар.
Эй ҳаёт, бас энди олгил ҳижронинг,
Изтироб, юзимдан пардангни кўтар...

Оҳ, фурсат, қанчалар тез ўтасан сен,
Наҳотки кетар у яна минг йиллар.
Ортидан боқаман бир сўз деёлмай,
Мен билан қўшилиб ёшлигим йиғлар...

1995

БУ ДИЛ БИРЛА...

Бу дил бирла ишқ элига
Бороримға ишончим бор,
Эй ёр ишқдин кўнгил сўзон,
Шароримға ишончим бор.

Васл йўлин дема азоб,
Бу йўлдин қайтарим йўқдир,
Сени дейман қиёмат то,
Қароримға ишончим бор.

Сен эй, наргиз, дилинг нурин,
Дилимға боғладинг кетдинг,
Кезиб дунё, сени излаб,
Сўроримға ишончим бор.

Десанг юлдуз сочиб кўкка,
Манга мунчоқ этиб бер, деб,
Абрлар аргумоқ бўлғай,
Тероримға ишончим бор.

Юзинг кўрсат, куйиб ўлма,
Манга асло завол йўқдир,
У кул ичра-ки Қақнусдай
Туроримға ишончим бор.

Дема Машраб, дема Халлож,
Насимий сабри йўқ сенда
Ки дор тиклаб азоб берғил,
Яроримға ишончим бор.

Бу қат-қат пардалар гарчи,
Эй ёр, чеҳранг яширғайдир,
Дилим кўзгу бўлиб, бир кун,
Қўроримға ишончим бор.

1995

БОБОЛАР
КАФТИДА ПУРИБМИЗ,
ЭИ ДУСМ...



Шоғларини кўнглимда тиклади гуруф,
Сувларини қалбимнинг ювди зангини.
Ҳашто ёзмоғилар тилида шукур,
Мен шундан аниладим Ватан рангини...

ВАТАН РАНГИ

Гиёҳлардан сўрдим сенинг таърифинг,
Кийиклар кўзидан ўқидим дoston.
Юлдузлар кўшигин тинглаб уйғондим
Бошимда термулиб ўтирарди тонг.

Кўёш юрагимга сочди тафтини
Шундан қалбим сени англади, сездим.
Субҳидам очганда замин кафтини,
Мен масрур кафтдаги жаннатни кездим.

Фурраклар теракда чалар чанқовуз,
Кўрдим юзин сувга чайган гулларни.
Замин улашарди ҳар мурғак дилга
Ҳумо нигоҳидан тушган нурларни.

Укамдай силадим яшил майсани
Синглимдай суйдим мен қизғалдоқларни.
Отамдай чинорга қараб бўйладим,
Меҳри боғ онамдай кездим боғларни.

Тоғларинг кўнглимда тиклади ғурур,
Сувларинг қалбимнинг ювди зангини.
Ҳатто чумолилар тилида шукур,
Мен шундан англадим Ватан рангини...

1996

ТУНГИ ҰЙЛАР

Юлдузли тун, хаёл тулпори
Олиб қочди дил чавандозин.
Хайрат ила мозийга боқиб,
Маҳзун диллар тингладим созин.

Кўз олдимда пирпираб турган,
Шамлар юлдуз каби ёнарди.
Кўҳна тарих воқеалари
Кўзларимда ўтдай ёнарди.

Мўъжизалар жамланган олам,
Шоширарди ақлу-хаёлим.
Миср эҳромларин қурдирган,
Фиръавнлар олимми, золим?!

Бу дунёда энг оқил жонзот,
Магар инсон бўлса-да токим,
Аммо нечун унинг кўнглида
Жоҳилият абадий ҳоким?!

У қайники макон этса гар,
Девор ичра сақлар жонини.
Бир-биридан асрамоқ бўлар,
Бир-бирининг тўкар қонини.

Ажаб, ўтмиш, фақат жанг-жадал
Ҳануз тинмас шаҳидлар зори.
Ёвузликдан сақланмоқ учун,
Наҳот керак, Хитой девори?!

Лол этади, ақлим шошириб
Ажаб, инсон ёвузлик қули.
Таскин берган каби қаршимда,
Очилар гоҳ эзгулик гули.

Абадият гулзорин кезиб,
Кўзга суртдим ажиб гавҳарни.

Муҳаббатга таъриф изларкан,
Учратдим мен Тож Маҳални!

Йўқ, нур ошно дейман инсонга,
Хаёл менга тутмагил оғу.
У лойиқдир шундай бўстонга,
Фикрлардан сачрайди ёғду.

Замин, маъво қаршида инсон,
Асли кичик, ожиз бир зарра.
Аммо унинг ёвуз қудрати,
Тўфонлардан хавfli минг карра.

Инсон қалби эзгулик ичра
Қанча юксак бўлса-да лекин,
Гоҳо унинг жоҳил кўнглини,
Қирғинларин кўрмассан чекин.

Мушкулотлар кўпдир очунда,
Ечар бир кун барин интиқ жон.
Аммо, башар олдида мангу,
Жумбоқ бўлиб қолади инсон!

1996

САДОҚАТ

Нурли манзилларга кўзларин тикиб,
Кетиб борор эди, бир тўп оққушлар.
Садаф тизимидай, маъвода учиб –
Кўчиб борар эди, бир тўп оққушлар.

Ҳар бири кўнглида ёруғ орзулар,
Еллар тўлқинига урар тўшини.
Хаёлда тикланар мунаввар кунлар,
Кўзларим кузатар севган қушини.

Билмадим, хорибми йиқилди бир қуш,
Тасбеҳ шодасидан узилди ногоҳ.
Заминга қулади оппоқ қуш, беҳуш,
Барчаси қайрилиб бўлдилар огоҳ.

Оққушлар қарвони қайтмади бироқ,
Чалажон дўстини олиб кетмади.
Наҳотки, диллари вафодан йироқ
Ҳеч бўлмаса жуфти қолиб кетмади.

Эй дунё, ҳадикка тўлди бу кўнгил,
Бир дўсту маҳрамга диллар зор экан.
Ўксийди садоқат отли маъюс гул,
Токи вафо қилмас дўстлар бор экан.

Қулаган оққушдай питирлар жоним,
Гарчи эплай олгум каму-кўстларим.
Ёлғизлик эзади сизсиз ҳар оним,
Қаердасиз, менинг содиқ дўстларим?!

1996

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Олтин япроқларга боқиб ўйладим,
Умримнинг бир йилин ўтиб кетганин.
Хазонрез боғлардан ўқиб бораман,
Кузакнинг заминга ёзиб-битганин.

Кечаги ям-яшил япроқлар бунда
Жонсизу заъфарон қалашиб ётар.
Кузакнинг еллари узиб уларни
Дуч келган тўрт тараф – заминга отар.

Уларга қарайман ўйларим чексиз,
Дарахт шохларида неча минг япроқ.
Бирлари тепада, бирлари пастда,
Бирлари офтобнинг нуридан йироқ.

Ишқилиб, юқори жойлашганлари
Пастга боқмаганми кибру ҳаво-ла?
Ишқилиб, қуйида сарғайган япроқ
Қилмаганми ўксиб тақдирга нола?

Мана бугун энди азим дарахтнинг
Барглари бир ерда уйилиб ётар.
Тупроқ аро мангу сингиб кетурлар,
Хазонрез барглар-чун сўнги тонг отар.

Шуларни ўйларкан этим жунжикиб,
Борлиқни кузатдим ажиб бир оят.*
Қиёмат дегани балки шундайдир,
Бу ҳолнинг ҳикмати балким, ҳидоят?!

Ажаб, табиатнинг бизларга қилган
Мангу бир мўъжиза-ишорасими?
Ва ё такаббуру риё аҳлига
Тангрининг кўрсатган нишонасими?!

*мўъжиза

Хазонрез боғлардан ўтганда ёлғиз
Дунёнинг қисматин уққандай бўлдим.
Минг турли заъфарон япроқлар ичра
Ягона бир буюк тенгликни кўрдим.

1996

ЙЎЛЛАРДАН ЎТДИМ

Армонлар чорлаган йўллардан ўтдим,
Кўнглимни йиғлатган йўллардан ўтдим.

Лайлолар рухсорин кўра олмайин,
Мажнунлар йиқилган чўллардан ўтдим.

Бошимга солди у тақдир ҳижронни,
Тоҳирни оқизган сойлардан ўтдим.

Бахтсизлик маконин ғам-ла ёритган,
Армонга султонлар-бойлардан ўтдим.

Юлдузлар ичида кўргач мен сени,
Ойларга бормайин, ойлардан ўтдим.

Изладим, топмадим, бош уриб кездим
Сени деб, муҳаббат, қайлардан ўтдим.

Афсус, кутолмайин ўксик кетурман,
Муҳаббат, энди йўл пойлардан ўтдим...

1996

СОҒИНЧ

...Ярим тунда қийнайди мени,
Андижонга юр, дея юрак.
Зим-зиё тун қайга борамиз,
Тушун, тонгни кутишим керак?!

«...Ярим тунда чиқиб кетаман,
Андижонга буриб йўлимни.
Тонг чоғида кириб бораман.
Шаббодалар ўпар қўлимни:
– Унутмабсан Онажонингни,
– Соғиндингми Андижонингни?!
– Ахир мен... Бобур эмасман...»

...Очдим кўзим, мижжаларим ёш,
Яна нени кутишим керак?!
Юрагимда меҳмон экан-ку
Анда жони қолган бир юрак...

1997

**СУВ УЗРА
ОЙ АКСЛАНАР**

Сокин кеча, ойдин тун,
Майсазорлар шитирлар,
Юрак тўрдаги оху,
Ўзин уриб питирлар.

Чигирткалар жим қолар,
Келар қадам товуши...
Фариштадай нозанин
Қўлларида ковуши...

Сабо елар оҳиста –
Шивирлайди хабарчи,
Қурбақалар қуриллар,
Тундаги беор жарчи.

Сув узра ой аксланар,
Ухламайди балиқлар,
Висол суратин кўриб,
Қиқирлайди ариқлар...

1997

БИР ТОМЧИ ЁШ

Ўтмишимни дилимга жойлаб
Кечмишимни дилимга жойлаб,
Бир томчи ёш каби тўкилдим,
Ўлтирмадим мангу йўл пойлаб.

Ҳижрон йўлин сезгандек гоҳо,
Гул бағрини тилади нолам.
Сендан юпанч излаб келяпман,
Бир йўлчини қабул қил, олам..

1997



ҲИКМАТ ГУЛИ

* * *

Ажаб, ҳатто мусичалар уруши бор,
Итларнинг ҳам бирин тишлаб, хуриши бор,
Сен уларга назар қилма, гулзорга боқ,
Дилим, унда ғунчаларнинг кулиши бор.

* * *

Асли инсон безар бўм-бўш ҳаётни,
Ой, қуёш, юлдузлар - кенг коинотни.
Маконки, замонсиз бўлмас файзиёб,
Навоий безамиш қўҳна Ҳиротни.

* * *

Дунёда топганим ҳикмат ва билим,
Қалбларга гул экди сўз ила тилим,
Мени ўтдан қўрқар, деб ўйламанг ҳеч
Ҳасадлар ўт бўлса, сув бўлди дилим.

* * *

Юрак сенга қайтди, руҳ сенга қайтди,
Вужуд ҳам бўйсунди унга охири.
Инсон юрагида порлаган нурга,
Кўзгу бўлар экан унинг зоҳири.

* * *

Қанча гуноҳларим дилни куйдирар,
Тилга олсам, ҳатто тилни куйдирар,
Тавбамни қабул эт, йўқса айбларим
Дилимда кўз очган гулни куйдирар...

* * *

Бу дунёнинг улуғлари қабристонда жам бўлмиш,
Ёдга олсам кўнгил куйиб, мижжаларим нам бўлмиш,
Ер устини нурга кўмиб ёритган фозил зотлар,
Ажаб, бу кун ул қоронғу ер остига шам бўлмиш.

* * *

Ўкинманг, эй дўстим, маккор санамдан,
Майнинг даъватига кўнманг аламдан,
Қанча улуғларнинг ҳаёти гувоҳ –
Шоирга садоқат кўпроқ қаламдан.

* * *

Бу дунё лавҳига бир сўз битгаймиз,
Неча кўнгилларни обод этгаймиз,
Тупроқ эдик, яна тупроқ бўлгунча,
Қанча тошлоқларни ошиб ўтгаймиз.

* * *

Ҳикмат гули ҳақ дилнинг гулзорида очилар,
Мажнун гули Лайлининг озорида очилар,
Дардсиз дилга сен қанча ниҳол экма – унмайди,
Қизғалдоқ ҳам ошиқлар мазорида очилар.

1997



ЭЙ ДЎСТ

Кетган баҳорларнинг қайтиши тайин,
Яна бойчечаклар уриб чиқар ниш.
Баҳорий сабзалар энтикар майин,
Кўрпасин кўтариб кета бошлар қиш.

Кузги хазонларнинг остидан яна
Гуллар жон киргандай тирилар гўё.
Аёзлар устидан қилиб тантана
Ариқлар лабида шеър ўқир Хулво.

Жонсиздай ул қуруқ дарахт новдаси
Бодрокдай гулларга тўлар бегумон.
Нажотдай таралар булбуллар саси
Аммо қайтмас ортга, қайтмайди замон....

Мангулик қошида бир зумлик чўғмиз,
Жон ҳам муваққатдир, умр бир нафас.
Фасллар қайтса-да, қайтмас лаҳзалар,
Бир кун бор очилар руҳ тутқун қафас.

Эй она табиат, Эй қодир Худо,
Асли тупроқ эрур, азал исмимиз.
Бир куни дунёга айтганча видо,
Яна тупроқ бўлар шаксиз жисмимиз.

Шундайкан, оёғинг остига қара,
Боболар кафтида турибмиз, эй дўст.
Кўкрагинг бунчалар кермагил, асли –
Уларга суяниб юрибмиз, эй дўст!

1997

АЁЛ

Аёллар дунёнинг ҳаётбахш кучи,
Ҳар қалбда бир қуёш, ҳар қалбда зиё.
Онада тириклик бурчи ва юки,
Бешиқдан бошлангай, асли, бу дунё.

У мунис волида жумла башарга,
Қуръондай муқаддас Она-бу калом.
Ҳар тонгда юз очган нажот-қуёшдай,
Унга пайғамбарлар бергандур салом.

У меҳр тимсоли, бинафша-баҳор,
Яшилликсиз олам яшаши душвор.
Бир мурғак юракка чечак эккан чоғ
Азиз боши узра учқунлайди қор.

«Нон тепган кўр бўлур», – дейди донолар,
Ҳар ҳикмат маъноси бу бир оқибат.
Аёлни хўрлаган хўрланар бир кун,
Саодат улашган бахт топар, албат.

Эъзозланг, эъзозланг, уни эъзозланг,
Мунис юрагидан тўкилмасин оҳ.
Нафақат хўрламоқ зулм, ҳаттоки,
Аёлни гул билан урмоқ ҳам гуноҳ.

Гарчи иродаси метин тоғ-қоя,
Аммо, у бир гулдир муҳтож паноҳга.
Аёлни қанчалар бахтиёр этган,
Шунча яқинлашар, ахир, Оллоҳга...

1997

ЧЎЛПОН

Эрк ҳам асли қуёш зарраси,
Ўйлаб қолдим ажаб сўнги он.
Фанимларга ўлим олдидан.
Айтган экан қай сўзни Чўлпон?

Назаримда бир гап айтган у
Душман алам ўтида ёнган.
У пичирлаб айтган бу сўздан
Қанча дилда қуёш уйғонган:

«– Майли олинг, мана юрагим,
Офтоб янглиғ кўзимни ўйинг.
Банд этаман деманг оламини,
Қўлингиздан келмайди, қўйинг!

Ўлсам олар ахир бағрига,
Қизғалдоқлар қабримни безар.
Аммо бир кун сиз кўмилсангиз,
Иймонсиздан қилади ҳазар.

Мана таним, йўқ бўлмас асло,
Кўзимдаги севинчдир-бу ёш.
Аммо, билинг қўлингиз етмас,
Баландадир эрк деган қуёш.

Ўлдирасиз, отасиз ҳали,
Шунга етар фақат кучингиз.
Бир кун қайтиб кетар чоғингиз,
Хорлик бўлсин, олган юкингиз.

Билиб қўйинг, бу юртга толе,
Кулиб боққан яралган кундан.
Олов қалб ўғлонлари кўп,
Қуёшли юрт дейишар шундан...»


Айни шундай бўлмагандур, ҳа
Балким, у чоғ Чўлпоннинг сўзи.

Аммо тайин – қуёшдай балқиб,
Ёнганлигин сўнги дам кўзи.

Ўйлаб юрган ғанимлар бисёр,
Қандай қилса, бўлармиз банди.
Сизга икки оғиз сўзим бор,
Эй, дом қўйиб юрган афанди.

Инсон ақли, фириби кучдир,
Гарчи фикр сандиғи бу бош.
Аммо, унинг амрига ҳеч вақт,
Итоатга юрмайди қуёш!

1998



ВАТАН

Булбулга тикондин етса-да озор,
Унга азиз эрур шу жой, шу гулзор.
Юртим, булбулларинг нафасин туйдим,
Ким Ватанга ёрдир, Ватан анга ёр,

Муҳаббат иймонли ҳар дил зиёси,
Кўнглимга ўт солса бир гул ҳаёси.
Ёрдин диёримни ортиқ севмасам,
Куйсин мендай ошиқ икки дунёси.

Маили, боғларингда тер тўкай тинмай,
Маили, яшай бир зум роҳат не билмай,
Бошимдан зар тўкиб, тилло сочса-да,
Ўзгага бир сиқим туфроқинг бермай.

Меҳринг, юрагимнинг нури – қуёши,
Тегса малҳам дейман шу замин тоши.
Маили гўжа бўлсин, маили у ёвғон,
Мен учун энг тотли шу юртнинг оши.

Мардинг шод қаршилар, ҳар синов онни,
Бир кун мандан сўрсанг, шу азиз жонни,
Танимни калхатлар нимталасинлар,
Магар бахт демасам мен бу имконни.

Эркинг, муҳаббатинг, дилга оқмаса,
Сенинг қайғуларинг кўнглим ёқмаса,
Розимасман агар кўзим туғингни
Қуръондай муқаддас билиб боқмаса,

Сенга кўтарилса у қўллар синсин,
Ундайин юракнинг дуқури тинсин,
Баҳорингни ҳеч вақт урмасин аёз,
Сенга тушар қиров кўзимга инсин.

Ёв келса камонинг ёйи бўлай ман,
Белинга боғланган шойи бўлай ман,
Пешонамга битмиш ёрлақаб танграм,
Фақат пешонамда сени кўрай ман!

1998

БОҚИЙ ШЕЪРИЯТ

Давру-давронлар ҳам ўтгуси бир кун,
Шодмон даврадан файз кетгуси бир кун,
Умр адоғига етгуси бир кун,
Шоир юрагига замон соқийдир,
Шеърият боқийдир!

Эй шоир, ёниқ қалб муборак сенга,
Ҳақ васфи – сураи таборак сенга,
Бу дунё шунчаки зиёрат сенга,
Шоир юрагига замон соқийдир
Шеърият боқийдир!

Шоирлар кўнглини ёққан хур – назм.
Сўздан кимё янглиғ пайдо дур – назм
Асли Куръон Ҳақдан томган нур – назм,
Шоир юрагига бир Ҳақ соқийдур,
Шеърият боқийдир!

1998



УМИД БОҒИ

Йиллар ўтар, юғурик сувдай,
Гулга кўмиб баҳорлар ўтар.
Озод юртнинг илк қалдирғочи
Бу кун Ватан сўзини битар.

Етти ёшлик азамат ўғлон,
Эй истиқлол жигаргўшаси.
Эй забони эрк дея чиққан,
Сен юртимнинг қутлуғ нафаси!

Янги авлод насллар келур,
Улуғбеку Фаробий бўлиб.
Суворийлар шамолдек елур,
Жалолиддин, шоҳ Бобур бўлиб.

Юлдузларда синчков нигоҳлар
Илм нури яшнатар дилни.
Қай ўлкада кўргансиз ахир,
Ёшлик деган бу чаман-гулни?!

Эътирофинг чиндир эй жаҳон,
Кўзга суртиб тарих гардини.
Ҳар юракда ўтлиғ Темурхон
Буюк бир эл тиклар қаддини!

Етти йилнинг улуғ тухфаси,
Озод, обод бир гулистон бу!
Жаҳон ичра эзгу нафаси,
Умид боғи – Ўзбекистон бу!

Қадимдан бир ривоят бордир,
Йўқ, ҳақиқат асли бу калом.
Ким тинчлик ва эзгулик истар,
Унга улуғ тангридан салом!

Элим, сенинг мурудинг тинчлик,
Шу сўз билан уйғот жаҳонни.
Ҳақ назарин топар қай юртки
Эъозласа магар инсонни!

1998

БОҒУ БАҲОРИМ

Малаклар дуоси ёғилган чаман,
Ҳақ ўзи раҳматин сочган диёрим.
Ҳар гиёҳ, райҳонинг суйиб кучаман,
Эй, менинг жаннатим, боғу-баҳорим!

Минг йиллик чинорлар Форобий каби
Фурур бахш этади ҳар мурғак жонга.
Асрий минорларинг – Бухорий каби
Саодат тилайди жумла жаҳонга.

Зулматлар бағрини тилкалаб ўтган
Кўёш қучоғида афсонам – Ватан.
Ўтинч дуолари фалакка етган,
Қутлуғ саждагоҳим, остонам Ватан.

Ҳақ йўли-халқ йўли – истиқбол йўли,
Босган қадамингдан яралур бўстон.
Давру давронларинг қайтгани чиндур,
Бугун ҳар гўшангда янги бир дoston.

Магар тўлқин каби қалқиса бу эл,
Фарҳодлар яралур фидоларидан.
Шунчалар азиз ва хислатли бу ер
Темурлар яралур дуоларидан.

Тонгдан шукроналар оқ кабутардай
Диллар меҳробидан учар фалакка.

Фақат бахт яратар бунда уйғоқ эл
Қуёш ҳам омин дер бундай тилакка.

Ҳақ зикри гуллайди нурли қалбларда,
Қалдирғоч ҳамд айтар бўғотларида.
Тонгдан Гўрўғлилар посбон бўлса, тун –
Алпомиш кўриқлар Фиротларида.

Дерлар, тоғ ўсишин сезмайди инсон,
Илғолмас чўққилар юксалган чоғин.
Аммо, бутун олам гувоҳдир бу кун,
Қандай ўсганлигин озодлик тоғин.

Сени Ватан деган нидолар асрар,
Ҳақ ўзи йўллаган фидолар асрар,
Руҳин шод этавер аждодларингни,
Беҳишдан йўлланган дуолар асрар!

1999



ЭНДИ ҲАР КҮНГИЛДА БАҲОР НАФАСИ

Олтин бешик асли ҳар дилга Ватан,
Эзгу бир оятдай муқаддас бу ном.
Меҳрингни юракка жо қилиб ўлкам,
Олис диёрларга элтурмиз салом.

Бизмиз, бу Ватаннинг ишончи, нури
Истиқбол қасрининг чироқларимиз.
Буюк аждодларнинг ирфон баҳрига
Кўз очиб талпинган булоқларимиз!

Ўтди, юракларга чўккан зулматлар,
Синди, истилонинг зангли қафаси.
Келди, кўнгил кўпдан талпинган тотлар,
Энди ҳар кўнгилда баҳор нафаси.

Толедан бахт тилаб қалб ғунчасига
Эзгу умидларга бўлолдинг доя.
Шундан юракларда шижоат тоғи-
Илму комилликдан яралган қоя!

Бугун кўнглимизга топилмиш қалов,
Ватан мақсад гулин қалбга солажак.
Миллионлаб дилларга кўчсин бу олов,
Юракда улғаяр асли келажак.

Нурли қасрларнинг олтин зинаси,
Бизни элтажакдир шаксиз зиёга.
Тафаккур-азалий Шарқ хазинаси
Достон қилажакмиз номинг дунёга.

2000

ҶМР
ФАСЛАРИ



*Қўшафилар тушини пардаси,
Ўмидимга излаб ниҳоя.
Илаб қолгум ёруғ дунёда,
Бахт ҳам ўнган кундан бир соя.*

БИЗ ҲАМ СЕВГАН ЭДИК

I

Бахт чорлайсан, лек келгувчи ғам кўп экан,
Кекса дунё сабр дейди, кутаркансан.
Бу оламда адашган бир йўловчидек,
Севсанг, фақат хаёл билан ўтаркансан.

Бу очунда гуллаш нима – унутди дил,
Кўп соғиндим гунчаларнинг кулгусини.
Кечам соғинч, бугун, ҳатто эрта соғинч,
Эштаман ёлғиз ялпиз йиғисини.

Гиёҳ унмас кўнгилдаги тоғларимда,
Тафти йўқдур кўзимдаги қуёшимнинг.
Булбуллар чах-чахламас дил боғларимда
Кўкламлари унут бўлган бардошимнинг.

Мажруҳ кўнгил гуё яшин урган дарахт
Танасида чумоли дард ўрмалайди.
Ғам лашкари эрур гуё кеча-кундуз
Адо бўлган бу вужудни пармалайди.

Эй дарвеш ел, ҳолинг не деб сўрмадинг-а,
Ўлан айтган турғайлар, жим хўрсинасиз.
Юракдаги чечакларим, ялпизларим,
Неча йилки нечун мендан беркинасиз.

Бинафша дил ифорлари учиб кетар,
Юракдаги яшилликни кўмади қор.
Неча йилки, ҳануз қайда – билолмайман
Вужудимга титроқ солган ўша баҳор.

Дунё мендан юз ўгирди, ғариб кўнгил
Қайда баҳор, мени олиб кетмайдими?
Ахир усиз қанча яшаб қўйдим мана,
Шунча тортган азобларим етмайдими?

Бир дам ёдга олмади-я мени дунё,
Бир умидим сақлаган дил тупроғидир.
Хазон бўлиб яшадим мен ажаб, гўё
Шу бир умид-вужудимнинг титроғидир –
Юрагимнинг сўнги яшил япроғидир...

II

Хар тун ёлғизликнинг мунгли куйлари,
Поёнсиз кўнглимга ёйила бошлар.
Баҳорни кўмсаган қалдирғоч каби,
Кипригимга қўнар соғинч-кўз ёшлар!

Сўнган хотиралар уйғонар аста –
Хазонлар остидан бош кўтарган гул.
Сенинг ёдинг билан умрим пайваста,
Сенинг ёдинг билан яшарман буткул.

Туннинг сочларида ялтирар юлдуз –
Умидсиз дунёнинг умиди каби.
Кўнгил куз, чор тараф хазон япроқ, куз...
Титрайди қуриган атиргул лаби.

Ўша хиёбонлар бўм-бўш, кимсасиз,
Поездлар тарк этган вокзалдай ғариб.
Хотира жовдираб тентийди, сассиз,
Таниш йўловчини тинмай ахтариб...

Ортга қайтмас энди кетган поездлар,
Соғинчлар йўл қараб кўнгилга қайтар.
Нахот унут бўлса дилдаги излар,
Юракда бир йигит шўх кўшиқ айтар:

«- Эй дўст, севган эдик биз ҳам бир маҳал,
Мажнун мақомида эди дилимиз.
Энди хазонларга кўмилиб кетди,
Беғубор орзулар, севги, сиримиз...

Нега келдик ахир, дунёсига биз,
– Севгани, севгани, фақат севгани,
Бу йўлда ўртаниб адо бўлармиз,
– Адо қилса қилар севги дегани...»

Бир зум ёнган бу дил лов этди, ўчди
Уйғонган хотира кўз юмди яна.
Армонлар, соғинчлар кўнгилга кўчди,
Ҳамон азобларга юрак бошпана...

1998

СЕҲРЛИ КЕЧА

Ой тўлиб боқарди кўқдан дунёга,
Юлдузлар ўйнарди гирёна бўлиб.
Тушди у чўмилмоқ бўлиб дарёга,
Тўлқинлар ўйнади қучоғи тўлиб.

Қамишлар титради, аста шитирлаб,
Соҳилда кўринди йигит, мунис қиз.
Юлдузлар энтиқди кўқда милтираб,
Ой нари кетмоқчи бўлдию сассиз...

Эртақлар чин бўлди, ширин, сирли тун,
Пок эди беғубор икки ёш ўйи.
Уларни чўчитиб юбормаслик-чун,
Ой қайтиб чиқмади сувдан тун бўйи...

1999

КЎНГИЛ СОФИНЧИ

Кўзларингда қуёшни кўриб,
Эриганди муз қалбим бирдан.
Бошим узра ўриклар гуллаб
Нур олганди дилдаги сирдан.

Настаринлар шивирлаб сокин,
Ифорларга кўмгач оламини.
Ҳайрат ила қўлга олгандим,
Қизгалдоқлар унган қаламини...

Қанча йиллар ўтди, фасллар
Қайтмади ҳеч у сирли онлар.
Тушларимда мени қуршар гоҳ,
Хушбўй сочлар-садарайҳонлар.

Қор қўйнида очилмас лола,
Муз бағрида гулламас дарахт.
Энди қалбим сенга ҳавола,
Баҳорларим олиб кетган бахт...

1998

ҲОФИЗГА...

*Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз турк жонони,
Қаро холига бахш этгум, Самарқанду Бухорони...*

Ҳофиз Шерозий

Ки, Шерозий назм этса,
Маним ҳам ўз йўлим бўлсин.
Маним боғим кўнгил меҳмон,
Бўлар манзил, сўлим бўлсин.

Йўлатмасман бу боғимга,
Муҳаббатсиз шуарони.
Яширгайман қароғимга
Туркий малак дилорони.

Ул турк қизин куйлагайман,
Ҳар бир байтим дурга тўлсин.
Минг Самарқанд тиклагайман,
Ул Бухоро нурга тўлсин.

Азал бергай табиат хўп,
Бу заминга орони ҳам.
Турк малагин ошиғи кўп,
Ишқ банд этган Дорони ҳам.

Турк қизлари тўлин ойдир,
Тун-чачвонга яширдим ман.
Бахшийдага турк ҳам бойдир,
Сўз демоққа шошилдим ман:

«– Нечун, энди турк диёрин,
У ўзники санар эрмиш.
Турк малагин бир холига,
Турк кентларин бердим демиш.

Турк жононга топмадиму,
Шероз аро бирор маскан?
Ё, Хофизга ёқмабдиму...
Ё, Шерозин аяр ростдан!

Ажаб шулки, малаклар ҳам,
Қуруқ қўлга қарашмайдур.
Ўздан олиб, ўзга бермоқ,
Таомилга ярашмайдур.

Бахш этганлар ўзда борин,
Турк шахрин йўқ, бунга дахли.
Ўз ёнидан ҳадя этсин,
Бундан буён Шероз аҳли...»

Шоир зоти бахил бўлмас,
Унга чаман бутун дунё.
Кўнгил дер у, миллат сўрмас
У – ҳаётбахш азим дарё!

Кўнгил ила, бугун бехос –
Бир байт боис қулишдик биз.
Очиққўллик шоирга хос,
Айблаб юрманг Ҳофизни сиз!

2000

БИР ДУНЁ БЎЛСА...

Кўрганим рўёмас, нур-зиё бўлса,
Шу нурга бу кўнгил маҳлиё бўлса.


Фунчалар лабида кибру ҳавомас
Гулларга ярашиқ бир ҳаё бўлса.

Дилларни боғлаган мудҳиш ўйларни,
Ғуборин ювгали бир дарё бўлса.

Дилларни босмаса ҳасаду, гумон,
Юракка таскин бир, сўз пайдо бўлса.

Кўнглимнинг аксини кўрмоқ муродим,
Муҳаббат қўйгали бир дунё бўлса.

2000



ҚАЙЛАРДАСИЗ

Ҳазил

Андижоннинг малаклари, қайлардасиз,
Марғилоннинг малаклари қайлардасиз,
Излаганим, Моҳларойим, Кумушойим,
Бир умрга қолинг дейман юракда сиз.

Қорадарё бўйларида кездим сарсон,
Сув парилар сирларимга қулоқ тутди.
Кумушойдай ёр тополмай бўлдим ҳайрон,
Менинг ширин тушларимни сувлар ютди.

Гарчи феълим Отабекка ўхшамайди,
Айбимни ҳам яширмасман, кўпдир, бироқ.
Бу дунёда ахир ким ҳам адашмайди,
Бир орзуйим юрагимга солур титроқ.

Ибо тожин кийганида ул ой юзлар,
Айтинг, шундай хаёл билан яшармидим.
Кўнгил берган ёрим агар Кумуш бўлса,
Унда мен ҳам Отабекка ўхшармидим...

Боғишамол насимлари кезар ҳануз,
Марғилону, Хўқанд, гўзал Намангонни.
Неча баҳор ўтар аммо кўнгилда куз
Мен келинлик қилолмайман Андижонни,
Отабеги бўлолмайин Марғилонни...

2000

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кўрдиму кўнгил қушим бўлди анинг гирёнаси,
Аслида дом эрдиму, банд айлади таронаси,
Ким ўзи ул андалиб, қайси чаман сўзонаси,
Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?

Сўзларимга сўз демай кўнглини пинҳон айлади,
Кўзларимнинг қорасин, кўзлари зиндон айлади,
Икки зулфи тўлғониб иззатим ҳижрон айлади,
Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси?

Айтинг эй, мижгонларин қалбима ханжар этмасин,
Жон бериб жоним олур, жоним уволи тутмасин,
Маст бўлиб ўлсам агар озор, дилига етмасин,
Лабларининг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,
Кимга сўз бермиш вафодан-май тўла паймонаси?

Бўлғай эрму ул парирўй бизга ҳам азми насиб,
Лабларининг боли томган ояту, назми насиб,
Барчасидин воқиф эй, айтгил ўзинг ё мухтасиб,
Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,
Сиз, Худо ҳаққи, сўранг, кимдир унинг парвонаси?

Балки бу қасди жазо, ҳурларни кўзга илмадим,
Ул кўнгил шоҳсупасида собит ўлдим, жилмадим,
Энди ҳам бул ойга дардим, ошкора қилмадим,
Ҳар киши афсун билан тортмоқчи, аммо билмадим,
Тортадур нозик дилин кимнинг ширин афсонаси?

Кимдир ул, айт эй кўнгил, қайдин бул оромижон,
Оромижон демагайман қасди жон, озорижон,
Гарчи у озорижондир, озориға кўндим ишон,
Ё Раб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олий нишон,
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?

Кўзларидин кўзларимга куйдими, васли шароб,
Сўзларидин бўй таратган гулми ё гулгун гулоб,
Ўртаниб куйди кўнгил, оҳ чекиб қилди хитоб:
Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳампаймонаси?

Кўйингда бедор дилим, ҳайронадур, сансиз дедим,
Сен назар солмас эсанг вайронадур сансиз дедим,
Соҳилин топмай ажаб, гирёнадир сенсиз дедим,
«Оҳким, Ҳофиз дили девонадур сансиз», – дедим,
Шўх табассум бирла: «Бу кимнинг, – деди, – девонаси?»

2001



ТУҲМАТЧИГА

Дедим, туҳматинга чидолмай бир кун:
– Рўзи қиёматда ёқангдан тутгум.
Сўнг эса англадим, фикрлаб шу тун,
– Майли, даъвоимдан мен буткул кечгум.

Ахир, туҳматингдан озор чекканлар,
Умри вайрон бўлган одамлар қанча.
Эҳ-ҳе, узоқ навбат кутишим керак,
Сенинг кир ёқанга қўлим етгунча.

2002

АСАЛАРИ БЎЛ

Ҳаёт ҳикматидан лолмисан, дўстим,
Икки зот қўлида икки ўткир тиг.
Бири-жоҳил эрур шайтон сийрати,
Бири-жарроҳ эрур эзгу нияти.

Бирининг тигидан дунё вайрона,
Авж олар адоват, қаҳр ва ситам.
Бирининг тигидан дунё ҳайрона,
Ортга чекингайдур айрилиқ, мотам.

Назар сол, ҳар икки ҳол эрур ибрат,
Жаҳолат тигидан мудом нари бўл.
Чаённинг нишида йўқ эзгу қудрат,
Эй дўст, сен яхшиси асалари бўл!

2002

ҲАЙРАТ ЧАМАНИ

* * *

Кўклам соҳир нафас мўъжизасидир,
Ям-яшил майсалар кўнглингга ўхшар.
Гуллаган дарахтлар онангдай мунис,
Алвон қизғалдоқлар синглингга ўхшар...

* * *

Ҳаёт неъматлари гоҳ ширин, тахир,
Чаёндан бол кутиб бўлмас-ку, ахир,
Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да,
Гоҳо саховатдан дарс берар бахил!

* * *

Бу дунё аслида бир чоҳга ўхшар,
Шоирлар сўзлари дард, оҳга ўхшар,
Во ажаб, эзгулик йўлини тутсанг,
Жоҳиллар наздида гуноҳга ўхшар.

* * *

Кўқдан паға-паға ўйнаб тушар қор,
Ўз ҳолича нени сўйлаб тушар қор,
Наздимда, шундайин совуқ қалб билан,
Ўтли бир қўшиқни куйлаб тушар қор.

* * *

Баҳорнинг келишидан кетиши ёмон,
Умр чоғиб борар кузакка томон.
Олиб кетган севгим қайтиб берар деб,
Қайтмас баҳорларни кутар дил ҳамон.

* * *

Боғларда куртаклар кулгуси янграр,
Баҳор мўъжизаси, бу ажиб сеҳр.
Аммо у қандайин тилсим бўлмасин,
Бу қудрат асоси, шубҳасиз, меҳр!

* * *

Саҳрода қуюн билан жайронлар сирдош бўлғай,
Ишқ элида дил-дили вайронлар сирдош бўлғай,
Шоирлар суҳбатидан ажабланмагил, эй дўст,
Бу дунёнинг ишидан ҳайронлар сирдош бўлғай.

* * *

Деразадан боқаман – қалтирар сўнгги япроқ,
Бағрин очиб кутади пастда ҳамдам шу тупроқ.
Умрим дарахтадаги баргларим кўп бўлса ҳам,
Хазонрезни ўйласам, танимда турар титроқ.

* * *

Хазонлар қўшиғин куйлаётир Куз,
Оламга видосин сўйлаётир Куз.
Тунлар хўрсиниғин эшитган билар,
Ўтган баҳорларни ўйлаётир Куз.

* * *

Ажаб, бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Кўксинга ботган ғам тишлари қизиқ,
Кўкламга етдим, деб турган чоғингда
Баҳордан сўнг келган қишлари қизиқ.

2002

ҚАЛБИМДА ТУРФА РАНГ

Шеър, дея интилдим юрак тафтини,
Кўчирмоқ истадим ошиқ қалбига.
Бир наво изладим туйғулар ичра,
Ўхшашроқ бир наво юрак зарбига.

Топдимми, билмадим, ҳануз бу кўнгил –
Ахтарар дард, севинч, ҳижрон, қайғуни.
Қалбимда турфа ранг, сўзим мўйқалам
Суратин чизаман ўша туйғуни...

2002

ОНА ТУПРОҚ

Эй тупроқ,
Эй, менинг борим, мунисим
Эй элим, дунёда суянган тоғим.
Токи хазонрезлар ҳали олдинда
Токи гуллаётган экан дил – боғим,
Мени сени дегайман умрим борича.

Бир куни дунёни тарк этсак, шаксиз,
Мунис тупроқ берур бизга бошпана.
Шунда ҳам бўлмасмиз асло юраксиз,
Корингга ярашга шошурмиз яна.

Тангри ҳукми билан дон бўлиб унсак,
Бир очнинг ғамини аритар эдик.
Магарда нур бўлиб кўкларга учсак
Шунда ҳам йўлингни ёритар эдик...

2002

ҲАЁТ САБОФИ

Умр ўтар, кунлар оралаб
Ортда қолар маъюс орзулар.
Ҳаётимнинг чорсуларида,
Фамлар менинг бахтим яширар.

О, бу дил ҳам ажиб салтанат,
Билиб, жисмим ўтга отади.
Изтиробнинг голиб лашкари,
Кўзларимга келиб ётади.

Хаёлми у мени чорлаган,
Етолмайман, чарчайди жисмим.
Тунлар юлдуз салтанатидан,
Кимдир тилга олади исмим.

Гоҳо мағлуб, гоҳ мағрур умр,
Яна илдам бошлар бу ҳаёт.
Гоҳо ширин хаёллар бериб
Юрагимга қилур илтифот.

Субҳидамнинг майин еллари,
Сочларимни сийпаб кетаркан.
Бир мантиқни тушунаман мен,
Умр-азоб ичра ўтаркан.

Кўтарилар туннинг пардаси,
Умидимга излаб ниҳоя.
Илғаб қолгум ёруғ дунёда,
Бахт ҳам ўтган кундан бир соя.

Кўқдан шуъла соч, бахт юлдузим,
Гулдек яшнаб қаршилар жоним.
Кўзларимга нур бергил ўзинг,
Эй толеим-нурли меҳмоним...

2002

ЯЛПИЗГИНАМ

Баҳор билан қўл ушлашиб келдингми, айт,
Сабзаларга ўзинг хабар бердингми, айт,
Наврўзойни сен ҳам мендек севдингми, айт,
Эй ҳамалга элчи бўлган – эркагинам,
Эй муаттар дунёлигим – ялпизгинам.

Уйғотдингми чечакларни алёр айтиб,
Чин қилдингми эртақларни гулёр айтиб,
Юрагимга қалдирғочлар келди қайтиб,
Эй кўнглимга йўлчи бўлган – эркагинам,
Эй муаттар дунёлигим – ялпизгинам.

Сен бор – баҳор бизларни ҳам эслар гоҳи,
Сени излар қизғалдоғим, дилда оҳи,
Ўксик қалбим сен «Дугоҳ»и, сен «Сегоҳ»и
Эй юракка малҳам бўлган эркагинам,
Эй муаттар дунёлигим – ялпизгинам.

Мен ким, далли девонангман кўнгли вайрон,
Кўй қарама, кўз ёшимга бўлма ҳайрон,
Лайло нафас ифорингдан қон бўлди жон,
Эй, қалбимга кўчган гулим – эркагинам
Эй, муаттар дунёлигим – ялпизгинам.

Юрагимда уйғонган дард соҳири сен,
Қалбга қалбни эслатувчи моҳири сен
Бир кун сўлсам, баҳоримнинг охири сен,
Эй, кўзларим ёпар гулим – ялпизгинам
То қиёмат ўпар гулим – ялпизгинам
Эй муаттар дунёлигим – ялпизгинам...

2002

КЎНГЛИМНИ БЕРДИМ

Кўнглимни бердим қизга –
Кўқдан боққан юлдузга.
Тўғрисин сизга айтсам,
У нур кеча-кундузга.

Сочларида яшар, Тун,
Кафтида хино – Қуёш.
Ақлимни олди бутун
Севги менга отган тош.

Назар қилмас ўзимга,
Ёнаётган сўзимга.
Капалақдек нигоҳи
Қўнмайди ҳеч кўзимга.

Нима қилай, не қилай,
Севги қўйган қопқонман.
Бир кун бағримга қайтар,
У юлдуз, мен осмонман!

2002

ШОИР АБАДИЯТИ

У тоғлар бағрини макон этган қуш,
Тиканзор, буталар жаннатдан афзал.
У миллат кўраётган энг чиройли туш,
Ҳақ ўзи кўнглига бергандур сайқал.

У қушнинг куйлаган қўшиғи мангу,
Бир кун гар тўхтаса сози дафъатан.
Доғистон халқи, сиз чекмангиз қайғу,
Расул Ҳамзат деган қолур бир Ватан!

2002

ЭҲТИРОМ

Меҳру муҳаббатдан сўз очсалар гоҳ,
Бағри кенг қай юрт деб излаб қолсалар.
Дунёни бир сирдан этмоқчун огоҳ,
Кўнглимдан бир ғурур кўкка юксалар.

Қайдадир ўқидим, офтоб ҳам азал,
Меҳрдан тафт олиб тураркан қалқмай.
Ўзбегим меҳридай меҳр кўрмадим,
Оламнинг қай бурчи, четига боқмай.

Тўғри, ҳар ким учун ўз эли буюк,
Гоҳ ўзни санаб ҳам кўрдим бегона.
Шунда ҳам англадим, ҳаммадан суюк
Элим сен дунёда меҳри ягона.

Қувват олар эмиш, англадик, қуёш,
Меҳр бор эканки у ҳам бор доим.
Жаҳолат ҳукмига бош эгса бардош
Шундан бошланмасми қиёмат қойим?!

Ҳа, кўпдир дунёда меҳрли эллар,
Бир оз муболаға қилурман, балким –
Дилдаги ул буюк меҳринг – сеҳринг-ла,
Офтобга нур бериб турибсан, халқим!

2003



ЭЛЛИКҚАЛЪА

Неъматилла акага

Сўрдилар: шеърият – соҳир бу олам,
Яралганми она айтган алладан?
Дедилар: шоирга дўст бўлган қалам,
Кўнглига ишқ ўти тушган палладан.

Сўрдилар: илк бора қачон одамзот,
Қалъалар тиклаган тупроқ заррадан?
Дедилар: Рим, Мадрид, Афинангни қўй,
Далилин излагил Элликқалъадан.

2003

УМИД

Мен ўт эдим,
Ўмғирлар ёғди,
Томчилар чун гўё мен сўндим.
Бугунчалик уфққа бош қўйиб,
Эрта эса қуёшдай ёниб,
Тонгни кутиб олмоққа,
Кўндим...

2003

ТЎХТАГИЛ ЁШЛИГИМ

Тўхтагил ёшлигим,
Бир зум шошмагил,
Фурсат бер, кўнглимнинг гулламоғига.
Ишончим бор ҳали дунёда яшнаб,
Юрагим бир қўшиқ куйламоғига.

Тўхтагил ёшлигим,
Бир зум шошмагил,
Ҳали етганим йўқ умрим тахтига.
Бир тола ёруғлик, нур қўшолмадим,
Зулматни тарк этган элим бахтига.

Тўхтагил ёшлигим,
Бир зум шошмагил,
Куйлайин дугоҳу сегоҳларимни.
Бесамар ўтгандай энг гўзал даврим,
Ювишга имкон бер гуноҳларимни.

Тўхтагил ёшлигим,
Бир зум шошмагил,
Бу кўнгил ўксимай етсин ниятга.
Фурсат бер, юрагим чўғи ўчмасдан,
Бир қўшиқ қолдирай абадиятга...

2005

ҚИРҚИНЧИ БАҲОР

Бундай ортга назар ташласам,
Қирқ довонга етибди умрим.
Армонларим ўйлай бошласам,
Чирқиллайди юракда қумрим.
Салом сенга, эй севги ағёр –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!

Ҳаёт куйи гоҳ шўх, гоҳ хазин,
Умр йўли гоҳ кўклам, гоҳ қор.
Кимга айтай кўнглимнинг арзин,
Куйиб ўтар соғинч ичра зор.

Қайлардасан, эй пари рухсор –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!

Топганларим азобу хажр,
Йўқотганим шодлик-шодмонлик.
Фам бир бошдан кўнглимни ғажир,
Ҳаёт бермас нечун омонлик.
Армон менга ҳар тун тикар дор –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!

Қайга кетди, ёшлик, давронлар,
Қайга кетди, нурли кечалар?
Ифорингиз қани райҳонлар,
Қайга кетди, сирли кечалар?
Бугун дилда қирқ йиллик ғубор –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!


Кўкка учган кабутар каби,
Учар эди қалбдан орзулар.
Энди дилда у қушнинг қабри,
Уни ҳалок қилди оғулар.
Бағрим энди хазон бир гулзор –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!

Ёнмоқ гали ўтдими энди,
Наҳот олдда ўртанмоқ, сўлмоқ.
Мени қайга бошлаб кетяпти,
Ҳаёт деган бу қадим сўқмоқ?
Кетмоқдаман, гоҳи маст, гоҳ ҳушёр –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!

Не бўлса ҳам яшаб ўтарман,
Маили, дилга ёғаверсин қор.
Кўкламга ҳам бир кун етарман,
Қор остида бойчечаклар бор.
Шу кунларни кутарман бедор –
Қирқинчи қиш, қирқинчи баҳор!

2005

ОНАМСАН,
КҮРСАТАЙ
СЕНГА САДОҚАШ



Сенга ҳам днёрим, бишта арзим бор,
Онамсан, кўрсатай сенга садоқаш.
Онамдек осмоним ~ элдан қарзим бор,
Юлдузим ёруғ қил, юлдузим ҳар вақт!

БИЗ СУВ ИЧКАН ДАРЁЛАР

Маҳалламизнинг қадимий номи Қатортерак бўлган, ҳа, тўғри эсладингиз, ўша Чўлпон туғилган Қатортерак маҳалласи. Қатортерак бу кенг тушунча бўлиб, у бир нечта маҳаллаларни бирлаштирган. Чунки Андижон шаҳридаги ҳозирги Навоий шоҳқўчаси, унинг атрофидаги бир қанча кўчаларни ўз ичига олган ҳудуд катталар тилида Қатортерак деб аталарди. Ўйлаб кўрсам бизнинг ва бизнинг атрофимиздаги маҳаллаларда маърифатпарвар кишилар кўп чиққан экан. Атоқли шоирамиз Саида Зуннунова биздан тўртта ҳовли наридаги хонадонда туғилиб ўсган. Ажойиб шоирамиз Мукаррама Муродова эса шундай орқа кўчада туғилиб ўсганлар. Атрофдаги кўчаларда катта шоир Восит Саъдулла, бетакрор ҳофизимиз Фаттоҳон Мамадалиев, таниқли олим Обиджон Валиев каби Андижонда таниқли бўлган қанча олим ва санъаткорлар, эл ардоғидаги кишилар яшаганлар.

Яна оппоқдадам Абдулқосимҳожининг айтишларича, биз яшаган маҳалла халқ тилида катта бобомиз, оппоқдадамнинг дадалари Ҳожимуҳаммад ҳожи номлари билан ҳам аталар, кўшни маҳаллалар оқсоқолларидан бирор тўйга ёки бошқа маросимларга хат жўнатиладиган бўлса, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталаригача ҳам «Ҳожимуҳаммад ҳожи маҳалласига» деб ёзилар экан. Бувим Зухрабиби Ҳалимбой қизининг айтишларича, Ҳожимуҳаммадҳожи ўз замонасининг ҳам илмли, ҳам халқпарвар, ўзига тўқ кишиларидан бири бўлган экан. Ҳозирги Янги турмуш маҳалламизга кираверишда бир пайтлар катта қабристон бўлган экан, шундан ҳозир биргина қабр сақланиб қолган. Улар мана шу жойдан ўтишда доимо отдан тушиб етаклаб ўтар эканлар. Сахий, қўли очиқ, одампарвар, катта илм ва эъзозга эришган киши бўлган эканлар.

Оппоқдадам Абдулқосимҳожи, халқ тилида Алқосимбойвачча ҳам ниҳоятда саховатли, одил, оқил, илмли киши бўлган. Шу билан бирга у киши катта табиб эдилар. Мен етти ёшларда эканлигимда вафот этган бўлсалар-да,

уларни яхши эслайман. Кўп касаллар келар эди. Оппоқдадам уларнинг билагини ушлаб ташҳис қўярдилар. Эслайман, ҳеч қандай умид қолмаган, маҳалламиздаги ночор оилалардан бирининг ўғлини даволаб юборганлар.

Мен асосан оппоқдадам Абулқосимхожи, бувим Зухрабиби, оппоқдадамнинг яна бир аёллари Сайдинисо бувимнинг эртак ва ҳикматларини, Хосиятхон катта-бувимнинг Офтобойимларникига ўхшаш гўзал ва бетакрор лутфларини, дадам Мирзобек ва тоғам Қодиржоннинг «Минг бир кеча». «Боғи баҳор», «Иброҳим Адҳам» каби қисса ва дostonларини, тоғамнинг Қулхожа Аҳмад-Яссавий, Навоий, Бедил ҳикматларини мағзини чақиб берувчи суҳбатлари, онамнинг унча-мунча етук санъаткорнинг овози ва ижросидан қолишмайдиган гўзал ашулаларини ва энг муҳими, «Юлдузим» деб номланган аллалари, кейинчалик ўзига хос оҳанг ва усулда ўқилувчи ғазалларини тинглаб вояга етганман.

Тўғрисини айтаман, ҳали эркак овозида дадамчалик, аёл овозида онамчалик гўзал ғазал ўқиган одамларни учратмадим. У мактаб ҳам, у оҳанг ҳам бутунлай бошқача эди. Дадам тўғрисўз, чапанифеъл, фирромлик ва номардлик билан асло келиша олмайдиган, бир сўзли, дўстларга содиқ, ниҳоятда саҳоватли инсон эдилар. Онам эса ниҳоятда лутфи ширин, сабрли, шу билан бирга шижоатли, дунёқараши кенг, мулоҳазали, назари тўқ, адабиёт, мусиқани ниҳоятда теран тушунадиган, ширин лутфи билан кўнгилларга кўприк сола оладиган аёл эдилар. Мактабни олтин медалга тамомлаган, илк шеърлари билан устозлар назарига тушган эканлар. Улар дастлаб Андижон педагогика институти, кейинчалик Андижон тиббиёт институтига ўқишга кирган, оилавий шароит туфайли иккисини ҳам давом эттиролмаганлар. Хуснихатлари ниҳоятда чиройли эди. Бутун оиламиз, ака-опаларим, синглим ва мен онамнинг хуснихатларидан андоза олишга интиланмиз.

Онамнинг яна бир фазилатлари – ҳовлимизга фақат райҳон экардилар. Эрта тонг ва оқшом пайтлари уларни эркалагандай сийпаганларида ҳовлимиз жаннат ифорига тўлиб кетгандай бўларди. Бутун маҳалламизга етарли эди у райҳонлар. Кўнгиллари ҳам ўша райҳонлар янглиғ

ифорли эди. Ҳатто, оламдан ўтганларида ҳам яратганнинг ҳузурига райҳон билан кузатганмиз...

Онам айтган «Отмагай тонг», «Баёт», «Гиря», «Сегоҳ», «Бу кўнгилдир, бу кўнгил», «Бунча зор этдинг мени» каби ўнлаб қўшиқлар бир умр қалбимизга муҳрланган. Шунданми, хонадонимизда ашула айтмайдиган киши йўқ. Акаларим, опаларим, синглим, мен ҳар биримиз соз чалардик. Уйимизда рубоб, тор, доира, чанг, дотор, электрон мусиқа асбоблари бор эди. Лекин шуларнинг дебочаси сифатида дастлаб қалбимизга онам айтган аллалар муҳрланган бўлса ажаб эмас. Айниқса, онам айтган «Юлдузим» алласи менга ниҳоятда бошқача таъсир қилган эканми, шундай эслашарди:

Онам болалагимда мени бешигимни тебратиб шундай алла айтар эканлар:

Юлдузим десам ҳам оз,
Қундузим десам ҳам оз,
Бу дунёда нима яхши
Бўлса ўзинг ундан соз.
Ухла, қўзим алла-ё
Ухла, юлдузим алла...

Асалмисан, қандмисан,
Фазал-муҳаббатмисан,
Бунча ширинсан ўзинг,
Жонимга пайвандмисан...
Ухла, қўзим алла-ё
Ухла, юлдузим алла...

Ойни олиб берайми,
Гуллар териб берайми,
Атрофингда айланиб,
Шамол каби елайми...
Ухла, қўзим алла-ё
Ухла, юлдузим алла...

Энг қизиғи, кейинчалик тилим чиқиб юра бошлаганимда ҳам, уйқум келса онамга бориб тиззаларига бош қўйиб «аяжон юлдузим қилинг, юлдузим қилинг» дерканман ва

«Юлдузим»ни эшитиб уйкуга кетарканман. Кейинчалик билсам, бу алла ҳассос шоирамиз Саида Зунуннова қаламига мансуб экан.

Бу алла юрагимизга шу қадар муҳрланган эканки, ҳамма фарзандларим шу алла билан вояга етди. Аёлим ўрганди бу аллани, қолаверса, онам ўтгандан кейин ўзим ҳам уларни соғинсам, кичик фарзандларимга шу аллани айтардим...

Худойимга шукур, тўртта қиздан кейин ўғил берди. Ўғлим Нурислом ҳам шу алла билан ўсяпти. Бир куни уйда ўғлимнинг аясига хархаша қилиб этагидан уйга тортиб чучуктил билан «Ая, Йудузим қилинг, йудузим қилинг» деганини кўрдиму, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ўзимнинг болалигимни кўргандай бўлдим. Ҳозир бу алла бутун оиламизнинг, сулоламизнинг алласи. Акаларим, опаларим, синглимнинг фарзандлари, набиралари ҳам шу алла билан ўсиб-улғайяпти...

Она алласи билан фарзанд қонига, онги-қалбига, нафақат онанинг, балки шу муқаддас замин – Ватаннинг меҳри сингиб боради, деб ўйлайман. Она алласини эшитиб, бешиқда улғайган боладан ёмонлик чиқмайди. Она алласига бўлган меҳр бир кун улғайиб ўлмас қадриятлар, анъаналар, маънавиятга бўлган меҳрга, бешиққа бўлган меҳр эса, Олтин бешиқ бўлган Ватанга бўлган меҳр кўринишида шаклланиб боради. Ана шу буюк меҳрни фарзандларимиз, набираларимиз қалбига сингдириш ҳаммамизга насиб этсин. Ватанга, юртга, халққа, миллатга бўлган садоқат илдизлари ана шу мурғак чоғимизда қалбимизга ташланган уруғдан униб чиқади.

Дилларимизни райҳонларга ошино этган, қалбларимизга одамийлик чечакларини эккан, иймонли, оқибатли, ориятли, назари тўқ қилиб ўстирган, кўнгилларимиз тарбиячиси бўлган марҳум ота-оналаримиз, устозларимизни Ҳақ раҳматидан бенасиб этмасин...



ЮЛДУЗИМ

Эслашар шундай деб болалик чоғим,
«Юлдузим» деб мени эркалаб доим.
Бир ажиб аллалар айтар эканлар,
Бешигим тебратиб ўлтириб ойм.

Ўйламанг, бир мурғак чақалоқ учун
«Юлдуз» деб ҳеч бино қўймаган экан.
Саида опанинг алласин кучин –
Англагач, ҳеч айтиб тўймаган экан.

Йил ўтиб, илк қадам қўйган онимда
Тилимда уйғонгач қалдирғоч сўзим.
Бир роҳат ҳиссини қўмсаб жисмимда
Онамни чорларкан умидвор кўзим....

Йиқилсам йўлларда қаддим тутолмай,
Чақирар эканман:
– Онажон, келинг!
Ё ўзим боргач гоҳ тиззаларига
Бош қўйиб дерканман:
– «Юлдузим», қилинг!

Кўзимга келмаскан алласиз уйқу...
Бир кун ўт ичида қолди юрак, тан.
Онамдан айрилдим, у тун кўз юммай,
Тилимга шу алла келди дафъатан.

Мен аста хиргойи қилдим, тўймадим,
Дил тўла нола-ю, дил тўла қадар.
Энди мен, не қилай осмон ахтариб,
Қайларга борайин, маъюс дарбадар?

Гоҳ ҳаёт кўзимга кўринса ёмон,
Гоҳ дўстлар «марҳамат қилса» бешафқат.
«Юлдузим қилинг», деб сўрайман омон,
Онажон, ўзингиз айлангиз шафқат!

Сенга ҳам диёрим, битта арзим бор,
Онамсан, кўрсатай сенга садоқат.
Онамдек осмоним – элдан қарзим бор,
Юлдузим ёруғ қил, юлдузим ҳар вақт!

Устозлар меҳрига тўймайин кездим,
Энг буюк устозим ўзингсан, билгил.
Осмон бўл сен ҳар вақт, осмон бўл кабир,
Тизангга бош қўйсам, «Юлдузим» қилгил!

2002



ОНАМ ЭККАН РАЙҲОНЛАР

*Онам Эргашхон Йўлдошбой қизи
хотирасига*

Ховлимизга жаннат бўйин таратган,
Саболарга ифор тутган, яйратган,
Кўқдан ойу офтобни ҳам қаратган,
Борлиғида малакларми, ниҳонлар,
Ризвон экан онам эккан райҳонлар.

Капалаклар аримасди қошидан,
Боларилар кетолмасди бошидан,
Унганмиди, онамнинг бардошидан,
Оҳ кафтдаги жаннат дерди гирёнлар,
Эҳсон экан онам эккан райҳонлар.

Гарчи гул кўп бу оламда ифорли,
Кўл чўзсанг гар озорлигу, тиконли,
Тароватли, муслим каби иймонли,
Уни аршдан туширмишми посбонлар,
Жаҳон экан онам эккан райҳонлар.

Ҳар тонг туриб сийпарди гул юзларин,
Эркалаган каби она қизларин,
Сирдош билиб айтганми дард, сўзларин
Ўша чоғлар нени қилмиш баёнлар,
Достон экан онам эккан райҳонлар.

Бошим қўйсам мен кўксига онамни,
Райҳон иси чулғар эди танамни,
Оҳ, у жаннат тарк этдими оламни,
Япроғига йиғлаб тақдим маржонлар,
Фигон экан онам эккан райҳонлар.

Она десам зор титрайди бу жоним,
Кетдими-я бор давлатим, жаҳоним,
Меҳрибон йўқ, қайда у меҳрибоним,
Дардим энди қандай тутай пинҳонлар
Дармон экан онам эккан райҳонлар.

Соғинчимга бу дунёда йўқ чора,
Фариб боғман, боғбонсиз қалб минг пора,
Онамсиз мен ким бўлдим, бир бечора
Татирмиди менга бу ширин онлар,
Даврон экан онам эккан райҳонлар.

Бир кун мен ҳам бу дунёдан ўтарман,
Балким қўлда райҳон билан кетарман,
Шундай онам дийдорига етарман,
Даркор эмас бундан ўзга унвонлар,
Имкон экан онам эккан райҳонлар...

2002

* * *

Райҳон, райҳон ифоринг,
Бунча ширин, тўймайман.
Сен қалбимда унмасанг,
Мен барибир қўймайман.



ГУЛИНГИЗНИ АСРАНГ

Ҳазил

*Хотинидан ранжиб юрган айрим
эркакларга*

Гар тикони тилса-да қўлинг,
Ифорларга тўлар ўнг-сўлинг,
Мағрур бўлма, у борар йўлинг,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Юрагингга ўтса-да захри,
Меҳрга тенг дилдаги қаҳри,
У қалбингнинг уммони-баҳри,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Яноғида милтираган ёш –
Бир қарасанг нур сочар-қуёш,
Олов бағрин, қўй, демагил тош,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Саҳродаги янтоққа ўхшаб,
Ўлтирардинг бошингни қашлаб,
Ахир усиз бўлмас-ку яшаб,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Бағрингдадир севгининг тахти,
Садоқатдан яралган аҳди,
Биздай ношудларнинг чин бахти,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Эҳ, сен кибор, ҳаддин билмаган,
Марваридин қадрин билмаган,
Бежиз қўлинг тиғи тилмаган,
Билсанг агар, гул барибир гул!

Кўй ўқситма, бор бағрингга бос,
Сен ҳам иш тут, йигитларга хос,
Ҳатто жондан тўйганингга ҳам,
«Севаман» деб ёз-да, ўзинг ос,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Ҳазилимни кўнглинга олма,
«Жоним» деган сўздан ҳеч толма,
У аразлаб кетса-да ёлвор,
Бир дақиқа ортидан қолма,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Чин боғбоннинг гули ҳеч сўлмас,
Бир тикондан одамзод ўлмас,
Зўр атиргул ништарсиз бўлмас,
Билсанг дўстим, гул барибир гул!

Ойсиз осмон бўлмайди, дўстим,
Кунсиз осмон бўлмайди, дўстим,
Тиконли гул битта сендами,
Сабр қилган ўлмайди, дўстим,
Билсанг агар, гул барибир гул!

Шундай экан, дийдиёнгни кўй,
Аразласа, эркаликка йўй,
Ахир бу ҳам кўпга келган тўй,
Билсанг агар, гул барибир гул!

Турмуш сенга эмасдур эртас,
Айбимиз кўп бизни ҳам бешак,
Ёдда тутгил, мард деб саналмас,
Аёлини ранжитган эркак,
Билсанг дўстим, улар нозик гул!

2005

«КҮНГИЛ МУССАВИРИН ЕРДАН ИЗЛАМА...»

Инсон энг буюк ошиқ экан! Унинг ҳаёт йўли ишқ олами ичра ўтаркан. Ватанга, киндик қонинг тўкилган муқаддас заминга ошиқлик, ота-онага муҳаббат, ёр ишқида жунунлик, дўсту биродарларга садоқат, фарзандларга бўлган меҳр ва севги! Бу ёруғ дунёга, ҳаётга, Ҳаққа муҳаббат! Уларнинг бари кўнгил чорраҳаларида туташаркан.

Инсон улғайиш пиллапояларини босиб ўтган сайин унинг ошиқлик, дунёни идрок этиш борасидаги ўй-фикрлари, қарашлари ҳам ўзгариб, дардлари янгиланиб, каттариб бораркан. Лекин, ўзга ошиқлар қалбидан кўра ўз беором қалбингни англаш қийинроқ, мушкулроқ кечаркан. Гоҳо ўзгаларга сўзинг, таскининг ўтаркану, ўз қалбинг итоатингга юрмас, юпанчга кўнмас экан. Англаганим, минг изтиробга солмасин, нафсга басма-бас келишга қодир, Ҳақ зиёси тушган кўнгил алдамас экан.

Бу тўртликлар нафақат ўзга кўнгилларни, балки ўз кўнглимни англаш йўлидаги уринишларимдир. Йиллар давомида турли ён дафтарларим варақларида, китоблар ҳошияларига битилган умрим парчалари... Улар атайин ёзилмаган, балки ҳаётимнинг турли лаҳзаларида юрагимни куйдириб ўтган, англаб-англолмаганим, туйғулар, армонлар, ҳижронлар, соғинч ва изтироблар, ҳайратлар гулханидан сачраган илтижо учқунларидир.

* * *

Булбуллик даъвосин қилмасман мен, йўқ,
Эй кўнгил, сен Худҳуд йўлини пойла.
Гар қушлар муродин англамоқ бўлсанг,
«Лисонут тайр»ни жонингга жойла.

* * *

Ташна дилга йўқ ҳаёт лабларинг зилолисиз,
Кўз уйи ҳам Каъбасиз кўзларинг хаёлисиз,
Жонсиз дилим бу оқшом асло қайта тирилмас,
Тунни муаттар қилган сочларинг шамолисиз.

* * *

Кўнгил водийсига кўнглим ишондим,
Ишққа дил бердим у ишқ ила ёндим.
Қанча йил гафлатда ўтибди умрим,
Битта қарашингдан қайта уйғондим...

* * *

Ошиқ дил бунчалар обод гўшадир,
Ким бундоғ кўнгилга нур шод кўшадир,
Кўнгил мусаввирин ердан излама,
Асли фалақдаги Беҳзод ўшадир!

* * *

Адашган дил учун сўзинг нур – оятдур, ҳидоятдур,
Арзи дилим шикоятмас ошиқлиғдин ҳикоятдур,
Бу кун муштоқ кўнгил уйин эшикларин сенга очдим,
Сендин келган ишқ каломи ривоятмас, риоятдур.

* * *

Бу элда шоирга забон Машрабдан,
Юракни ўртаган фиғон Машрабдан,
Англамассан ошиқ дилин, эй гофил,
Меросдир не бўлса, ниҳон Машрабдан.

* * *

Кўнглимни ол, бир кўза у – иймон сувин тўлдиргил,
Жисмим ичра нафс аждарин жиловлагил, ўлдиргил,
Муҳаббатим чечакларин меҳринг билан суғору
Қалбимдаги риё гулин сеҳринг билан сўлдиргил.

* * *

Ишқ менинг давлату хаёлим дедим,
Ошиққа ҳижрон не, саволим дедим,
Гар сендан йўқ карам, нени истарам?!
Саволим жавоби – заволим дедим.

* * *

Дема, ишқ равзаси бу бир ривоят,
Ишққи, бу назари Ҳақдин иноят,
«Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун»,
Аввал ҳикоят, охир ҳидоят.

* * *

Ошиқлик – ишқ ичра унвоним менинг
Жон ичра жонга жон жононим ўзинг,
Менинг зулмат қучган осмоним узра
Ойдан-да гўзалроқ Чўлпоним ўзинг.

* * *

Ўтга солсам ўтин бўлғай, шунча кўпдир гуноҳларим,
Кўнглим, кўзим, куфр сўзим – бағримдаги гувоҳларим,
Чечакларда кулиб турган кўзларингга қаролмасман,
Сендан қайга олиб қочай нигоҳларим, нигоҳларим?!

* * *

Ошиқ дилга муаттар ҳаволар ишқдан келур,
Ҳам бошиға ғавғою, балолар ишқдан келур,
Мажруҳ дилга табибдин малҳам излама, эй дўст,
Давосиз бу дардга ҳам даволар ишқдан келур.

* * *

Эй дил, ўздан кетма, ўзни ул ёр учун ғулом қил,
Васфин куйламоқ учун лабларим хушкалом қил,
Асл ошиқлар учун висол сон-ла ўлчанмас,
Субҳдин то тун қадар дийдор дегил, салом қил!

* * *

Бир боқдингу эй гулруҳ, жонни ёндириб кетдинг,
Жон не эканки, вужуд-қонни ёндириб кетдинг,
Тун бўйи юммай кўзим, кел эй, дедим, гулюзим,
Кул бўлди-ку юлдузим, тонгни ёндириб кетдинг.

* * *

Умр йўлларида меҳр изладим,
Лек қаҳри қаттиқлар бўлдилар зоҳир.
Қанча юракларга унсиз бўзладим,
Мен уни ўзингдан тополдим охир.

* * *

Ким деса, бу дилни парвона денглар,
Ой қиё боқмаган остона денглар,
Қайс каби Мажнунми, сўрсалар магар,
Қайсдан-да минг бора девона денглар.

* * *

Мажнуннинг ишқини демангиз азоб,
Интиҳосин деманг бу дилни сароб,
Бу шундай йўлдирки, англолмас гофил
Дардсизлик гуноҳу дардмандлик савоб,

* * *

Ишқ бир дунёдир, гоҳи дил яро
Бир масрур кимса йўқ ошиқлар аро.
Гар шундай бўлса-да остонасига
Юрагимни қўйиб, бўлгум фуқаро.

* * *

Бу ёлғон дунёдан ростни ахтариб
Хайёмдек маст бўлиб ичолсак эди.
У фалак аршидан соқий май қўйса,
Кўнгилни қадаҳдек тутолсак эди...

* * *

Дунёда ишқни мен, гулимдан топдим,
Ҳикматни, ибратни илмдан топдим,
Қанча бекатларда тўхтамай охир
Ҳақ нурун дил деган йўлимдан топдим.

* * *

Чорласам келмасанг, дилим ўртанар,
Ойларни бўзлатиб йилим ўртанар,
Сендан икки олам кечолмай ўтгум
Исмингни шивирлаб тилим ўртанар.

* * *

Ё Раб, ўзинг бу дилим ишқ ичра самандар қил,
Ҳижрон гулин ифорин ўзинг мушку анбар қил,
Васлинг сўрдим ҳаётим субҳини қаро қилдинг,
Бемурод кетмай, умрим шомини мунаввар қил...

* * *

Ўтган ҳар йилим бу умрим парчаси,
Ҳижронда ўтди-ку, унинг қанчаси.
Сен бир бор фалақдан кулиб қарасанг,
Кўнглимда очилур жаннат дарчаси.

* * *

Ғамдин ёмғирларга тўлди дил – абрим,
Чақмоқлар – сўнаётган энг сўнгги сабрим.
Сени излаб бўлиндим минг бир бўлакка,
Ҳар томчи тушган ер – у менинг қабрим.

* * *

Юз ўғирма ишқдин дил, билсанг, удир пиримиз,
У бир қуёш биз-чи биз, унинг заррин нуримиз,
Майли замон бизларни Мажнун десин ё Юсуф,
Энди унинг ҳукмида мангуга тақдиримиз.

* * *

Кўнглимни тингламоқ бўлди одатим,
Сени ҳар дам ёд этмоқчи тоатим.
Субҳдин то оқшомгача ҳар лаҳзам,
Соғинч бўлди ҳар дақиқам, соатим.

* * *

Эй дил, энди вужудимнинг соҳири сен,
Сўз айтсам, сўзимнинг зоҳири сен,
Қанча сарсон бўлиб ўзинга қайтдим,
Англадим, ишқ йўлин охири сен.

* * *

Кумуш гуллар ўсмиш бошларимизда
Улуғ тоғлар ўсмиш бардошларимизда,
Қанча истифору тавбалар мавжуд
Маржондек тўкилган ёшларимизда.

* * *

Мажнун дилга ошиқлик мақомин бергил,
Тилимга Ҳалложнинг каломин бергил,
Ишқ қиссам бу олам ичра сўнса-да,
У олам ичра сен давомин бергил.

2002-2006



НАВОИЙ ХАЗИНАСИ

Сўз мулкида фаҳри олам, хизри роҳ,
Ишқ дарсида муршиди ирфон паноҳ,
Эй кўнгил, кел, таъб ганжидин бўл огоҳ,
Навоийдан рисолатни ўрганайлик.

Баҳр аро топган хазинам тийнати,
Улки иймон кишварининг зийнати,
«Қуш тили»да жам эътимод, нияти,
Навоийдан ҳидоятни ўрганайлик.

Фарҳод ила Мажнун деб ишқ шоҳини,
Лайло ила Ширин демиш моҳини,
Англадингми, эй кўнгил, сен оҳини,
Навоийдан саодатни ўрганайлик.

«Садди Искандарий» – бил, зулматда жон,
«Сабъаи сайёр» эрур бир имтиҳон,
«Ҳайратул аброр» ичинда дил ниҳон,
Навоийдан адолатни ўрганайлик.

Ҳар байтида акс этур жон сурати,
Эл гамидин гамгусор инсон сурати,
Шул эмасми чин мусулмон сурати,
Навоийдан диёнатни ўрганайлик.

Ҳикмати хаста кўнгилга ёр, англадим,
Йиғладим, афғонини зор англадим,
Одамийдан бир фаришта бор-англадим,
Навоийдан ҳаловатни ўрганайлик.

Назми қалблар тахтида, мушкулкушод,
Ҳаққиға айланг дуо, руҳ ўлур шод,
Улки биз-ла, бўлмағаймиз номурод,
«Ҳазойинул маоний»ни ўрганайлик,
Навоийдан Навоийни ўрганайлик.

2005

ВИДОЛАШУВ

Ҳирот, 1501 йил, 3 январь

Шамоллар дод солди, ўша кун тинмай,
Мажнунтол сочини юлиб йиғлади.
Дарахтлар ёқасин чок-чок этди,
Қуёшга осилиб тоғлар йиғлади.

Ҳилол булутлардан кўк кийди у кун,
Қабристон мунғайиб хўрсинди илк бор.
Тўлғониб тошдилар дарёлар бутун,
У дунё кенг бўлди, бу дунё-чи тор.

Маъвода юлдузлар айтдилар тасбех,
Ўкирди қуёшда ўлтирган бир шер.
Жаноза ўқиди жами қушлар ҳам,
Алвидо Навоий, амир Алишер!

2005

ЭЙ, ШЕЪРИЯТ...

Мен шеър излаб
Сўз-ла сирлашдим,
Қандай гўзал, соҳир бу фасл.
Англаганим, дил маъвосидан
Соғинч нури ёғар муттасил.

Маъюс сўзлар кимни чорлайди,
Ва ё кимга аталган бу байт?
Эй шеърият, бунёдинг қайдан,
Юракдаги меҳмонинг ким, айт?!

2005



ЭҲТИРОМ


Устоз Абдулла Ориповга

Сиз қурган шеърият қасри муҳташам,
Сўздан ҳеч ким сиздай дур ясолмағай.
Ўринбосар дейсиз бизни, бирор зот
Сизнинг ўрнингизни, йўқ, босолмағай.

* * *

Ўйларимни эй фалак, сен ўзинг Фирот айла,
Шеър деб чеккан заҳматим кўнглимга бол, тот айла,
Устозларим меҳрини Алишер деб ата-ю
Улар дилин мен каби шогирдга Ҳирот айла.

2005



ВИСОЛ СОҒИНЧИ



Биламан, сен бағридан оғоҳ,
Дилим сенини қўлинида туғил.
Эй, соҳибни руҳим, савб бер,
У боғида оёқлиғини!

ВИСОЛ СОФИНЧИ

Туркум

I

Ёлғизликдан эзилар кўнгил,
Ҳамдамларнинг кўпи риёкор.
Ёдга олсам тортаман енгил,
Мажруҳ дилга фақат худо ёр.

Гиёҳларнинг шивирин тинглаб,
Қизғалдоқдан сўрайман сабр.
Наҳот минглаб дилларда риё –
Садоқатлар кўмилган қабр.

Эй саболар, ҳамдамим бўлинг,
Фариштадай алқайин сизни.
Сен бағринга олақол, осмон,
Юрагимдан учган юлдузни.

Бир осмон деб эзилар кўнгил,
Руҳимга пок маъволар керак.
Тун ила тонг оралиғида
Бир олам деб талпинар юрак.

II

Сендан нени кутиб яшайман,
Гоҳо англаб етолмам ўзим.
Юрак уйғоқ, журъатга шайман,
Фақат сени излайди кўзим.

Биламан, сен баридан огоҳ,
Дилим сенинг қўлингда ғунча.
Эй, соҳиби руҳим, сабр бер,
У боғингда очилгунича!

Лабларимда исминг капалак,
Кўзимдаги гулларим – сиёҳ.

Бағримдаги ўксик жон ҳалак,
Вужудимда ғунчалайди оҳ.

Мени огоҳ этар бир овоз,
Иймон гули, инграган чоғлар.
Ҳар сўзингнинг ўзи жойнамоз,
Нафасингдан келар баҳорлар...
Юрагимга кирар баҳорлар...

III

Кўнгил сабззорин қилсанг зиёрат,
Қизғалдоқ хўрсинар сўраб ҳимоят,
Сен менинг қалбимга битилган оят
Гулбаргдай ёнади қирмиз лисоним,
Маҳбуб деб талпинар ўртаниб жоним.

Қалбим туғенидан ўсган эй сабо,
Ҳаёлим йўлини тўсган эй сабо,
Ёрим юрагидан эсган эй сабо,
Минг баҳор келса-да, сабзасиз оним,
Маҳбуб деб талпинар ўртаниб жоним.

Руҳимга қафасдир вужуд дунёси,
Кўнглимга нур бермас дунё-рўёси,
Шунчалар бўлурми, дилдор ҳаёси,
Етти қат осмонми парданг, тобоним,
Маҳбуб деб талпинар ўртаниб жоним.

Чечаклар кенгликда тушмоқда садр,
Соҳир нафасингми кезган у абр,
Руҳимга чимилдиқ эрурми – қабр,
Эй жон, юр борайлик – шошқоқ меҳмоним,
Жон удир, сендан-да азиз, у жоним...

IV

Лабингдаги қизғалдоқ – қуёш,
Киприкларинг – мардуми лашкар.

Юлдузларми – кўзингдаги ёш,
Сўзинг оят – уйғонар башар.

Насимларми – нафис нафасинг,
Гиёҳларми – назаринг гули.
Баҳорларми – энтиккан сасинг,
Мен ким – ишқнинг ожиз булбули.

Исминг айтсам руҳим уйғонар,
Кўзларимга сиймайди аксинг.
Дилим ишққа қачон қонади
Бунча гўзал дунё – қафасинг!

Дилимдаги ёнган ул шафақ,
Халложми ё Машраб жунуни.
Минг кундуздан аъло эмасми,
Буюк эҳсон – у қадр туни.

Энтикади кўнгил ёд этса,
Тупроқ минг-минг ошиқ туроби.
Дилимнинг энг чуқур тубида
Ошиқликнинг муқаддас хоби.

Э воҳ, бу дил гарчи кўксимда,
Унга етмоқ мушкули жабр.
Нетай мени ичкари қўймас,
Вужудим – нафс кўмилган қабр.

Аналҳақнинг майин нўш этган,
Ошиқларнинг сўзлари қани.
Эй насимлар, тур денг, уйғотинг,
Нафсдан улуғ ошиқлик шаъни.

Дил мазорин бағринг тилкалаб
Чиқармикин бир кун бойчечак.
Учармикин руҳим эркалаб
Ва ё бари ушалмас эртак.

Мен бир зарра, бир қатим нуринг,
Бир сўзингман ёзилган оққа.
Билмам бир кун ҳаққим бўларми
Менинг аслим офтоб демоққа...

V

Мен ҳар дам, ҳар лаҳза сени кутардим,
Кўнглим йўлларингда поёндоз эди.
Ҳисларим кўнглимнинг доғин ютарди,
Юрагим гўёки жойнамоз эди.

Кўзларим чор тараф унсиз нидо-ла,
Исмингни улуглаб айтарди азон.
Субҳидам очилган пок гуллар каби,
Пойингда ўлтириб дийдор дерди жон.

Сенчи, сен келмасдинг, кўринмас эдинг
Аммо борлигингни сезарди дилим.
Кўнглим ифорларга тўлган кез шодон,
Қалбга меҳмонлигинг билардим, гулим.

Сен менинг жонимга пок нурлар тўшаб,
Исмингни муҳраб қайтсанг-да гоҳи.
Дунёга қўшиқдай таралар эди,
Сени чорлаган дил фарёди, оҳи.

Қалбим баҳорингда очилди гулдай,
Исмингни шивирлаб ўтар ҳар оним.
Менинг мезбонлигим узоққа бормас,
Қошингга боргувчи меҳмонман, жоним...

VI

Бошим қуйи эгдим, майса ҳамдард бўлди,
Капалаклар юзларимни силаб ўтди.
Ёлғиз жоним бу дунёнинг меҳробидан,
Муҳаббатдан бир кун висол тилаб ўтди.

Туроб ичра мен жисмимдан айрилдим-ку,
Керак эмас қизғалдоғи мозоримга.
Бу дунёдан ўзгасига қайрилдим-ку,
Не қилгандим ўша дили озоримга.

Юрак уммон ичра қолга япроқ мисол,
Титраб-титраб сўнги сўзин айта бошлар.
Бизни кутиб муҳаббат ҳам у мозорга,
Бошимиздан тупроқ сочиб қайта бошлар.

Юз йил ўтар, балки минг йил кўзим йўлда,
Тупроқларга бир ҳикоя сўйлайверар,
Руҳим менинг икки дунё орасида,
Ўша буюк муҳаббатни излайверар...

2003-2007



САЖДАГОҲ

Бобомнинг қабрида унган райҳонлар,
Момом мозорида кулган қизғалдоқ,
Мен учун улардек азиз нима бор,
Кўрмоқ бўлсанг меҳрим, юрагимга боқ.

Суянчим Отамни бағринга қўйдим
Онамни кузатдим жисмимда титроқ,
Энди сени ота-онамдек суйдим,
Бунчалар азизсан, эй мунис тупроқ

Эй муборак замин, эй қутлуғ макон,
Юзимни босаман онам деб сени.
Отамни соғинсам, сен таскин тилаб,
Отамдек овутиб юпатдинг мени.

Юрсам, дуо дейди остимдаги ер,
Турсам шивирлайди болам деб шу он.
Мени фарзандим деб асрайди шу эл,
Менинг кимлигимни англаган шу қон.

Эй Ватан, таркини орзулаган зот,
Эй юртин сотмоққа шайланган олчоқ,
Айт, ким хиёнатдан сўнг яшади шод
Кўзинг оч, муқаддас тупроғинга боқ.

Пуллаб бўларканми онанинг қабрин,
Ким ахир отасин мозорин сотар.
Тиллога алишмам Ватаним гардин
Ахир бунда менинг борлигим ётар.

Қон кетса кетару сени асрайман,
Жон кетса кетару сени асрайман.
Муқаддас саждагоҳ мен учун Ватан
У борки, эл билан мен ҳам яшайман.

Тангри нигоҳидан яшнаган чаман,
Жаннатни эслатар суратинг, Ватан.
Кўҳна ҳикматлардан мен нур ичаман
Фозиллар бешиги сийратинг, Ватан.

Ёв нигоҳ ташлама бу юртга, ғаним,
Эрким, истиқлолим, бу менинг шаъним.
Азиз Ўзбекистон дунёда тенгсиз
Бу менинг Ватаним, менинг Ватаним!

2007



ҚАЙДА БЎЛСАК БИЗНИ АСРАР ДУОЛАРИНГ

Андижоним- кўзларимда кулган дунём,
Нечун сенга талпинмайин, сиғинмайин?
Қайга борсам юрагимда чўғдай армон,
Нега илдиз отган жойим соғинмайин?!

Минг йилларки оқиб ётар Қорадарё,
Сувларида ялпизларнинг ифорлари.
Мажнунтоллар нигоҳида ўйчан ҳаё,
Қизгалдоққа сир айтади баҳорлари.

Йироқ кетса бағри ўртаб сабот билан,
Дийдор истар умид билан собирлари.
Шоҳ эрса-да ёлғиз қолгач қалам билан,
Андижон деб бўзлаб ётар Бобурлари.

Тун маъвоси каби тўлқин-тўлқин сочлар...
Ёрқин бир нур сўнганини эслаб дойим.
Андижоним то қиёмат ингранасан,
Кечалари йиғлаб келса Моҳларойим!

Ҳар юлдузнинг қисматида сўнмоқ бордир,
Бунча кўпдир шоир аҳлин ўлпонлари.
Ватан меҳрин туйганинда қалбда мудом,
Юрагинга кириб келар Чўлпонлари.

Боғишамол Бобур руҳи кезган макон,
Адирларда уйғоқ сабо, еллар ҳалак.
Кузда кетган қушлар баҳор қайтар тайин,
Қайтмас бўлиб кетди қанча шоир юрак.

Вафо туғин юрагида маҳкам тутиб,
Қаноатда, садоқатда бир ёр кетди.
Қилча жисм, филча сабру бардош билан
Саидалар бу дунёдан зор-зор ўтди.

Марҳаматдан нур таралди Шошга томон,
Муҳаммадга ўлан айтди ҳур қизлари.
Юрак ўртар, эҳ, бу тақдир қўймай
Қўлларидадан ушлаб кетди ялпизлари.

Соғинганда йўқлар диллар маконини,
Соғинмасдан, ўртанмасдан яшолмас жон.
Қайда бўлсин фарзандларинг бор шонини,
Пойинг узра тўкажақлар, эй Андижон.

Эътиборинг, ҳар тонг сендан мужда кутар,
Жоним дейди ҳар дам Шукур Қурбонларинг.
Улар сенсиз бир зум ором ололмаслар,
Ахир улар зарраларинг, жон жонларинг.

Анжон деса нур ўйнарди кўзларида,
Замира-ю Мукаррама Муродларинг.
Юрагингдан унган қизил гул эдилар,
Кўҳна Шошда янграб қолган баётларинг.

Усмонларинг, шошқоқ йўлчи каби кетди,
Шеър ишқида сўлди охир шайдо юрак.
Илм билан шеърга жонни тика-тика
Қайтмас бўлиб кетди ўғлинг шоир Тўлак.

Сен-чи сен, гоҳ фарзандларинг эсламадинг,
Гоҳ қон йиғлаб чорласа-да йўқламадинг,
Биламан мен, аммо тунлар мижжа қоқмай,
Ҳар бирини эслаб-ўйлаб ухламадинг.

Сен – Ватаннинг кўзидаги бир нур чирой,
Элга ибрат, элга шондир бўстонларинг.
Шоир юртим, пешонангдан томган терлар,
Ватан меҳрин туйиб битган дostonларинг.

Бағрингдаги чечакларинг бўлсин омон,
Олимжону, Тўлан Низом, Фарид Усмон.
Қамчибегу, Хуршида-ю Набиларинг,
Сўзи шамшир, бош устингда доим посбон.

Забони гул, сўзи сўзон, сўзи малҳам,
Турсунойу Замира-ю Ҳалимаси.
Шеър айтсалар кўқда шайдо ҳатто ой ҳам,
Муҳаббатдан, садоқатдан калимаси.

Ул Муҳаммад Али каби туморларинг,
Абдунаби, Шодмонбекдек хуморларинг,
Назиржону, жаҳонгашта Зокир Машраб –
Булар сенинг бағрингдаги чинорларинг.

Андижоним, отам ўзинг, онам ўзинг,
Жонни ўртар гар ун чексанг нидоларинг.
Бизлар олим, муаллимми ва шоир,
Қайда бўлсак бизни асрар дуоларинг!

2007



ҲАЙРАТ

Толе куши қўнмиш, наҳот,
Чинми... ажаб бошимга?
Гул ташлаган ким у менинг,
Дарё бўлган ёшимга?!

РУҲ

Чидайсан, дўстларинг қилса хиёнат,
Кўтариб яшарсан дилда ранжини.
Севгидан топмасанг магар ҳимоят,
Бир куни юварсан алам зангини.

Чидайсан, хорликка, ғаму-армонга,
Чидайсан, жисмингда уйғонган дардга.
Шундай қисмат гоҳо ёрдир инсонга,
Ёлчирсан бегумон бирор ҳамдардга.

Чидарсан, қалб гулинг сўлса фироқдан,
Чидарсан, бир куни тинса шуқуҳинг.
Айрилсанг Ҳақ берган ёлғиз чироқдан –
Вужуддан норизо яшаса руҳинг,
Чидай оласанми...

2007

ШОИР

Шухрат деб яшамас асли чин шоир
Ҳақиқат излайди, дардларга дармон.
Дунёда биргина бахтсиз бўлса ҳам,
Беором шоирнинг дилида армон.

Бир шоир кўнглида қанча дард-қайғу,
Ажиб ҳол, эл учун бағрин тигласа –
Шухратга бурканар экан, у шундан,
Эътибор тортаркан, дилдан йиғласа...

2007

ОДАМЗОТ

Иймон нелигини,
Унутган бир зот.
Иймонсиз деб сўкар
Шогирдин бот-бот.
Ажаб, ўз толиби
Тортса ўзига,
Яна нени истар
Гумроҳ одамзот?!

2007

ТАВБА

Зангор замин қўйнида,
Мен ҳам эдим навнихол.
Тугилса дердим фақат,
Ҳар шохимда мева бол.

Пок эди орзу ўйлар,
Пок эди юрак-жисмим.
Қўшиқ бўлиб кетарди,
Гуллар тилида исмим.

Ажаб, умр отини,
Қамчилаб шошар экан.
Савоб қилиб улгурмай,
Нуқсонинг ошар экан.

Бўрон каби оҳларим,
Шамолдан енгилади.
Энди эса шохларим,
Гуноҳдан эгилади.

2007

ХОТИРА

Кўнгил дафтаримни тинмай вароқлаб,
Нечун, ўз ҳолимга қўймайсан сира.
Қачонгача юргунг юрагим боғлаб,
Қайга яширинай сендан, хотира?!

БАРГИ ХАЗОНЛАР

Қандай гўзал эди, бу боғлар гўзал,
Қандай ҳилпирарди, яшил япроқлар.
Табиат ҳукмими бу қазо азал,
Кузак юрагимга солур титроқлар.
Ўтдими яшнаган энг ажиб онлар,
Дунёга алвидо айтар хазонлар!

Барги хазонлар, барги хазонлар,
Сизнинг қисматингиз юрагим доғлар.
Эй сўнги япроқлар, ўтдими у чоғлар,
Менинг юрагимдек ғариб бу боғлар...

Тақдир қуюнидек кузак шамоли
Заъфарон баргларга этмайди шафқат.
Қалбимни ўртайди ҳар барг заволи,
О ҳаёт, бунчалар ҳукминг бешафқат.

Умрим дарахтига кўз ташла, эй дўст,
Йиллар армонида куйиб – ёнурман.
Баҳорлар бағрига йўл бошла, эй дўст,
Йўкса бу боғларда мангу қолурман.
Ўтдими яшнаган энг гўзал чоғлар,
Дилдан учяптми барги хазонлар...

Барги хазонлар, барги хазонлар,
Сиз-ла кетяптими, энг гўзал чоғлар.
Барги хазонлар, барги хазонлар.
Йўқ, ҳали кўксимда гуллайди боғлар...

2007

ҲАЗИР БЎЛ

Қўрқма, оғзи қийшиқ бўлса у зотдан,
Демокдалар: уни жин чалган эмиш.
Сен қўрқгил нияти эгри у ётдан,
Қандай мақсад билан қошингга келмиш.

Қисмат қаро кунни кўрмасин раво,
Номардларга асло кунинг қолмасин.
Жин чалса вақт ўтиб топарсан даво,
Ҳазир бўл, ҳазир бўл, инсон чалмасин.

2007



ГУЛ СЕҲРИ

Ў...ра

Ҳиндлар эзгуликни, одамийликни унутган, дили ҳасад ва кибрдан кирланган кимсаларга дардга чалинган бемор сифатида қараб яхшилик билан даволашар, то ўнглан-гунича ҳар куни, ҳар томондан яхши ниятда тузалиб кетинг, дея гул тақдим қилишар экан.

Ҳаққа айтурман ўтинчим,
Ором йўқ, йўқолди тинчим,
Ёмонликка яхшилик қилмоқ,
Бу менинг инсоний бурчим.
Озорингиз унутаман,
Мен ҳам сизга гул тутаман.

Кўнглингиз обод бўлгунча,
Ҳасад, кин барбод бўлгунча,
Зулматга асир жисмингиз,
Яна нурларга тўлгунча.
Ғазабим ичга ютаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Кўзингиздан риё кетгунча,
Қалбингизга ҳаё етгунча,
Юрагингиз меҳробида
Эзгулик шуъла сочгунча,
Ёмонлик тилаб нетаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Тош отсангиз гулим тайёр,
Бахт тилашга тилим тайёр,
Майли жарохат етказинг,
Қаршингизда дилим тайёр,
Бир чўғ излаб кул титаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Ювай қалбингиз зангини,
Кўнглингиз топсин рангини.
Мусаффо қалб ойнасидан
Артайлик риё чангини.
Маили фаррошдек ўтаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Ҳаёт бу бир онлик сайр,
Кимларни кўрган бу дайр?!
Яхшилик қолса дунёда,
Ундан руҳ топгайдир хайр.
Мудрабсиз, бироз туртаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Кўзингизга нурлар қайтсин,
Тилингизга дурлар қайтсин.
Тикон санчиб не топасиз,
Йўлингизга гуллар қайтсин.
Учратмасам ўкинман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Пок эди асли, аслингиз,
Бардавом бўлсин наслингиз,
Тавба денг, қалбингиз поклаб,
Кимгадир урмай касрингиз.
Озорларни унутаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Ёмонликдан дил куяди,
Азиз умр, йил куяди,
Гулимни қўлга олсангиз,
Дилингиз роҳат туяди.
Яхшилик унган юртда ман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Иймонсиз яшаб бўлмайди,
Виждонсиз яшаб бўлмайди,
Уларсиз қандай яшайсиз
Уларсиз кўнгил тўлмайди.

Қалбингизни уйғотаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Киноя деб билманг сўзим,
Меҳр билан боқар кўзим,
Виждоним амрин бажардим,
Яхшилик қилай деб ўзим.
Дардларим ичга ютаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Туним зикр билан ўтар,
Куним зикр билан ўтар,
Худо хоҳлаб шифо топсангиз,
Умрим шукр билан ўтар.
Бир кун ниятга етаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Тош отсангиз бошим ёрар,
Ва ё келиб қошим ёрар.
Шунда ҳам гулим қўлимда
Олинг деб қалбим ёлворар.
Жароҳатни унутаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Қарғай десам тилим бормас,
Разилликка дилим бормас.
Номардлардан панд есам ҳам
Номардлик мен учун ёрмас.
Дунёдан шундай ўтаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Кун-тун қилурман илтижо,
Тилагим айласин бажо.
Нафс кўйида инсонликдан
Қалбингиз этмасин жудо.
Йўлингиз пойлаб етаман,
Гул тутаман, гул тутаман.

Яратгандан сўрорим шул,
Эзгуликка ярорим шул.
Аслингизга қайтмагунча
Гул тутаман, қарорим шул!
Ўшал кун келишин кутаман,
Сизга Ҳақдин сиҳат тилаб
Гул тутаман, гул тутаман!

2007



ЁШЛИКНИ ҚЎМСАР ДИЛ

Баҳорлар қалбимга тўшарди гуллар
Қайда у баҳорий нишонлар қани.

Кетдими дилдан ишқ, тиндими бўрон,
Юракка сиғмаган тўфонлар қани.

Тунлари юлдузу ойга дил очган
Сўнг ёр-ла аҳдлашган паймонлар қани.

Гулзорлар ичидан гул излар кўзим
Гулларни яширган бўстонлар қани.

Ҳар кеча дафтарим бағрин қон қилган
Дафтарга сиғмаган дostonлар қани.

У ифор бўйлари кетмас димоғдан
Райҳонга бўй берган райҳонлар қани.

Кўнглимни бошқара олмай ҳайқирган
Феълимга зеб бўлган нуқсонлар қани.

Бир кўз ташласа вужуд чўғ бўлган
Оламга сиғмаган туғёнлар қани.

Бир пайтлар девона Мажнун дердилар
Оҳ дўстлар, у ажиб унвонлар қани.

2007

**КЎКСИМГА ЯШИРДИМ
БИР ДИЛ СУРАТИН**

Бекор совурмадим мунис йилларни
Таскин бор, эртадан сал кўнгил тўқдир.
Тонгга ошно этдим қанча дилларни
Йилларнинг олдида гуноҳим йўқдур.

Гоҳ ҳилол, юлдузлар билан тонг қадар,
Сухбатлар қурардик, учган вақт – ўқдир.
Кўнглимга нақш солиб кетган жилвагар,
Тунларнинг олдида гуноҳим йўқдур.

Тақдирга йўярлар ҳар дил қисматин,
Энди у гуллар ҳам, гулзор ҳам йўқдур,
Кўксимга яширдим бир дил суратин,
Гулларнинг олдида гуноҳим йўқдур!

2008



ТАНОВОР

Мозийдан бир садо келар кўп замон,
У бир булоқ суви, сеҳрли ҳамон.
У бордир миллат ҳам, Ватан ҳам омон,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

Жисмимда очилур тарих китоби,
Олис аждодларнинг ўтлиғ хитоби,
Муסיқа оламин ажиб офтоби,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

Юрак титроқ тордай нидолар қилар,
Оҳанг кўнгилларга видолар қилар,
Неча бағирларни адолар қилар,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

Ҳар ўзбек юрагин ғами-ю, оҳи,
Торни ҳам титратиб йиғлатар гоҳи,
Мукаррамахоним мангу ҳамроҳи,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

Ўйнасанг юрак ҳам ўйнар танингда,
Олис аждодларинг куйлар қонингда,
Элим, шундай улуғ неъмат жонингда,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

Миллат қўшиғи бу, кўнгил қўшиғи,
Бедард юракларга санчилур тиғи,
Кулиб ўйнасанг-да, бўғзингда йиғи,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

Дилларга бундан зўр ҳамроҳ бўлмағай,
Дунё бор эканки бу гул сўлмағай,
Бундай санъати бор миллат ўлмағай,
Тановор бу, тановор бу, тановор!

2008

БАҲОРЛАР ИФОРИ ДИЛИМДАН КЕЛАР

* * *

Офтоб эрсам у учун тушар эдим тахтимдан,
Шамол эрсам у учун тушар эдим шахдимдан,
Пойида гар ит каби умидвор ётар бўлсам,
Сен нени ҳам англардинг, эй гофил, бу бахтимдан!

* * *

Бунда ялпизларнинг ифори бир шеър,
Бунда шаббодалар дутори бир шеър,
Висолли тунлар-чи, газалу дoston...
Бунда ошиқларнинг наҳори бир шеър.

* * *

Ишққа мисол этсам сени, мисолдан-да ўзинг ширин,
Оқшом хаёл қилсам сени, хаёлдан-да ўзинг ширин,
Бу дунёда бундан тотли, билмам, қандай неъмат
бордир?!
Қулоғимга шивирлаган ялпиз бўйли сўзинг ширин.

* * *

Кулгунгдан таралган наволар ўша,
Бўғзимга тиқилган ҳаволар ўша,
Яна дил дарчамни чертиб келдингми,
Сочингдан таралган саболар ўша...

* * *

Кўнглим, яна мендан кўнглинг қолдими,
Соғинчим бағрингга титроқ солдими,
Кетган қалдирғочин топмай ҳисларим,
Яна ҳузурингга йиғлаб бордими?!

* * *

Боқсам тўйиб юзингга нурли қуёш кўринди,
Кўнглим очсам, кўнглинг йўқ, юрагинг тош кўринди.
Англолмадим бир ҳолни, нечун кетаман десам,
Киприкларинг яширган кўзингда ёш кўринди.

* * *

Тоғдан эсан шаббода ифорлари ўзгача,
Ошиқ дилнинг дунёда баҳорлари ўзгача,
Совуқ симли бу чолғу қайси бедард дилники?!
Ошиқ аҳлин қўшиғи, дуторлари ўзгача...

* * *

Ошиқ агар оҳ тортар, ул нола вола бўлғай,
Хаттот агар битмишдур, вола рисола бўлғай,
Ишқ шаробин ичгали қадаҳ излама, эй дил,
Дилбар лабидаги ул лола пиёла бўлғай.

* * *

Беғубор хаёллар – ифорли ялпиз
Кўнглимни эзади бағр тошларим.
Ялпизли кунларга қайтолмам, эссиз,
Ялпизлар баргида қолди ёшларим.

* * *

Гарчи парвонадек куйсам-да севдим,
Бироқ у қуёшга етмади шахдим.
Иқболим кўклардан излаб юрибман,
Ёнимда турганин сезмабман бахтим.

* * *

Ишқ йўлида Мажнун бўлиб ўтганлар бор,
Бол ўрнига ҳажр захрин тотганлар бор.
Қор остидан гул изласам нима бўпти,
Аёзда ҳам баҳорини кутганлар бор.

* * *

Кўзим кўзингга тушди, дил гўё хитоб қилди
Гулни кўрган булбулдай лабларим шитоб қилди,
Битганларим, арзларим, ўтинч муножотимдир,
Қалб ношири уларни сен учун китоб қилди.

* * *

Мени адо қилди лола яноқлар
Лабим сийпалади ул гул япроқлар,
Сенинг сочларингни тўзғитган шамол,
Асли юрагимдан чиққан титроқлар.

* * *

Бошимга кийдирдинг, ё раб, ишқ тожин,
Қалб билан тўладим унинг хирожин,
Хижрон гулханида ёнганим ёнган,
Бу тожни киймасдим, топсам иложин.

Бағримни пора қилди сочларингнинг толаси,
Сўзламоққа журъат йўқ, дилимда истиҳола.
Лабларингга битилган оятни ўқисайдим,
Кипригим-ла битардим ишқ деган бир рисола.

2008

БИЗНИ УНУТДИ


Нетай дил, бизларни ул моҳ унутди,
Кўнгил кўп талпинган нигоҳ унутди.

Бу кун ғофилликка солиб ўзини,
Дарду дунёмиздан огоҳ унутди.

Кўнгил мутрибининг синдими сози,
Созни-да дугоҳу сеғоҳ унутди.

Уни севиш, эй дил, гуноҳ бўлса гар,
Не тонг, гуноҳқорин гуноҳ унутди.

2008



ЁҒАЁТГАН ОППОҚ ҚОРЛАР ТИНДИМИ

Юрагимга қор парчалар кўнганди,
Қор остида бойчечаклар унганди,
Кипригимга пок зарралар инганди,
Кўнгил чалган ишқ рубоби синдими,
Ёғаетган оппоқ қорлар тиндими?

Гарчи офтоб кўринмас кўп самода,
Лекин тафти юракдаги маъвода,
Юпанч йўқдур севги деган самода
Айгил эй ёр, ишқ рубоби синдими,
Ёғаетган оппоқ қорлар тиндими?

Оппоқ эди гўё бу жумла жаҳон,
Ҳар заррадан ўқир эдим бир дoston,
Наҳот эриб кетса бу оппоқ бўстон,
Кўнгил чалган ишқ рубоби синдими,
Ёғаетган оппоқ қорлар тиндими?

Қор парчалар ошиқ қалбим ёғдуси,
Оёғингни ўпиб йўлда қолғуси,
Эриса ҳам юрагингга томғуси
Айтгил эй ёр, ишқ рубоби синдими,
Ёғаетган оппоқ қорлар тиндими?

2008

ЖАННАТ ЮРТИМ

Бу дунёда умидвор ҳар дил,
Дуо бирла қилуркан ният.
Жаннатингдан жой бергил, тангрим
Ором топай, дейди абадият.

У билмас лек, кўқдами, қайда
Орзулаган жаннат боғлари.
Сув ўрнига шарбатлар оққан,
Чаманзорлар, беҳишт тоғлари.

Йўқ, куфр деб атаманг сўзим,
Ҳақ ваъдасин этмасман инкор.
Шукрим дилда, юртимга боқиб,
Заминда ҳам дейман жаннат бор.

Бошланар-ку қалбдан ободлик,
Эзгуликнинг чўғи юракдан.
Бунда элнинг ҳаёти тотлик,
Жаннат файзи ёғар фалақдан.

Меҳнат билан ризқ топар ҳамдам,
Ҳаётидан мамнун, кўнгли тўқ.
Риёкору юртфурушларга,
Бузғунчига бунда ўрин йўқ.

Мағрур, озод яшар эл – улус,
Ўзига бек, ўзига хондир.
Ёвларин маҳв этолган жасур,
Боболари жаннатмакондир.

Лафзи ҳалол, юртига қалқон
Мардларининг қадди адл, тик.
Тўрт фаслки, тўхтовсиз гуллаб,
Яхшилиқдан унар яхшилиқ.

Ҳеч манзилда бахт топмас тайин,
Жаҳолатга асир бўлган жон.
Жаннатни ҳам обод этгайдир
Юртин жаннат этолган инсон!

2008

ҲАЁТ ГЎЗАЛ

Эй дил, шошма,
Ҳали эрта, билсанг видога.
Умид билан, қўлларингни,
Очгил дуога.
Ҳаёт гўзал, дўстлар сари
Талпиниб яша.
Қолганини қўйиб бергил,
Ёлғиз худога!



КЎНГИЛ ДОСТОНИНИ БИРГА БИТАЙЛИК

Умр йўлдошим Муаззамхонга

Азизам, қалбимга гул эккан гулим,
Сен борсан мунаввар, муаттар дилим,
Сабзадай кўкарсин ҳар лаҳзам, йилим
Мурод гулзорини райҳон этайлик.

Дард чексам бош узра парвонам ўзинг,
Кўзимда неки бор ўқийди кўзинг,
Сездим, меҳрдан ҳам ортиқроқ сўзинг
Давру давронларга бирга етайлик.

Қисмат менга, билсанг, кўп озор берди,
Гоҳи кўкламда ҳам совуқ қор берди,
Шукр, тўрт фаслимга бир баҳор берди,
Кўнгил достонини бирга битайлик.

Фарзандлар ҳар бири қалбинг пораси,
Оқармиш қанчалар сочинг толаси,
Кўзимда асраган кўзим қораси,
Энди юракларни гулга ўрайлик.

Тўртта қиз ўстирган жаннатий дерлар,
Оллоҳ ўғил берди, қутлади еллар,
Дур бўлсин болам деб, сен тўккан терлар,
Фарзандлар камолин бирга кўрайлик.

Ёшлик экан, кўнгил шаробин тотдим,
Гоҳ ўзни англадим, гоҳи йўқотдим,
Ва охир меҳрингдан муҳаббат топдим,
Умр йўлларига меҳр тўшайлик.

Токи дилдан кетсин йиллар армони,
Юлдузларга тўлсин кўнгил осмони,
Бизлар ҳам дунёнинг ахир меҳмони,
Меҳмондай мўътабар бўлиб яшайлик...

2009

ЯЛПИЗИНГ ҲИДЛАСАМ, ДИЛ ҚУВВАТ ОЛАР

* * *

Ватан, номинг шивирлаб, танга гўё жон кирар,
Юзингга юзим боссам, босилар қалб титроғим.
Отамга то қиёмат кўрпа бўлган ўзингсан,
Онамга болиш бўлган, сен, мўътабар тупроғим.

* * *

Гар дилларга гул эксанг, сен битган чаман қолар,
Вақт қазо етса агар, на учқур саман қолар,
Сен Ватаннинг тилида янгроқ сўздай жарангла,
Инсон умри муваққат, бир мангу Ватан қолар.

* * *

Истиқлол нелигин англамоқ бўлсанг,
Сенга чин юракдан айтар сўзим шул:
Озод юртга Чўлпон бўлиб назар сол,
Боту бўлиб севин, Элбек бўлиб қул!

* * *

Офтобнинг меҳридан тафт олган эл бу,
Шамоллар сеҳридан шахд олган эл бу,
Нурдек пок, сув каби тиниқ қалб билан,
Тангридан абадий бахт олган эл бу.

* * *

Нечун бу ўлкада ўчмаган чироқ,
Мардларин қалбидан ғофиллик йироқ,
Ватанни асраш чун сарбозлик шартмас,
Оддий бир қўйчивон эди-ку Широқ!

* * *

Бу диёрни кўклам кезган чоғ,
Гўё дейсан Эрам боғлари.
Жаннат исмин шивирлаб ётар,
Қирлардаги қизғалдоқлари.

* * *

Ялпизинг ҳидласам, дил қувват олар,
Гулзорингга боқиб дилим ранг олар.
Югурик сув каби бағринга сингсам,
Қизғалдоқ баргида сўзларим қолар.

* * *

Ўкинма, номардлар олддан келмайди,
Ортингдан санчади тигин куракка.
Ҳарчанд ўткир бўлсин, ханжари ўтмас
Ватанин астойдил севган юракка.

* * *

Тоғларга боқсам деди: Қаддингни баланд тутгил,
Боғларга боқсам деди: Шакардек мева битгил,
Минорларга юзлансам, улардан садо чиқди:
«Ватанни севгил!» деган қутлуғ бир дуо чиқди.

* * *

Кўкарсам бағрингда гулбоғинг бўлиб
Ҳеч бўлмаса битта бутоғинг бўлиб,
Энг катта бахтим шул, бир кун тўкилсам
Пойингга, бир сиқим тупроғинг бўлиб...

2003-2011

ШУКРОНА

Минг шукр дейман тангрига
Сенинг бағринг Ватан қилди.
Бош эгурман Хақ амрига
Шоир дилим саман қилди.

Қайда бўлмай фикру ёдим,
Сенда бўлур, сенингдур жон.
Не олсам мен сендан олдим,
Омонатингман, Андижон!

Сенингдин Ҳиндга эсан ел
Дармон ўлди Бобурингга.
Сенинг бағрингда ётмоқлик
Армон ўлди Бобурингга.

Билмам, Чўлпон сенга етмай,
Қаерларда ётур бўзлаб.
Муҳаммад етди бағрингга
Қизғалдоққа ўлан сўйлаб.

Бу дил, вужуд, бу бор жисмим
Сенинг бир сиқим тупроғинг.
Сен бир чинор эсанг, бизлар
Сенинг шохингда япроғинг.

Кўқарсак гар сенинг меҳринг
Бизга оби ҳаёт бергай.
Шеър айтсак гар сенинг сеҳринг
Кўнгилга бир баёт бергай.

Ишон, бир кун умид улки
Сенинг бағрингга боргаймиз.
Ва ё ялпиз, ва ё сабза,
Сенинг бағрингда қолгаймиз.


2011

ҲАСРАТ

Сизга талпинганим рост,
Соғинганим-ҳақиқат.
Кўзимга боқиб туриб,
Алдаманг мени фақат.

Не қилай, била туриб
Алданишдан толиқдим.
Ёлғон ҳамдард жуда кўп,
Чин бир дўстга зориқдим...

2012



ОБОД МАНЗИЛЛАР

Не бахт, озов кўнгил ила озов бўлди юрт,
Не бахт, обод кўнгил ила обод бўлди юрт,
Элим, деган ҳар юракда бунёд бўлди юрт,
Шукрим тилда, хушниятдан унган бу гуллар-
Қайга бормай кўз ўнгимда обод манзиллар.

Куёш кучоқ очган юрт бу азиз, мўтабар,
Қишлоқлари шаҳарларга тенгу баробар,
Саболарин тилларида ҳар тонг хушхабар,
Шукрим тилда, боғларидан кетмас булбуллар,
Қайга бормай кўз ўнгимда обод манзиллар.

Пахтасидай кўнгли пок эл, бахтга харидор,
Бир тарафи буғдойзору, бир тараф гулзор,
Ободликни шиор этган муаззам диёр,
Шукрим тилда, чароғондир оқшомлар, тунлар,
Қайга бормай кўз ўнгимда обод манзиллар.

Аждодларин руҳларин шод этолган авлод,
Ҳар қадамда фарзандлари унга қўшқанот,
Бунёдкордир, ҳар дам ёрдир матонат, сабот,
Шукрим тилда, осмонида йўқдир тутунлар,
Қайга бормай кўз ўнгимда обод манзиллар.

Илтижо қил, мудом эй дўст, толе ёр бўлсин,
Бу чаманда тинчлик доим барқарор бўлсин,
Ўзбекистон – она диёр, қаддин тиклаган –
Буюк қалбли фидолари соғ-омон бўлсин.
Шукрим тилда, бизга Ҳақдан инъом бу кунлар,
Қайга бормай кўз ўнгимда обод манзиллар...

2014

ИЛК ШЕЪРЛАР



Ойна фермуламан, кўнрик устиида
Шузлалар обқолаф заёлларимни.
Сувларга оқидоқ қилиб ташлайман,
Илк шеврим ёзилган дафтарларимни.

ОРЗУ

Манзил йирок, лекин умидлар,
Кетгани йўқ ҳали дилимдан.
Булбулларга сирдош тутинсам,
Ризо бўлсам юрган йўлимдан.

Замин севса, кел ўғлим, дея
Мен ҳам масрур, муродга етсам.
Бир қизғалдоқ кўлини ушлаб
Мангуликка бош олиб кетсам.

1982

ОЙДИН КЕЧАЛАР

Ойга термуламан, кўприк устида
Шуълалар обқочар ҳаёлларимни.
Сувларга оқизоқ қилиб ташлайман,
Илк шеърим ёзилган дафтарларимни.

Ортидан қўл силкиб қоламан узоқ,
Уйғонар дилдаги ҳисларим бутун.
Ўн етти ёшимга қўйганча тузоқ,
Кўприкнинг устига ой тушар шу тун...

1982

ДАФТАРИМНИ БЕЗАР ЮЛДУЗЛАР

I

Энтикади бу кун кенг замин,
Энтикади интиқ чечаклар.
Бошларига кўтариб қишни,
Кулиб чиқар тўп бойчечаклар.

Мажнунтолнинг сочларин ўриб
Фир-фир эсар парвона еллар.
Дафтаримга юзини босиб,
Пичирлайди сен учун шеърлар...

II

Шеърларимнинг бари бир қизга,
Нигоҳидан тўкилар гуллар.
Қаламимга айтсам соғинчим,
Дафтаримни безар юлдузлар.

Шеърларимнинг бари бир қизга,
«Келарми...» деб кўзин ёшлаган.
Соғинчларин қирқ кокилига,
Пилик қилиб ўра бошлаган.

Шеърларимнинг бари бир қизга,
Сирларимни айтсайдим, ёлғиз.
Юрагимни асир этди-я,
Юрагидан чиқмасдан шу қиз...

Шеърларимнинг бари бир қизга,
Шоирлигим сабаби, шу қиз.
Эй саболар, кўча-кўйларда,
Севишимни айтиб юрманг сиз.

Шеърларимнинг бари бир қизга...

БАҲОРНИ КУТИБ

Кун ҳам ўтди, мўъжизадан йўқ дарак,
Ҳамон ўша, бедор дилли боламан.
Кўзларимдан учиб кетди ой-малак,
Бу тун яна ёлғизлик-ла қоламан.

Эй сен ҳаёт, умид гулин яшириб,
Армонларга ёр қилдин-га кўп мани?
Гул бағримни тиконларинг тилди-я
Офтоб, менга атаганинг – кун қани?

Сўзлар учун қалбим қилдим поёндоз,
Соғинчлардан байтлар битдим кўзимга.
Шеър дедиму сўнгғимлаб ташладим,
Яна олов чўғ солди сўз бўғзимга...

Олисларга тикиламан, дилимда-
Шукрим бордир, дуоғўйим онам бор.
Кўнглим билан оқ қоғоз ўртасида.
Иккимизни бедор қилган қалам бор.

Анжон десам, гоҳ кечалар ҳол сўраб –
Боболарим руҳларими, йўқлаган?
Кўҳна Шошда бошпанасиз тентираб
Юрганларим шу шеър яна оқлаган!

Бардош гоҳо етмай қолар, кўзимга,
Зулмат мисол кўринса ҳам тор олам.
Юпатаман ваъда бериб ўзимга,
«Менинг шеърим яратажак бор олам!»

У оламини кўзларимда яратгум,
У оламини сўзларимда яратгум.
У оламнинг ҳижронлари ўзгача,
Куйлаганим ўша, қаро кўзгача...

Тасалли ҳам, ҳамдард дўстга ўхшайди,
Бир кун бағрин очажакдир тор олам.
Дилим ҳамон, баҳор кутиб яшайди:
«Менинг шеърим яратажак бор олам!»

1990

ҚИШЛОҚ ТОНГИ

Қайгадир шошилар анҳор тўла сув,
Мажнунтол соч ювар ором не билмай.
Булбулни туш кўрар қизил гул-сулув,
Райҳонлар шеър ўқир бедор, ухламай.

Юлдузлар маҳлиё бўлиб аксига
Кўзларин қисади анҳорга боқиб.
Саболар соз чалар гуллар рақсига
Булбуллар дилида рашк ўтин ёқиб.

Кўзларин ишқалар уйқуга тўймай,
Тун бўйи тўлғониб чиққан ялпизлар.
Қалбидан учириб орзуларини,
Айвонда жилмайиб ухлайди қизлар.

Теракнинг шохида ғуррак ғуриллаб
Офтобни чақирар кўзлари кулиб.
Чинорнинг шохида мизғиган шамол,
Тупроқ кўча бўйлаб кетар югуриб.

Атиргул шохидан узганим гунча,
Ариқда хушлашиб кетади оқиб.
Қўшни қиз қўлида қаймоқ кўтариб
Субҳидам чиқади шу гулни тақиб...

1990

ШАҲРИМ КЎЧАЛАРИ

Андижонда тонгги елларнинг
Шивирлари шеърга ўхшайди.
Субҳидамда гулдаги шудринг,
Деҳқон тўккан терга ўхшайди.

Ҳар бир гўша бир боғу бўстон –
Чечаклари иболи, орли.
Мажнунтоллар ҳар бири дoston,
Ошиқларин қалби баҳорли.

Қулочингиз етмайди асло
Йўл четида мағрур чинорлар.
Кўчаларда тўнин барини
Ҳандалакка тўлдирган чоллар.

Узумбозор чойхонасида
Ўтирсангиз қаймоқ тотирга.
Оталарнинг суҳбатларидан
Кимлигингиз келар хотирга.

1983

ОЙГА БОҚИБ ЭРКАЛАНАР ДИЛ

Рубобимда бир қуш ўлтирар,
Торларимга умид-ла боқиб.
Хурлар менга гулоб ичирар,
Бу дунёни кўзимда ёқиб.

Андухларни унутамаман зум,
Бир кўшк сари бошлар ғунчалар.
Рухим зулфин қоққан қасрнинг,
Дарвозаси аста очилар.

Хур малаклар торларин созлар
Мен кўнглимни қўшиққа солгум.
Тандан куйдек учади руҳим,
Куйлаётган боғларга боргум...

Кашта тикар оппоқ атиргул,
Тиззасида япроқ-кўк шойи.
Ойга боқиб эркаланар дил:
«Келинингиз шу... бўлур ойи!»

1983

ОНАЛАРГА ЎХШАРКАН БАҲОР

Офтоб мисли доя момодек,
Дарахтларнинг муродин тилар.
...Куртакларнинг йўргаги ичра,
Чақалдоқдек ғунчалар кулар.

Ўйларканман шуларни доим,
Бир ҳикматни айларман такрор:
«Бу дунёни давомли этган
Оналарга ўхшаркан баҳор!»

1984

177

ТУН СЕҲРИ

Ярим тун, юлдузлар салтанатида,
Тўлин ой ўн беш кун яна меҳмондир.
У кезар самони кумуш отида
Бу кеча, кечамас, шаффоф бир тонгдир.

Чимилдиқ сингари абрлар энди,
Бир четга йиғилиб сураар хаёллар.
Ўланчи қушларнинг чуғури тинди
Бешиқни қучганча ухлар аёллар.

Тун оқшом бир-бирга розини айтган
Диллар ҳам кетдилар ёнма-ён хушҳол.
Неки бор дунёда уйига қайтган,
Ҳаттоки қайдадир оромда шамол.

Тўлин ой тун бўйи кўқда ўлтириб
Тонг чоғи чўчибми, ёлғиз қолгани.
Пахтазор ичида бўш бир жой кўриб,
Чаноққа бош қўйди ором олгани...

1986

КУЙГАНЁР

Андижонда шундай қишлоқ бор.

Куйганёру, Куйганёр, шунда кўнглим суйган ёр,
Куйганёру Куйганёр, билмам, кимни суйган ёр.

Кетолмадим боғ оша, гуллар тўсди йўлимни.
Ўраб олди юлдузлар, менинг ўнгу сўлимни.

Муҳаббатга бош эгиб, унутдим бор дунёни.
Сирдошига айландим, ўша Қорадарёни.

Кутдим, кўнглим кўзига, ёш келди, ёр келмади.
Сомон йўли-бу қишлоқ бир юлдузин бермади.

Куйганёрда ёр кутдим-ей, Куйганёрда куйиб мен.
Куйганёрдан кетолмадим, куйдирганим суйиб мен...

1989

ҲАМАЛ

Руҳим кўзасидан қуйилар аста,
Қақраган қалбларга зилол туйғулар.
Куртаклар аёз-ла курашар хаста,
Кўлларин мушт тугиб уйғонар улар.

Ариқлар юзидан юлар чимматин,
Чумоли карвони-тубсиз ўйларим,
Тупроқнинг дардини қиламан қўшиқ,
Баҳорни чорлайди менинг куйларим...

1989

БҮ КҮН
КҮНҒИЛДАҢ
ШИҒИҶ



Жаннат орзулаган жон, Хақ берди сенга имкон,
Бехишдан каммас инон, давролар бұлақладир.
Ғазал айтсанг, тоғи кулар, қора қоғи шом кулар,
Хақ байлиги бахтдан унар, девонлар бұлақладир.

ЁРУФ КУНЛАР САОДАТИ

Бу кун, кўнгилдай тиниқ, осмонлар бўлакчадир,
Кўздаги киприк мисол, посбонлар бўлакчадир.

Пок ниятдан туғилган пойдор оппоқ бинолар,
Шаҳрим қўймиш хинолар, бўстонлар бўлакчадир.

Эл деганни Ҳақ қўллар, Фарҳодин унга йўллар,
Тоғ бағри олмос йўллар, довлонлар бўлакчадир.

Улуғлари ҳурматда, эл-юрт унга хизматда,
Халқи яшар иззатда, эхсонлар бўлакчадир.

Бахт уфурар юзидан, олов чақнар кўзидан,
Бол томади сўзидан, хандонлар бўлакчадир.

Дала даштда ризку – рўз, бошоқлар айлар кўз-кўз,
Даласи ҳам меҳмондўст, хирмонлар бўлакчадир.

Нақши нигор минорлар, посбон каби чинорлар,
Қалдирғоч чалган торлар, айвонлар бўлакчадир.

Қайдин келар бахт карвон, бедордир бунда сарбон,
Қолмагай дилда армон, фармонлар бўлакчадир.

Киприк қоқмас арслонлар, ёв йўлига қалқонлар,
Жаннат бўлди ошёнлар, посбонлар бўлакчадир.

Келди кутган замонлар, бўлди омон-омонлар,
Гул бўлди тўрт томонлар, райҳонлар бўлакчадир.

Эзгу ният-ўй бўлар, тўй устига тўй бўлар,
Мағриб, Машриқдан келар, меҳмонлар бўлакчадир.

Жаннат орзулаган жон, Ҳақ берди сенга имкон,
Беҳиштдан каммас инон, давронлар бўлакчадир.

Фазал айтсанг, тонг кулар, қора қошли шом кулар,
Ҳар байтинг бахтдан унар, девонлар бўлакчадир.

ДИЛИМ ҚУЁШИДАН ЁРИШСИН ЮЗИМ

* * *

Қанчалар кўп бўлса гар эзгуликка рағбатим,
Шунча ортди йўлимда машаққату заҳматим.
Ё Раб, бедор қалбимга сайқал берган ўзингсан,
Яхшиларни дўст айлаб сўндирма муҳаббатим.

* * *

Тилу забонимга сеҳру қудрат бер,
Дилимга шеър отлиқ мунис талъат бер,
Юлдузлар сафида этма хижолат,
Юлдуздай нур беру, соҳир журъат бер!

* * *

Қизларим, Худойим бахтиёр этсин,
Сизга толе тилаб ўтар ҳар оним,
Менинг дунёдаги тўртта фариштам,
Ибодан яралган тўртта девоним.

* * *

Қоши қаро, кўзлари кўзмунчоғим Ўғилой,
Борлиғимни ёритган, нур чароғим Ўғилой,
Ўғилой, деб исмингни умидларга ўрадим
Уканг ўғил бўлсин, деб Худойимдан сўрадим.

* * *

Ноумид қилмадинг, ўзинга шукр,
Ўтинчим – ўғлимнинг камолин кўрай!
Кун келиб қалбига кўз ташлаган чоғ,
Унда сенинг соҳир жамолинг кўрай!

* * *

Дилим куёшидан ёришсин юзим,
Ўзимники бўлсин кулгум, ҳам бўзим.
Руҳимга бегона ҳисга талпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан, сўзим.

* * *

Ўзинг асра худойим, беномус номардлардан,
Бу дил гоҳ вайрон бўлди озорлару гардлардан,
Қўй дунёни бир четга, қалбимга мужда келтир,
Ул жаннатий шартлардан, ишқ аталмиш дардлардан.

* * *

Ўзинг айладинг-ку, жисмимни бунёд,
Гоҳо чидолмайин дод дейман мен, дод.
Бу ҳаёт даштида битта сайдингман,
Бунчалар қўп эзур, бир жонга сайёд?!

* * *

Ниҳол эксанг, бир куни у, албатта, боғ бўлар,
Фозил фарзанд ўстирсанг, ғариб кўнглинг тоғ бўлар.
Бир четга қўй аразни, сен оқиллар йўлин тут,
Ўзга дилин чоғласанг, ўз дилинг ҳам чоғ бўлар.

* * *

Рустам Қосимжоновга

Эл-юртин дегайдир Ҳотам бўлса ким,
Чин ҳаким, дардқашга малҳам бўлса ким,
Исм, бу шунчаки ялтироқ сўзмас,
Дунёни лол этсин, Рустам бўлса ким!

* * *

Ғамдан яралмаган бу дунё ахир,
Қишнинг қоридан ҳам сеҳр бор, сеҳр.
Эй дилим, умидсиз бўлма баҳордан,
Тангридан кўрарлар пок диллар меҳр.

* * *

Мушкул чоғда ғам чекиб гулимдан юпанч топдим,
Шукрини ҳеч қўймаган тилимдан юпанч топдим,
Қанча йиллар ҳолидан хабар ололмаганим –
Бир чеккада мунғайган дилимдан юпанч топдим.

* * *

Эй дил, сен-ла гўзал боғда биргамиз,
Виқор деган улуғ тоғда биргамиз,
Ғариблик кўйида кечади дема,
Бахтимиз кулмаган чоғда биргамиз.

2006-2012



ХИВА ОСМОНИДАГИ ТУРНАЛАР

Хива осмонида айланар ажаб,
Зиёрат қилгандай бир тўп турналар.
Огаҳийнинг қушга айланган руҳи, –
Ё, Феруз, Ўтарми... қалбим тирналар.


Кетгиси келмаган қадрдонлардай,
Хув анов сардори Мангубердими?
Юртим, хурлигингни муборак этиб,
Атай баҳорингни қутлаб келдими?

Ким билар, Хоразмий, Берунийми, ким?
Турналар «қув-қув»лаб гўё чалар уд.
Назм тасбеҳида марварид шода –
Балки у ҳақсевар Паҳлавон Маҳмуд?

Улар кўп оқ бодроқ-ўрик гулидай,
Мангу диёримнинг мангу посбони.
Эзгулик сочмоқда кўқдан заминга
Чаманга айланмиш Хива осмони.

Бизни тарк этмайди, ўтганлар ёди,
Муборак номлари тилларимизда.
«Қув-қув»лаб турналар айланаверар,
Хива осмонидай дилларимизда...

2012



ОНАЖОН

* * *

Эй фонус, сени ҳам толиқтирдимми,
Оромни унутдинг сен ҳам, қаламим?
Тундан то тонгача кезсанг чеки йўқ,
Соғинчдан яралган кўнгил оламим.

* * *

Она, кўпдан сизни йўқлаб бормадим,
Қабрингиз беаган, ҳойнаҳой, гуллар?!
Ўша чечакларга келар ҳавасим,
Мендан оқибатли ўғилдек улар...

* * *

Онам, деб қабристонда қизғалдоқни суйдим,
Соғиниб соғинчнинг титроғида куйдим,
Оҳ, мунис бағрига бошимни қўйгандек,
Онамнинг исини қабр тупроғида туйдим.

* * *

Гоҳи ёш боладай йиғлаб-сиқтасам,
Айрилиқ тубига етсам, не қилай?!
Овутманг, таскин йўқ дилдаги дардга,
Онамни соғиниб кетсам, не қилай?!

* * *

Қабристонда унган майсалар,
Неларнидир шивирлар сокин.
Юзим боссам иси келади,
Райҳон бўйли онамнинг сочин.

* * *

Она, қабрингизга бошимни қўйиб,
Йиғласам, қанийди, тўйиб йиғласам.
Не қилай, сиз берган пок юрак билан,
Олчоқ бу дунёда яшай билмасам...

* * *

Дунёда бахтга ҳам етаркан инсон,
Қисмат-да, бир куни кетаркан инсон.
Ҳатто юз ёшда ҳам мурғак гўдакдек,
Онасин соғиниб ўтаркан инсон.

2006-2012



БЕДОР ДИЛ

Туннинг сочларида юлдузлар порлар,
Шуълалар мавжидан қамашади кўз.
Маъводан таралар гўё ифорлар,
Қаламдан тўкилар қалбдан силққан сўз.

Ҳар бир сўз сирдошдай, кўнглини очар,
Бедор бу дилимни соғинчми, эзар.
Бир томчи ёш кўриб юлдуз кўзида
Қаламим тонггача исмингни ёзар...



КЎНГИЛ ТОМЧИЛАРИ

* * *

Кетаётган турналар каби,
Умрим фасллари алмашар,
Юрагимга кириб ётмоқ-чун,
Кеча кундуз ўрин талашар,
Меҳмон кутиб меҳмонхонада
Йиллар ўтганини сезмабман,
Ёшлик деган азиз меҳмоннинг,
Келиб кетганин ҳам билмабман...

* * *

Эй Ер, дардим сўрама,
Қанча ғаму андуҳлар,
Зилдай ҳасратларини
Қўнглимга тўкиб кетар.
Ўз ҳолимга қўй мени,
Дардимга шерик бўлма,
Магар елканга ортсанг,
Бедор кўнглим юкини,
Тоғларинг чўкиб кетар...

* * *

...Яна гуноҳ қилмоққа,
Қўй, бу дилим кўнмайди.
Кейин минг шудгор қилмай,
Қанча меҳримни бермай,
Зиё тушиб бу ерга,
Тавба гули унмайди...

* * *

Кўй, эслатма,
Менга у дилни!
Кўй, кўнглимга ёқмагин чироқ.
Айтиб кўяй сенга бир сирни:
«Кўздан йироқ-кўнгилдан йироқ...»

* * *

Деразамни чертади ёмғир,
Юрагимда маҳзун-маҳзун куй,
Томчи сўзин тинглаб ўтирар,
Кеча кўёш мўралаган уй...

* * *

Чақмоқ чақиб, сел қуйди,
Сусайтирди шаштимни,
Ажаб, кўрмабман, қаранг,
Сочига қор кўнибди,
Севги деган бахтимни...

* * *

Кўй, майли бу кеча,
Айтганинг бўлсин!
Бедорлик, не десанг, юрагим кўнар,
Ойнинг сочларига сўзлар қадайлик,
Бир умр ухлашга вақтимиз бўлар...

2012

СЕВГИ САТРАЛАРИ

Степан Щипачевдан

Бу дунёда бир китоб бордир
Мангу девон севги битилган.
Ошиқлардан мерос хитоб у
Ҳижронлардан бағри ситилган.

Унда ишқдан туғилган сўзлар
Ҳар бир сатри оловдай ёнар.
Муз қоядай совуқ қалбларда
Баҳор бўлиб гуллар уйғонар.

Ўқий олган кимлардир уни,
Кимлар фақат вароқлаб чиққан.
Ҳар сатрини кўз ёшла ювиб
Кимдир унга дардларин битган.

Минг-минг йилки қўлдан тушмас у
Ўқидиму йўқотдим тинчим.
Шундан буён бағримда ёнган
Юрагимга етмайди кучим!

КИБЕР ОШИҚЛАР

Ярми ҳазил, ярми чин

Бир замонлар ошиқ йигитлар,
Севгилисин чақирмоқ учун.
Деразага тошлар отарди,
Кўтаролмай ҳижроннинг юкин.

Хат тутқазиб ё ёш боладан,
Суйганига йўллашар эди.
Кунлар, ойлар бир ойга боқиб
Ғойибона сўзлашар эди.

Замон зайли ажаб, ҳўб қизик,
Эскирибди ошиқлар иши:
Энди севган йигит-қизнинг ҳам
«Iphone» бўпти, қаранг, ташвиши!

Тош отмоқ ҳам ўтмишда қолмиш,
Хат йўллашга ҳожат йўқ эмиш.
Тунлар «Chat»да сирлашса бедор,
Кундузлари SMS келмиш.

«Instagram»нинг муждасин ажаб,
Қанча ошиқ-маъшук пойлайди.
Тухумидан чиққан жўжа ҳам,
Суратини унга жойлайди.

«Telegram» ҳам дейдими яна,
Қанча Мажнун унда бўзлайди.
Хув кўчадан, хиёбонданмас,
«Online»да тенгин излайди.

«Smartphone»ин тугмасин босиб,
Қизнинг «девори»га «бўйлайди».
«WhatsApp» деган чопар дастёрдан,
«Мен келдим!» деб хабар йўллайди.

Инглизми, фаранг ё хитой,
Ҳинд, хабашми, араб ё япон.
Йигит-қизнинг қалбин улайди,
Фалати бу қутича – «Iphone»!

Ўргимчакнинг тўридай нозик,
Дунё бўйлаб таралган бу «сеть»
Нималарни ўйлаб топдинг-а?
Нима қилиб қўйдинг, Интернет?!

Ошиқларнинг учрашув жойин,
Ўқиб, бошдан эсинг кетади.
Осиёлик йигит изҳори,
Зумда Амиқога етади.

Бири Мағриб, Машриқда туриб
Кўришсак, дер эрта саҳарда.
Мен Лондондан етиб бораман,
Учрашамиз «Тож Маҳал»да!

Бири дейди, – Мексикадан мен,
Бўйинг туйдим гул нафасида.
Сен Деҳлидан кел, кўришамиз,
Эрта Эйфель минорасида.

Манзилларни асло чеки йўқ,
Бири дейди Хитой девори.
Бошқасига Эверест ёқар,
Кумушданмиш у ернинг қори!

«Биг-Бэн» дейди ва ё «Колизей»,
«Бурж Дубай»дан йўллашар салом.
Дунё ошиқларин жам қилар,
Интернетда ёзилган калом!

Кўпайибди шунданми ажаб,
Электрон дилли «овчи»лар.
Бу кетишда ишдан айрилиб,
Қолмасайди яна совчилар.

Майли, замон таҳирин қилсин,
Қулоқ осинг лекин маънига.
Электрон муҳаббатингиз,
Гард солмасин қизлар шаънига.

Сал-пал биз ҳам биламиз буни,
Дилингизга тушса «вирус»лар.
Мадад учун доим шай турар,
Ахлоқ деган «антивируслар»!

Унутманг ҳеч аجدодларингиз
«Алжабр»нинг эгаси асли.
«Корзинка»га ташлаб юборманг
Бу сўзим, эй Навоий насли!

Бир оз ҳазил қилдим мен гўё,
Ҳазилимни чин сўзга йўйинг.
Юракдаги гапимни айтдим,
Ёққан бўлса, «Like» қўйиб қўйинг!

2015



ДЎРМОНЛАРИНГДА КЎНГЛИМ

Айтсам, Ватан, жамбилу райҳонларингда кўнглим,
Куёш учун тахт тиккан осмонларингда кўнглим.
Минг бир томрим туташган, тупроғингдан сўйлайми,
Қизғалдоқлар байт битган бўстонларингда кўнглим.

Бир диллар бор бағрингда, қалбим ундан нур тотган,
Ул Абдулло, Эркининг, баҳорларни уйғотган,
«Ўзбегим» деб куйласам, минг йиллар сурилгайдир,
Мангу элга қасида, дostonларингда кўнглим.

Яшил бахмал қирларинг кўк дўппидай тизилган,
Поёнсиз ўрикзорлар, оппоқ нурдан чизилган,
Тўрт фасл ҳам бағрига қут-барака ёғилган,
Еру осмон туташган сайҳонларингда кўнглим.

Боболардан ҳикматлар сўйлар бобо чинорлар,
Какликларинг тонг сахар, ғазал айтар-бийронлар,
Кафтингдан сув ичади, қоракўзли жайронлар,
Хонгуллар хондай юрган ўрмонларингда кўнглим.

Ул Абдулла Қаҳҳорнинг улуғ кўнглин гувоҳи,
Ҳар бир гули Зулфия, Саиданинг ҳамроҳи,
Адабиёт олами – эзгуликнинг паноҳи,
Улуғ сўзга лавҳ бўлган Дўрмонларингда кўнглим.


Охир оху зорлардан, армонлардан гул унди,
Ағёрлар отган санги маломатлар ҳам тинди,
Истилонинг занглаган, қотил яроғи синди,
Шундан сўзим муаттар Чўлпонларингда кўнглим.

Ўтди қанча дил аҳли, Навоий-ю, Бобурлар,
Машраб, Фурқат, Огаҳий, Бердақлару, Собирлар...
Қуйлаб яшаган каби Муқимийдек нодирлар,
Ўзим ҳар жойдаман, лек жонonларингда кўнглим.

Бунда бедор пешволар ниятидан билгулик,
Улар меҳри куёшдай, бутун элга етгулик,
Ҳар сатрида бахт куши, қанотида эзгулик –
Тафтидан жон исинган фармонларингда кўнглим...

2015

ДЕРАЗАНИНИ ОЧУМИ, РУХУМИ



*Ажаб маъво кўнлим бу шуи, музтаққидга айланди,
Малонклар олиб руҳим парвоз улуи шайланди.
Шуи қасрида сойир руҳим руҳул ~ қудсга бойланди,
Ёллаф яна менла бирга Замин сафи елдилар,
Деразанини очил, руҳим, фаришталар келдилар...*

ҚАЙҒУ ГУЛИ

Достон

Мени ҳикматларим ошиққа айтинг,
Дили ойнадек пок содиққа айтинг.

Аҳмад Яссавий

ШОИР

Маъвонинг пок кўйлаги узра
Тўлқин каби юлдуз оққанда.
Уфқ қонли кўйлагин ечиб
Кўкрагига ойни таққанда.

Сойир руҳлар уйқу қасрининг
Дарвозасин қоққан тун аро.
Минг сеҳрини яшириб тунга,
Минг сеҳрин фош айларди фано.

Уйқу лашкар тортар ер узра,
Кенг заминга чиммат ёпилур.
Киприklarим юмилар қаро,
Танамга мушк бўйи сочилур...

О, тун!
Олгил, мени бағринга,
Бу кўнглима бергил бир малҳам.
Кўк тоқида минглаб фаришта,
Чорлар руҳим қўлларида шам.

Кўзларимга ёш келар тинмай,
Юрагимда бир ажиб титроқ.
Англамоққа қолдимми ожиз,
У нур йўли мендан кўп узоқ.

Сомон йўлин ўраб шуълага
Тун жодуси бир гул ташлади.
Хотирамни ғамга ғарқ этиб,
Бир англамсиз уйқу бошлади...

* * *

... Ҳарир парда, мушқдин руҳ беҳол,
Етаклайди паридек еллар.
Камалакдек туш боғи аро
Бир муборак зот чиқиб келар.

Шохларини эгиб дарахтлар,
Баргларини пойига сочар.
Учар гилам каби ҳушимни,
Хазон барглар ўйнаб обқочар.

Билмам бошдан учиб эс-ҳушим,
Мени қайга келтирмиш тушим...

Нигоҳида илоҳий жунун,
Кипригида қайғу гули – ёш.
Қошларининг ўртаси тугун,
Фигонидан ҳатто эрур тош.

Нигоҳида ёнар бир шуъла
Соҳир фалак, сеҳрингми бу, айт?
Қалбим унинг қалбига ула...
Кўкрагимга нур ёғди шу пайт.

Зулмат аср этган бу кўнглим,
Ўшал нурга боғланиб қолди.
Ул нур ила сирлашиб руҳим,
Куйламоққа чоғланиб қолди:

* * *

« – Оёғим остида ётган бемехр
Ул совуқ тошга ҳам минг йил сиғиндим.
Борлигингни билмай соҳиби сеҳр
Зулматлар бағрида нурсиз бўғилдим.

Тунлар гулзорлардан излаб ахтариб,
Ҳилолнинг нурини топтаб йўл босдим.
Руҳимнинг майлини излаб мен ғариб,
Лабимни жодугар гулига босдим.

Уфқда ёнган ул кундуз шаъмига,
Қўлларим чўзганча куйлаганимда,
Чақмоқлар ўтидин ўтди оҳларим.
Мен сени... мен сени билмаганимда,
Бу туш сарҳадига келмаганимда...

Умрим азобларда қоврилар эди
Йўқлик майдонига соврилар эди...»

* * *

Бу не ҳолдир соҳири олам
Вужудимга ёйилар бир куч.
Қулоғимга бир сас келади:
– Кутмоқда у,
Нур боғига уч!

Гуллар салом бериб йўлимда,
Кузатишиб қолар булбуллар.
Гул косада табассум билан,
Куйлашади самовий ҳурлар.

Яшил вужуд икки фаришта
Кўз олдимда айларди фарёд.
Маъво қасрин тилиб, титратиб,
Кимдир чорлаб, кимдир солар дод.

ДЕВОНАИ МАШРАБ

«Кўрсат юзинг ўларман, менда тоқат қолмади,
Меҳрибоним, қайдасан, жонда роҳат қолмади.
Бало ёғди бошимга, элда тоқат қолмади,
Чекдим жафони акнун, танда ҳолат қолмади
Кездим чўлу-биёбон, дилда ҳасрат қолмади...»

ШОИР

Бу мўъжиза тушми?
Сехркор!
Ё афсунгар туннинг жодуси?!

Юрагимга поёндоз солган
Ким у?
Қай зот – соҳир ёғдуси?

Куй янгради яна у нола,
Эшитгандан титрарман сўзин.
Ким у, ким у – кўнгли зилола
Кўрсатмагай нечун у ўзин?

Ҳайрат гулин кўксимга босиб,
Ул ким дея ҳурлардан сўрдим.
Жаннат гулин юзига босиб,
Келаётган бир зотни кўрдим...

ДЕВОНИИ МАШРАБ

«Сенинг ишқингни дарди, менга ҳар нарсадан ортиқдур,
Тилим куйсин агар жонон, талабгори даво бўлсам.
Ҳамиша ушшоқи содиқни, сенинг ишқинг хароб айлар,
Қабул айла аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам,
Қабул айла, кўйингда бир гадо бўлсам...»

ШОИР

Тун пардаси юлдузларни ўрайдир,
Ҳижрон водийсига поёндоз ташлар.
Фаришталар маъюс йўлга қарайдур,
Яна мангу баҳс – у ғавғосин бошлар.

«Яралмишдан азал икки фаришта
Инсон елкасида ўлтирар эмиш.
Яхши-ю ёмонни қилиб саришта,
Иккиси қоғозга туширар эмиш».

Орифлар сўзларин эслайман ногоҳ,
Туш қасрин титратиб тортишар улар.
Гуноҳга зулматлар ён босса агар,
Савобга хайрихоҳ ёғилар нурлар.

– Йўқ, – дейди, гуноҳлар мирзоси қатъий
Аршни титратар унинг гуноҳи.
– Йўқ –, дейди савобнинг мирзоси қатъий
Тангри ҳам мен томон – унинг паноҳи...

Кўкнинг тарозиси – ўша уч юлдуз
Хукм не билолмай сочади ёғду.
Етти фалакни ҳам ларзага солиб,
Борлиққа таралар илоҳий қайғу:

ДЕВОНАИ МАШРАБ

«Оғиздин дур сочай десанг, шароби ишқ ичай десанг,
Ёмонлардин қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.
Раёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,
Жаҳонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.
Разолат куйдирай десанг, залолат ўлдирай десанг,
Ҳаммасин супурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл...»

ШОИР

Фалак насимлари шивирлаб сокин,
Аллалай бошлайди еру-осмонни.
Қабрлар қизғалдоқ косаларида,
Маъвога йўллайди яна бир жонни.

Абрлар бағрини тилади чақмоқ,
Ҳасратдан юлдузлар бағри куяди.
Гуноҳлар мирзоси ғамгин фаришта,
Гуноҳкор дейди-ю уни суяди:

ФАРИШТА

Гар у гуноҳкордай туюлса нетай,
Сенинг васлинг дея қилмишдир гуноҳ.
Чин ошиқни маъшуқ жазолай олмас,
Сени деган ул зот гуноҳормас оҳ...

ШОИР

Арш тоқида руҳим учар мастона,
Бир мавсум бошланур-чақмоқлар елар.
Абрларнинг шаффоф, оппоқ тахтида
Етти нур – фаришта зиё-ла келар.

Етти хур,
Етти нур кўкни тебратар,
Қанотидан ажиб ифор таралар.
Танимни асирлар, бу қандай тилсим
Менинг кечмишларим барин саралар...

Сеҳрга чулғанган,
Тақдир водийси...
Тақдир гулларини кўрдим унда мен,
Бириси яшнаган, бириси мавҳум,
Бириси зиёга чулғонган шаксиз,
Бириси мусибат ҳукмига маҳқум.

Бу не ҳол,
Не учун у гуллар турфа?
Айби не, у гулнинг барги заъфарон?
Нечун тақдир гулин бириси қора,
Бири нурдайин пок, бири бағри қон?

ФАРИШТА

Бетоқат эй кўнгил, сўзимга ишон,
Барчаси олийнинг ҳукми асли бу!
Фикр қил хазонни кўрмаса кўзинг,
Сабза нелигини билмасдинг ўзинг.
Яхшини кўрурсен, фикр қилурсен,
Ёмонни кўрурсен, зикр қилурсен.

ШОИР

Итоат этмайди менга интиқ жон,
Шаккоклик тахтида сўроқлар руҳим.
Тақдир гулларининг кўпин бағри қон,
Қай бири меники,
Бу ўта муҳим?

ФАРИШТА

Эй шаккок!
Нени сўрурсен?
Айт недур ёрқинроқ ,
Недир муродинг?
Нахот сен ўзингни ўзинг билмассен,
Ўқиб боқ,
Ўзингда тақдир китобинг!

ШОИР

Қайда у,
Ўзимда... нахот бу гап рост?

ФАРИШТА

Қулоқ сол, сўзлайди...

ШОИР

Мунг келди бехос,
Кўзим ҳам сўзлади,
Қулоғим, қўлим,
Оёқлар сўзлади
Мен юрган йўлим.....

ФАРИШТА

Эшитдингми энди
Ҳаловатсиз дил,
Ҳар бир аъзонг сўзлар,
Эмасдир бедил.

ШОИР

О, нахот бу ғамгин, мунгли садолар
Жисмимдан таралур,
Яна не ниҳон?

ФАРИШТА

Эй инсон, жисмингда бир дунё пинҳон...

ШОИР

Олис-олислардан чорлар руҳимни,
Маъво мардумидай у сирли замин.
Фалакда лолалар холис хайрихоҳ,
Япрогин жуфт қилиб пичирлар...
Омин...

Фалак елларининг атрий ислари
Димоғим ифорга тўлдирди шу он.
Бошида кулоҳи, эгнида жанда,
Маъвони титратиб чекканча фиғон
Яна ўшал сиймо қиларди нола.

Фалак юлдузлари оғир хўрсинар,
Маъво фонуси ой – куя бошлайди.
У зот нола чекар етти фалакнинг
Етти мўъжизасин кўзин ёшлайди.

Наҳот топилмагай бу дардга чора,
Ҳасрат булоғидан мавжланар нола.

ДЕВОНАИ МАШРАБ

«Ураинму бошима, саккиз беҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай.
Заррае нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошкора бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай.
Аршнинг кунгурасин, устига қўйдим оёғим,
Ломакондан жой олибман, бу маконни на қилай?...»

ШОИР

Гулзор аро фаришталар базм бошлайди,
Ҳар бирининг тиззасида ул зот китоби.
Етти малак тилларидан етти нур бўлиб,
Камалақдек нур таратар жунун хитоби:

Биринчи фаришта

«Йиғламай найлайин рўзимни сиёҳ қилди фалак,
Ошноларни менга, ноошино қилди фалак,
Кавкаби бахтимни мундоқ, безиё қилди фалак,
Охири умримда бахтимни қаро қилди фалак,
Подшо эрдим бу кун, соҳибазо қилди фалак».

Иккинчи фаришта

«Хонавайронман бу кун, жисмимда жоним йўқ, менинг,
Дарбадардурменки бир ерда маконим йўқ менинг,
Чўғзи бевайронадурман, ошиёним йўқ менинг,
То сирим устида турган соябоним йўқ менинг,
Дилраболарни бу тупроқ ичра жо қилди фалак.»

Учинчи фаришта

«Ой юзингни кўргали кўнглимни мен шод айладим,
Остонагда ётиб арзимни мен дод айладим,
Хоки пойингга кўйиб бошимни фарёд айладим,
Бу жунун бозорида ишқимни бунёд айладим.
Халқи олам ичра бир, ёри вафодор ўлмишам».

Тўртинчи фаришта

«Фироқинг зулмида айши қанотим сарнигун бўлди,
Алифдек қоматим ғам остида монанди нун бўлди,
Кўзим ёши тўкилди, мисли ул дарё-и хун бўлди,
Тириклик боиси дўстлар дуоғўйимдин айрилдим».

Бешинчи фаришта

«Жони дилим фидо этиб, ё санамим десаммикин,
Ўзига илтижо этиб, ё санамим десаммикин,
Оҳим ила садо этиб, ё санамим десаммикин,
Шому саҳар наво этиб, ё санамим десаммикин,
Хори калоним айтадур, ё-ху деган тиловатим.»

Олтинчи фаришта

«Тушди савдойи муҳаббат бошима,
Ор этур мардум келурға қошима,
Бу муҳаббат кўйида қон йиғладим,
Етти иқлим фарқ бўлмиш ёшима.»

Еттинчи фаришта

«Ажаб мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сигмамдур,
Дилим дарё синурдур, мавж уриб дунёга сигмамдур,
Гаҳи бўлдим фақиру, гаҳи шоҳу, гоҳ гадодурмен,
Ажаб девонаман, фардоки, маҳшаргоҳга сигмамдур...»

ШОИР

Садо келди фаришталар сўзин тилкалаб,

ИБЛИС

Беҳудадир сўзларингиз, сафсата бари,
«Аналҳақ» – деб, лайлу-наҳор фарёд урганни,
Сўзларини сиз ёд олманг, ҳайданглар нари...

ДЕВОНАИ МАШРАБ

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.
Баҳр раҳматга кириб, қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин беҳабарсен, дафтаримни кавлама..

ШОИР

Фаришталар хузурини яғмо этган,
«Ҳайданг» деган бадхулқ қайда изладилар.
Бир шарора чиқиб турган ғор оғзига,
Бориб бари ҳаловатсиз сўзладилар:

ФАРИШТА

Сен-эй, шаккок
Кимсан айтгил, қайда жисминг,
Англат ўзингни?

ИБЛИС

О, фаришта – адашган хур,
Тиккил менга кўнгил кўзингни.
Мен иблисмен – Ҳаққа қарши яғона вужуд,
Менинг қайноқ бу бағримдан фақат ўрлар дуд...

ФАРИШТА

Шайтонму сен?

ИБЛИС

Мен иблисмен,
Мен иблисмен,
Ҳа... ўша шайтон,
Сиз танлаган ул манзилнинг
Бўйи баста қон...

ФАРИШТА

Сўзларинг ёлғон!

ИБЛИС

Сиз комил деб сўзларини ёд этган зотнинг,
Қайғулари бари бекор, инграрлар нуқул.

Сўзларимга қулоқ беринг, Ҳақ майин ичманг,
Сиз мен ила бўлинг ҳардам, мангу бўлмай қул!
Азобларга танингизни тутманг сиз зинҳор,
Одамзотнинг мудҳиш феъли юқмасин сизга,
Сизга ҳар дам мададчи у шафиқ иблиснинг
Этагидан тутинг дейман, қўшилинг бизга...

ФАРИШТА

О, сен, ҳануз эзгуликнинг йўлини тўсиб,
Яхшилиқдан ёмонликни пайдо этурсан,
Йўқ аврама, заминга бор тарсобачалар,
Топажаксан, ҳам ўзинга шайдо қилурсан.
Куфр сўзинг ўз бошинга етгуси албат,
Иблис бизнинг орамиздан кетгуси албат.
Йўқол!

ИБЛИС

Эй, йўлидан адашганлар,
Эй, сиз муътақид
Ўзингиздан тобеликни этингиз соқит.
Қаранг, мана, қўлимдаги бир сиқим тупроқ,
Мен келтирдим уни ўша телба заминдан,
Ҳар зарраси сўзлар уни, нолон чекар оҳ.

ФАРИШТА

Қани кўрсат, наҳотки рост гапларинг,
Чиндан?..

ШОИР

Қўлларини очди шайтон, сочиб юборди,
Қўк тоқида майин наво янгради бирдан.

ФАРИШТА

Эй, зарралар, огоҳ этинг бизни ҳам сирдан?

ИБЛИС

Йўқ, сўзламас,
Сўзламайди, оҳ чекар улар.
Тўлғонишиб Ҳақ юзини кўрмоқчун тунлар,
Хув ер узра ул зотдаин бир тўда дарвеш,
Яна менга келтирмоқ-чун ортиқча ташвиш,
Ҳақ майини ичиб кўкка сано айтарди,
Улар ҳам шу тобеликнинг заҳрин тортарди.
Мен уларнинг дилдагисин суғуриб олдим,
Телба қолди улар унда,
Курашдим,
Толдим...
Юрагини куйдирган ул жойин сидирдим,
Бари бўлди кўрганигдай бир сиқим тупроқ.
Тоъбелиги мен-ла келди, мангу зорлари...
Ерда қолган танда эса, таъсирим кўпроқ.
Мен-ла юринг, мен буюкман,
Курашчан моҳир.
Улар бунда сўзласинлар сизга сўнгги бор,
Эзгилайин сўнгра барин,
Иблисмен номдор...

ШОИР

Сокинликни яғмо қилиб сўйлар зарралар,
Туш қасрига фарёд тўла оҳанг таралар:

Биринчи зарра нидоси

Бу не олам, у не олам, ул юзини яширар,
Томримда ишқ қони қизир сабр жоним шоширар,
Кимга ғамим айтайин мен, кимга камим айтайин,
Ул оламдин бу оламга бу жонимни оширар.
Кўнглим йиғлар, бағрим тиглар, қон сизади кўзимдан,
Висол қасри калитини қидирдим мен ўзимдан,
Девона деб кулар ҳайҳот, ғамим англамай ғофил,
Менинг ҳамроҳ ҳамдардим йўқ, жунунона сўзимдан.

Яна бири

Кафан бичдим Ҳақ майини ичиб ўзимга,
Ажал шарпа сола бошлар куйган юзимга,
Жунун дея аҳли дунё кулар сўзимга.
Фам лашкари макон этди кўксимни моҳим,
Дийдор дедим, дийдор дедим, шудир гуноҳим...

Яна бири

Мен дод этиб ўтар бўлдим, кўҳна дунёдан,
Илким силкиб кетадурман, аҳли риедан,
Эй нафс, мени қайтармагил соҳир зиёдан,
Ёр васлини тилаб жону жаҳоним куйди,
Жону-жаҳон ичра мавжуд ниҳоним куйди.

Ҳасратларим маъво сари учар тўлғониб,
Оҳу зорим юлдузларни қучар тўлғониб,
Ишқ майини телба руҳим ичар тўлғониб,
Насиб этмай сенинг васлинг тунларим куйди,
Кўролмайин гул юзингни кунларим куйди.

Орифлардин сўрар бўлдим сенинг исмингни,
Эй, гулюзим, шаккоқ дема, кўрсат жисмингни,
Кўксим аро солар бўлдим сенинг расмингни,
Ишқ майида аслим кўриб, эй ёр, деб ёндим,
Фофил вужуд ичра васлинг тилаб уйғондим.

Яна бири

Нола-ю афғон этмайин, топшир танам, уч эй руҳим,
Фаришталар тезроқ бизга, садо қилар бўлса,
қилақолсин.

Кўйида бақо даштин, кезай бағрим тиконлар тилсин,
Чароғсиз тунларим мангу, ялдо қилар бўлса,
қилақолсин.

Нетай афгор бу кўнгилни, васлсиз эрса ишқ аҳли,
Маҳшаргача замин жисмим сазо қилар бўлса,
қилақолсин...

ШОИР

Иблис кўздан ғойиб бўлди,
Тупроқни депсиб,
Бирдан пайдо бўлди ул зот,
Ҳижронга соҳиб.
Чор-атрофга тараларди фиғон-аёлғу,
Нигоҳидан ёғиларди илоҳий ёғду.

ФАРИШТА

Мен мангу заминнинг тикон ва гули –
Ўшал инсонларга ёрман – хайрихоҳ,
Иблис макон этар бутун заминни,
Ким уни жиловлар, ким уни, эй воҳ?!
Эзгулик бурғусин ким чалар энди,
Ким бошлар уларни умид-бахтига.
Ҳушёрлик хурлари учсин айтайин,
Қулоқ солмасинлар шайтон аҳдига...

ШОИР

Фаришта умид-ла боқди атрофга
Ўрин бор не қилсин ташвишу хавфга.
Иблис қутқусидан дили ғашланди,
Ногаҳон роҳатбахш бир куй бошланди:

ДЕВОНАИ МАШРАБ

Барчага айлар насиҳат, ўзини доно этиб,
Йўлда қолган бекасу, бераҳнамоларни кўринг,
Зоҳирида сўфиман деб, тарки дунё айлаган,
Ботини дунёга мойил, бахти қароларни кўринг.
Халқнинг кўзига ҳар дам суратин дигар қилиб,
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўринг.

ШОИР

Зарраларнинг дод фарёди тутди туш қасрин,
Энди тополмаслар улар ҳеч қачон аслин...

ФАРИШТА

Одамзот ўз-ўзин қийнагай нуқул,
Нафс эрур аждардай уни авраган.
У тангрига эмас, сен иблисга қул.

Заминда топтаган одамзот ўзин,
Яланғоч дил билан яшарлар аммо,
Тушунмас ул комил, фозиллар сўзин,
Тафаккур меросин сен қилдинг яғмо.

Минг йиллар қаъридан келган фарёдни
Тинглолмас қулоқ қар, кўзлари сўқир.
Қарагил, ундаги зотлар кўплари,
Ёв-қушдек бир-бирин кўзларин чўқир.

Ўтганлар аксари сўзсиз – нигоҳла,
Дилларин тушунган бўлса-да бир вақт.
Дил экан, ҳаттоки бир-бирисини
Сўзин ҳам тингламас, англамас,
Сен ҳақ!

Минг йиллар кечмиши ичра энг қабих,
Бир олам яралмиш, ерда қиёмат.
Ҳар бирин минг битта расули бордир,
Фақат сенга қилур дастлаб ибодат!

Жаҳонни тутган у асли нимадур,
Меҳр – у, англайсан собит қадамлик.
Заминда бу замон поклик қолмади,
Эзгулик нурлари қилмоқда камлик.

Тош отса ҳой иблис, сенинг муридинг,
Оқиллар пойида гулга айланган.
Ҳа, бу кун сен баланд, баланд ғуруринг,
Анда фозиллар ҳам сенга боғланган.

Гул отсам, тош бўлиб ёғилар энди,
Тангрининг меҳридан қаҳри кўп бу кун.
Сенинг мақрларинг кучлидир энди,
Ким ахир тортади эзгулик юкин?
Уларнинг дилларин не қилди шайдо,
Сен иблис, ҳар разил қошида пайдо!

ИБЛИС

Каломинг ҳақ эрур,
Лек, ўзинг ноҳақ.
Эшитгил менинг ҳам энди сўзимни.
Сўнг ўзинг нутқимнинг маънисини чақ,
Қарога буркама, қаро юзимни.

Мен инсон зотини мажбур этмайман,
Йўлимга чорлайман, чорлайман холос.
Бўйнидан занжир-ла боғлаб олмоқлик,
Биласан бу зўрлик менга эмас хос.

Қарагил парранда-дарранда феъли,
Минг йиллар ўтса ҳам ўзгарган эмас.
Хаттоки бўри ҳам бу кун инсондай,
Бир-бирин гўштини емайди, емас!

Қарагил қушлар ҳам, тақдир қилинган,
Ҳаёти минг йилки ҳамон ўзгармас...
Фақат инсон эрур ёвуз бир махлуқ,
Ўз-ўзин етаклар қиёмат сари.
Айт агар сўзингга қулоқ оссалар,
Кетишсин мангуга мандан ҳам нари!

Йўқ кетмас, кетмайди, не қилай айтгин,
Чорламоқ вазифам, иблисмен, тушун.

Улар шуни истар мандан ягона,
Ва охир менга ҳам кулиб боқди бахт.
Оламнинг ягона ҳукмронига,
Айланмоғим учун барча нарса тахт!

ФАРИШТА

Йўқ ҳали ўйларинг барчаси сароб,
Муҳаббат гуллари унда сўлмаган.
Қара унинг жисми сўнган бўлса-да,
Аммо руҳ яшайди, демак ўлмаган.

ИБЛИС

Эҳтимол,
Эҳтимол, сўзларинг ҳақдур,
Ҳа, балким, камина буткул ноҳақдур.
Кўрсатар барчасин келажак – тақдир.
Лек тушун бир замон инсонни авраш,
Ва йўлдан оздириш мушкул иш эди,
Кўрдинг-ку эндичи улар эзгулик,
Улашган соҳиблар бошларин еди.
Заминга боққил сен, айт ўзинг чин сўз,
Наҳот алар ичра комиллари бор.
Бу кун бир орифни кашф этар бўлса,
Албатта эрта кун тикажаклар дор...

ШОИР

Маъюс ўйга толар яшил фаришта.

ФАРИШТА

Иблиснинг қўли бор ҳамма, ҳар ишда
Лек, унинг сўзларин кўпи чин, афсус...

ДЕВОНАИ МАШРАБ

Бу гафлатхонадир бедор қил, бандангни уйғотгил,
Агар каж йўлига кетсак, бизга тўғри йўлни кўрсатгил,
Хатоу масъиятларни кўрайлик тавба ўргатгил,
Тубанлаб кетмагай лутфинг билан бандангни
кўрсатгил,
Фараҳ бергил дилимга, ояти тақвога еткургил...

ФАРИШТА

Оби-хаёт эрур унинг сўзлари,
Хар сатри ҳумодай улашади бахт.

ИБЛИС

Йўқ, ўтар чин ишқ ҳам, ошиқлик бари,
Адашган кимсалар тутар дунёни.
Замин мулкларини эгаллар, албат,
Ҳариф билар зотлар соҳиб-зиёни.
Аларнинг нафс эрур жононаси ҳам,
Аларнинг нафс эрур ҳамхонаси ҳам.
Аларнинг нафс эрур парвонаси ҳам,
Аларнинг нафс эрур дурдонаси ҳам.
Аларнинг қолдирган зурёди ҳам нафс,
Аларнинг тиклаган бунёди ҳам нафс!

ФАРИШТА

Нечун сенинг доим қабихлик ишинг,
Наҳот, сен шу ишдан топурсан роҳат?!
Афзал эмасму яратган зотнинг,
Номини улуғлаб қилмоқ ибодат.

ИБЛИС

Сизлар тақдир дея айтдингиз боя,
Тақдир қилинганман мен ҳам, эҳтимол.
Ўзимни тияман гоҳида базўр,
Эзгу ишларингиз келади малол...

ФАРИШТА

Одамзод, одамзод, ўзи бир жумбоқ,
Яхшига эргашмас, ёмонга илҳақ...

ИБЛИС

Мана энди айбни менга тўнкамай,
Ўз сўзингни ўзинг, маъносини чақ!

ФАРИШТА

Афсус пушаймонда бир кун ўтади,
Лахзалик яшиндай бу умр асли.
Лек ҳануз англолмам ўшал жумбоқни,
Томоша талабдур бу инсон насли...

Лек, бир кун келади, жаҳолат ўтин
Маърифат суви-ла ўчирар инсон.
Кўнгилга жо қилиб шоир баётин,
Қалбига офтобни кўчирар инсон...

ШОИР

Кўзларимдан оҳиста ўпиб,
Шаббодалар сочимни силар.
Гўё таним роҳат бағрига,
Чўкаётган ўхшаб туйилар.

Хорғин жисмим мудрай бошлайди,
Яшин мисол ўтар хаёллар.
Гўё таним силаб-сийпалаб,
Кимдир парвоз учун тайёрлар.

Енгил нафас олар вужудим,
Энтикади оҳиста юрак.
Жисму-жондин кетди мадорим,
Ол кўнглимни, асирла малак!

Тун малаги, сенга топширдим,
Роҳат бахш эт руҳимга маъюс,
Мен ўзимни ўзим шоширдим,
Ёнсин дейман қалб оташим суст.

Оғушинга тортгил бу жисмим,
Токи, сен бор очунда яшай,
Олгил руҳим не дасанг, ул шай!

Қазойи қадар келгунича то
Кутажакман ҳар куни филҳол,

Мана менинг жисмим қаршингда,
Тун малаги, асирингни ол!

Насиб этсин менга шундай кун,
Насиб этсин менга бир оят.
Олгил руҳим кел-эй, кела қол,
Кўрсат унга, машраъ ҳидоят.

Фалак тўлғоқ аро... Учар юлдузлар...
Ой бота олмайди, нигун, бўзариб,
Мангу кетмоқликка қўймас Туш қасри
Руҳим чирқиллайди ғарибдан ғариб.

Шуълалар – қанотли малоикалар,
Руҳимни авайлаб ерга учурлар.
Фаришталар гўё мен-ла заминга,
Шивирлаб-шивирлаб ниҳон кўчурлар...

Хўрозлар қичқирар узоқ-яқиндан,
Итларнинг хуриши тийилар аста,
Тонгни уйғотаётган қушлар жўрида,
Ўша таниш оҳанг янграр шикаста...

Фалак меҳробида ёқилган шамдай,
Бир-бир ўча бошлар юлдузлар нури,
Ойнинг ҳам бўзариб оқарар юзи,
Тонг отар заминда нимадир камдай.
Майсалар бағрида биллурдек ёниб,
Куёшнинг нурида эрир шабнамлар.
Неларга гувоҳсиз айтинг бу сирни,
Тун бўйи ёнган эй шоҳидлар – шамлар?

Кипригим недин нам, юрагим беҳол,
Гўё у йўл юриб олмоқдадир дам.
Ёстигим устида ётган китобнинг,
Недан у,
Не учун варақлари нам?

Туш қасри,
Қайдасан?

...Йўқ, мен қайдаман?
Бу тушми?
Ўнгим у бўлса...
Йўқ... Наҳот?
Чимчилай бошлайман, тишлаб бармоғим
Оғрир у...
Оғримас...
Телбаман...
Ҳайҳот?..

Савдойи бу кўнгил недан озурда,
Ақлимни лол этган Туш қасри қайда?

ИБЛИС САДОСИ

Жунунга ўхшамай десанг магар сен
Хаёлингдан кўрган тушингни ҳайда!

ШОИР

Наҳот бу ўзимнинг сўзларим бўлса,
Йўқ, бу не оятдур сирли жисмимда?

Туш қасри қайдасан, тушунтир ўзинг,
Танамда икки жон нечук қилур жанг,
Барини унут дер, барисин мангу,
Унутсанг дер бири ҳолинг мангу танг!

Эй фалак, бу не сир, жунунлик боши,
Шундай бошланурми, бу не айт, ҳолат?
Ўзим, ўзим билан нечун суҳбатда?
Нечун Туш қасрида эмасман, галат?..
Йўқ, яна фикрлар мени чалғитар,
Бу не ҳол руҳимни занжирлаган ким?
Ичимда сўзлаган у жоннинг бири
Наҳотки, рост бўлса...
Шайтондир балким...

Ҳув қуёш оҳиста кўкни ёритиб,
Уфқ узра нурларин сочар – жойнамоз.

Шу тобда эй-воҳким, янграр минордан,
Туш қасрин оҳангга тўлдирган овоз...

Шамол ҳадя этди хушимни,
Хотирамда яшар дардли ҳис.
Офтоб кўкка чиқишдан олдин
Уфқни ўпиб чўкаётир тиз.

Тонг ҳам отди, ёришди борлиқ,
Ёстигимга кўз ёшлар инган.
Бу оламда муборак зотнинг,
Ишқ савдоси – фарёди тинган.

Кўнглим мулкин айладим баён,
Хотиралар сўйлар афсона...

ФАРИШТА САДОСИ

...Йўқ, Туш қасрин борлиги аён,
Фарёд чеккан зот ҳам ягона.

ШОИР

Эй, яна мен нени сўйлайман,
Бари бир туш...чарчаган руҳим.
Ким айтаркин фоний дунёда
Нималарга ишонмоқ муҳим?!

...Чарчади...

...Чарчади...

...Чарчади... руҳим...

Кимга?

Нима учун?

Ишонмоқ муҳим?

Ўзимни идора қилолмайман ҳеч,
Руҳим хаёлларга тушмишдир асир.
Бу ўйлар қай ердин келмиш билмайман,
Мен кимнинг измида, ким қилур таъсир?!

Ичимда икки жон, икки рақибдир,
Бири бирисини қилурлар инкор.
Иккисин сўзига қулоқ солдим лек,
Иккиси қилдилар мени гуноҳкор!

Мўъжизалар олами фалак –
Кўйлагидан нур сочилади.
Замин мулкин ғафлат босганда,
Арш тоқида сир очилади...

* * *

Асфиё – пок кўк насими борлиғимни ўрайдур,
Шаффоф бадан кўринмас хур сочларимни силайдур,
Ниҳонимдан огоҳ яна «Раббинг ким?» деб сўрайдур.
Раббим ишқдур, –
Соҳиб маъво,
Соҳиб замин дилоро...

Ҳаво недир?
Насим недур?
Шуъла недур?
Нур недир?

Ишқ парисин канизлари, валийлари алардур,
Алар вужуд ботинини қиладургон саришта,
Алар замин тупроғига лашкар тортган фаришта.

Тафтиш этур жисму жонинг ҳам ботинан-зоҳиран,
Маҳф этурлар қалбим, руҳим барин сўроқлаш вожиб.
Атрофимда шивир-шивир рақс тушарлар гўянда,
Дорулбақо бу не оят, бу не ҳолатдур ажиб?

Ҳаво, насим шивирлари куйми, оҳангми, билмам,
Оҳ чексам ҳам бўғзим тилиб, қалбдан учар бир шуъла.
Наҳот алар вужуд сирин кўкка ҳар вақт элтувчи,
Дорулбақо бу не асрор, юракда нур жимирлар?


Демак, инсон жисми жони то тирикдир назарда,
Қалб асрорин шивирлаб ул ошкор қилар ҳар ишда.
Истиғфор айт, жонинг сенинг муҳтасиблар измида,
Асир этмиш қадди долинг соҳиби дил фаришта.

Ажаб маъво кўнглим бу тун, муътақидга айланди,
Малоиклар олиб жисмим парвоз учун шайланди.
Туш қасрида сойир руҳим руҳул-қудсга бойланди,
Еллар яна мен-ла бирга замин сари елдилар,
Деразангни очгил, руҳим, фаришталар келдилар...

Бу оятлар замирида не чин айтсин, ер, маъво,
Малоиклар лайлу наҳор жисмим аро елурлар.
Жунунона бу кўнглима ким ҳақим, топсин даво?
Деразангни очгил, руҳим, фаришталар келурлар...

Майли, биздан кулсин, вале бари қалбим фарёди,
Илҳом номли илоҳий руҳ, нозил этган хитоби.
Дилимда ул муътабаррук руҳи пок зотнинг ёди,
У мангудир, мангудир ишқ – муҳаббатнинг китоби!

1989-90



ЭЗГУ
ХИКМАТЛАРНИНГ
ҲМРИ БОҚИЙДИР



Шабнам қўйида турфа ранг олам
Ҳар шунинг оғилмоқ лаҳзаси тайин.
Мавжуддир сирли бир шарҳиб ҳонда,
Донишманд дил уни англаб қун сайин.

СОҲИБҚИРОН ЁҒДУСИ

Амир Темур ўғитлари асосида

Эзгу ҳикматларнинг умри боқийдир,
Асрлар ўтса ҳам қуёшдай нурли.
Ўғлим, Амир Темур тузугига боқ,
Англайсан у қандай одил, ғурурли.

Ўқтам боболарга издош наслсан,
Қаддинг тут, маърифат йўлдошинг бўлсин.
Бобонгдан қолган у улуғ мерослар,
Ҳар лаҳза паноҳинг – қуёшинг бўлсин.

* * *

Табиат қўйнида турфа ранг олам
Ҳар гулнинг очилмоқ лаҳзаси тайин.
Мавжуддир сирли бир тартиб қоида,
Донишманд дил уни англар кун сайин.

Ҳамал ҳам шу қонун энг ажиб банди,
Дов-дарахт, табиат итоатдадир.
Шундан мувозанат бузилмас сира,
Олам қонунининг кучи каттадир.

Ҳар бири шу қонун бўйича яшар,
Тартиб бор, тўрт фасл гўё фуқаро.
Шуларга ибрат-ла ташлагил назар,
Борлиқ ҳам яшайди ижролар аро.

Давлатлар бордирки, тиргаги – қонун,
Усиз тартиб бўлмас, усиз ободлик.
Сен шундай қонунлар яратгил, токи,
Итоат асоси бўлсин озодлик!

* * *

Инсон кучу-қудрати ҳеч,
Қиличдамас, ёдда тут.
Қирғин билан юрт кўкармас
Зулм-зўрликни унут.
Қудрат билан улуг Оллоҳ,
Бино этмиш ер-кўкни.
Ибратига толиб этмиш,
Мен каби муслим – бекни.
Шундан қайга от солмайин
Дилга жойлаб журъатни.
Ободликка сарф айладим,
Илкимдаги қудратни.
Қудратимга шубҳа қилган,
Ҳақиқатни сўрасин.
Бизлар бунёд этган улуг –
Биноларга қарасин!

* * *

Тадбир асли тафаккурнинг
Нури – ёруғ қуёши.
Тадбир ҳар бир донишманднинг
Ҳам ҳамроҳи – йўлдоши.
Тадбир ила мушкулларинг
Қулфлари ечилар.
Тадбир ила тилсимланган
Дарвозалар очилар.
Тўғри тадбир элу юртнинг
Тинчлиги кафолати.
Тадбир – илм, зако асли
Миллатнинг саодати.
Гоҳо юз минг аскар билан
Бўлолмасанг музаффар.
Битта тўғри тадбир ила
Сеники бўлғай зафар!

* * *

Адолат офтобга ўхшайди гўё,
Мунаввар айлайди жумла жаҳонни.
Дунёни сен обод кўрмоқчи бўлсанг,
Адолатдан айро қилма инсонни.

Адолатнинг буюк ҳомийси Оллоҳ,
Унга қарши бормоқ осийлик асли.
Лекин маккор шайтон қутқуси ила,
Адоват қўзғайди гоҳ инсон насли.

Қай ерда хароба, қай ерда хорлик,
У жойда адолат ёғдуси йўқдур.
Адоват, ҳақсизлик инсон қалбига
Шайтон камонидан отилган ўқдир.

Магар сен Оллоҳга бандалик қилсанг,
Адолат дастуринг бўлмоғи керак.
Қалбингга қулоқ сол ҳар вақт, ҳар лаҳза,
Ҳақ йўлга бошлагай у берган юрак!

* * *

Еру кўкнинг эгаси –
Оллоҳ буюк бунёдкор.
Пок эрсанг қаҳр қилмас,
Бесабаб бермас озор.
Марҳамати тенгсиздир,
Ризқ берар у дунёга.
Жоним фидо айладим,
Ўшал соҳиб зиёга.
Асли давлат тангрининг
Фазлу-иноятидир.
Қалбда уйғонган қудрат,
Оллоҳнинг оятидир.*
Биз-чи, бизлар шоҳмиз лек,

*мўъжиза

Бандадирмиз Оллоҳга.
Гарчи давлат қўлдадир,
Муҳтождирмиз паноҳга.
Давлатимиз тангрининг
Мўъжизаси – мулкидур.
Лек давлатни яшнатган,
Инсон ақли, илкидур.
Эзгу йўлда қалбларга
Ёғду берган иймондир.
Тангри дилга солганин
Бажаргувчи инсондур.
Шукр, Оллоҳ ҳукми-ла,
Бизлар муродга етдик.
Дунё ободлигига
Сабабчи бўлиб ўтдик.

* * *

Ақл – Оллоҳ қудратин
Бир зарраси, зиёси.
Ақл билан ободдир
Инсоният дунёси.
Ҳар мушкулга ечимдир
Тафаккурнинг меваси.
Тўфонларда чўкмагай
Ақл-зако кемаси.
У қоронғу дилларни,
Ёритгувчи чироқдур.
Ким ақлга суянмас,
Ҳушёрликдан йироқдур.
Ҳар мушкулда кенгашгил,
Тадбир сўраб фикрин бил.
Тангри ризосин десанг,
Оқилларни ҳурмат қил!

* * *

Юрак-эзгулик гули,
Лисон – малҳам, кудратдур.
Қутлуғ сўз таъсирига,
Буюк «Қуръон» ибратдур.
Бир оятнинг таъсири
Мўмин қилмиш жоҳилни.
Ботинга тушган зиё,
Ёритажак зоҳирни.
Бир калом ширин сўздан
Киргай илон инига.
Инсон-чи, солгай шаксиз
Қиличини қинига.

* * *

Тун – зулматнинг подшоҳи
Кундуз – офтоб йўлдоши.
Қай бири ҳукмрондир
Амрида лашкарбоши.
Қаро тун минг чирансин,
Офтобдек нур беролмас.
Қайда зиё, ёғду бор,
Зулмат яқин келолмас.
Пок бўлса дилинг – ўйинг,
Адашмассан йўлингдан.
Озор чекмас ҳеч бир зот,
Қилич тутган қўлингдан.
Тилинг, дилинг амрини,
Тасдиқ этгил, кўрсатгил.
Ноҳақ жабр кўрганни,
Химоя эт , юпатгил.
Ҳар не десанг тил билан
Тасдиқ этгил амалда.
Сўзинг ва ҳаракатинг,

Тўсмасин қора парда.
Баҳормисан, баҳор бўл,
Яшнат қиру адирни.
Ўз йўлингда устод бил,
Ҳаракату сабрни.
Қаро бўлса амалинг,
Сен йироқсан қуёшдан.
Салтанатинг асрагил,
Мазлумлар тўккан ёшдан.
Ҳар бир айтган сўзингга,
Ибрат кўрсат, амал эт.
Оллоҳ ёр бўлсин сенга,
Ўғлим муродинга ет!

* * *

Энг улуг ибрат билсанг,
Тангрига хос, унутма.
Оллоҳни эт эътироф,
Шайтондан кўмак кутма.
Қара, қуёш меҳридан
Нур ёғилар жаҳонга.
Лолман Оллоҳ меҳридан
Бу ҳам ибрат инсонга.
Тангрининг даргоҳида
Офтоб топмиш зўр ҳурмат.
Шу сабаб кўкда жойи,
Бу ҳам бизга зўр ибрат.
Кимки дилдан хизматда
Ҳақ йўлин эт ихтиёр.
Мартабасин кўтариб
Айла уни бахтиёр.

* * *

Ҳар банда елкасида
Бордир инсонлик юки.

Заифга етмасин ҳеч
Зўравонларнинг кучи.
Қаҳратон совуғидан
Асрар оламини офтоб.
Шу меҳрнинг ўзи ҳам
Сену менга зўр хитоб.
Кимки элга масъулдир
Чоғин билгай юкини.
Талон-тарождан сақлар
Фуқаронинг мулкини.

* * *

Дарахтлару, ўт-ўланлар ҳам
Кўкка бўйлаб, талпиниб ўсар.
Хатарлардан огоҳ этгандай
Қизғалдоқлар йўлингни тўсар.
Саҳродаги ташна йўловчи
Талпингандай зилол сув томон.
Салтанатни пок диллар асраб,
Эл-улусни сақлайди омон.
Юртим обод, гулласин десанг –
Юксак турсин асрлар оша,
Пок дилларни эъзозла ҳар вақт
Сен уларга талпиниб яша.

* * *

Сувсизликдан мададга муҳтож,
Қуриётган ниҳолни кўрсанг.
Бир коса сув топиб қуй албат,
Магарда сен мусулмон бўлсанг.
Қум тўлдирган бўлса кўзини
Қўмагингга зор бўлса булоқ.
Мадад қўлин чўзиб ёрдам бер,

Яхшилик қил унга сен шу чоқ.
Мазлумлар ҳам парваришга зор,
Мадад кутса қошига келгил.
Золимларнинг чангалидан сен,
Улар ҳаққин ундириб бергил!

* * *

Доруғалар, ҳокимлар асли
Адолатнинг пешвосидирлар.
Раиятга паноҳ, биродар,
Бир оила – ошносидирлар.
Халқ кўмакка зор бўлиб турса,
Меҳр эмас, кўрсалар зулм.
Ундай ҳоким муҳаббат эмас,
Ўз-ўзига тилагай ўлим.
Эл адолат тилайди ҳар вақт,
Подшоҳ эрсанг, кўз ёшларин арт.
Қай бир ҳоким элга зулм этса,
Қилмиши-чун жазоламоқ шарт!

* * *

Тоғлар, салобатли, виқорли тоғлар,
Мағрур қоялари алп ўғлон мисол.
Минг турли гиёҳлар, чечаклар чаман,
Инсон шуурини қолдиради лол.

Шамолу бўронлар турмасин қанча,
Емира олмайди тоғу қояни.
Уларга ибрат-ла боққан ҳар инсон,
Қўнглига тугади ажиб ғояни.

Салтанат истайди подшоҳлар ёниб,
Минг йиллар тоғлардай тургувчи, кўркам.
Мен тоғдай улуғвор туздим салтанат,
Мендан сўнг абадий қолсин у бекам.

Давлатим қудрати лашкар-ла ортди,
Аммо лек, ундан-да зўр қудрат бордир.
Қай элда содиқ, мард, фидойи зот кўп,
У юртга абадий саодат ёрдир.

Давлатим жоннисор эл-юрт асради
Фидокор меъморлар айлади обод.
Гар элда шундайин беклар камайса
Шу кун салтанатим бўлажак барбод.

Не бўлса қолдиргум замон ҳукмига,
Бир сўзим англасин тахтга ким келур.
Фидойи инсонлар қанча кўп бўлса
Мамлакат тоғ каби мустаҳкам бўлур.

* * *

Ёш ниҳол ҳамиша мададга муҳтож,
Бир ширин мевадан у берса дарак.
Магарда ўзингни чин боғбон билсанг,
Унга сендан меҳр, эътибор керак.

Ва ёки сарғайган дарахт қошингда,
Мажолсиз қуёшга талпиниб турса.
Қуриган шохин қирқ, тиргак қўй, кўтар,
Бўй чўзсин, меҳринг бер, қўлингдан келса.

Насл ҳам ниҳолдур умид-имкони
Эъзозла ёш дилнинг шижоатини.
Мударрис сингари тарбият этгил,
Сўнг ўзинг кўрарсан жасоратини.

Салтанат шоҳи ҳам чин боғбон асли,
Ҳар толибга ўзни устоз деб билса,
Ҳукмидан бўй чўзар адолат қасри,
Юксалар, ёшларни тарбия қилса!

* * *

Ёвузга ким мадад берса у тайин
Шерикдур қотилнинг жиноятига.
Қай дилки адолат йўлини тутар
Лойиқдур тангрининг ҳидоятига.

Адолат мезонин маҳкам тут доим
Ёмонга босмасин ҳеч вақт тарози.
Айбдорга жазо-ю, оқилга карам-
Айласанг, ҳукмингдан Оллоҳ ҳам рози.

Хушёр бўл, гуноҳкор бир четда қолиб
Ҳукмингдан бегуноҳ азоб чекмасин.
Фармону бўйруғинг пухта қил ҳар вақт,
Адолат шаъмига зиён етмасин.

* * *

Раият ҳолидан огоҳ бўл доим,
Оқибат зиёсин кўксингда сақла.
Сенга мадад берар шунда худойим,
Шоҳ бўл, лек инсонлик бурчингни оқла.

Улуғлар ҳар бири бебаҳо давлат,
Ҳикматлар жам бўлган улкан бир китоб.
Кичикларчи, сенга фарзанд, эъзозла
Ёдда тут, барчага баробар офтоб!

* * *

Марҳамат кўрдингми, шукрин қил адо,
Яхшилик қилганга яхшилик қилғил.
Инсонни ғурбатга ташлайди хато,
Эзгулик нажотдир, бурчингни билғил.

Сахрода сояли дарахт ҳам мадад
Баҳр олсанг бир фурсат жонингни сақлаб.
Оллоҳга шукрона айтиб беадад,
Бир коса сув қуйиб кет, бурчинг оқлаб.

Яхшилик уруғин сочмай дунёга,
Ҳеч қачон Оллоҳдан марҳамат кутма.
Яқинроқ бўлайин десанг зиёга,
Сенда кимнинг ҳаққи бўлса унутма!

* * *

Ҳаётга сен ибрат кўзи ила боқ,
Сабабсиз оқибат ҳаргиз кўрмайсан.
Ҳар қадам дарс сенга, ҳар қадам сабоқ,
Фафлатга берилсанг, ҳеч не билмайсан.

Бир бошоқ топса ҳам мурғак чумоли,
Юзтаси мададга шошар бегумон.
«Бирлашган ўзар» бу улар шиори,
Кўп билан оғиринг енгилдур инон.

Гоҳ ари инини ёв этса вайрон,
Кўзғалар мингларча миттигина жон.
Душманин аёвсиз чақиб, қувишар,
Зўр лашкар сингари қурашар чунон.

Жанубга кўз тиккан йўлчи турналар –
Мақсад манзилига отланган карвон.
Минг турли азобни енгиб ўтишар,
Олдинда адашмай йўл бошлар сарбон.

Уч ибрат тимсолин ҳукми шу эрур:
– Қайдаки бирлик бор, марддир йўлбошчи.
У юртга ёвузлик сололмас раҳна,
У элдан ҳайиқар ҳар қандай «овчи!»

Ёлғиз отнинг донғи чиқмас, бу аён,
Элдан айро бурма юзу-кўзингни.
Юртингни унутма, борсанг гар қаён,
Қиличдай ўткир қил айтар сўзингни.

Салтанат заифдур оқил раҳбарсиз,
Тарқоқ эл юксалмас, холи бўлур танг.
Ҳамжиҳат мақсадга тезроқ етарсиз,
Бир мақсад йўлида бирлашиб яшанг!

* * *

Мушуқлар кўп эрур билсанг ҳаётда,
Қайиққа сув тўлиб бир кун, балиқчи.
Дарёга гарқ бўла бошлаган чоғи,
Мададга қўл чўзди унга дўст овчи.

Ҳаётнинг минг турли синовлари кўп,
Минг турли хатарлар, хадик жонингда.
Энг мушуқ чоғда ҳам мададга шайдир,
Сен учун жонфидо дўстинг ёнингда.

Дўст – мадад, дўст – таянч, дўст бу – қувончинг,
Дўстлар боғ этажак кўнгил чўлини.
Ким сенга йўлдошу, содиқ унутма,
Маҳкам тут мададга чўзган қўлини.

Дўстлар бор, меҳр ва оқибат бордир,
Юртлар бор – бутун эл дўст бўлиб яшар.
Сен шундай оқибат кўрсатгил токи,
Сени ўзига дўст деб билсин башар!

* * *

Фаровон яшайсан уйингда доим
Куну тун осуда, дилинг чароғон.

Гўёки боғ ичра кўркам ниҳолсан,
Сени ёмон кўздан асрайди боғбон.

Ажаб бу дунёдир, меҳру қаҳрда,
Инсондай жумбоқли топилмас ҳеч жон.
Олам яралгандан буён бир лаҳза,
Қирғинлар тўхтамас, гувоҳ ер-осмон.

Адоват зулм бор дунёда шаксиз,
Сабабки, шайтон бор қиёмат қадар.
Эл-улус ҳидоят йўлидан юрса,
Дунёда тотувлик бўларди агар.

Бас, қирғин бор экан, ҳимоя бордир,
Балодан асрайди кўрғон қалъалар.
Ва лекин, ундан-да муҳими лашкар,
Улар қудрати-ла давлат юксалар!

ХОТИМА

Қадимдан саҳрода адашган карвон,
Юлдузларга қараб топармиш йўлни.
Нажот тимсолидир, ҳар одил сарбон,
Саробга алданмай, босиб ўтар чўлни.

Юлдузлар, юлдузлар, сирли юлдузлар,
Йўл бошлар карвонга эзгулик томон.
Демакки, юлдузлар қанча кўп бўлса,
Саҳродаги карвон топажак омон.

Ўзлик осмонида чарақлаб ёнар,
Бизга йўл кўрсатиб буюк сиймолар.
Кўнгил шу юлдузлар сари талпинар,
Бош узра нур сочар уйғоқ Синолар.

Аҳмад ал-Фарғоний, имом-Бухорий,
Сўнмас юлдузидир жумла жаҳонни.
Элим, хур йўлингдан адашмай десанг,
Ёд эт порлоқ юлдуз – Соҳибқиронни!

БОБҲУР МИРЗОНИ ЎД ЭПИК



*Мен қайда бўлмайин қалбимда муҳр,
Умаршайх ўлимен шемурий насли.
Хилди юрт шушибмен илдиэ ошибмен
Ўдда шуш, ўлигиман, Андижон асли.*

СОҒИНЧ САЛТАНАТИ

Туркум

Чарх айланар, даврон айланар,
Минглаб улугларнинг кўзларида ёш.
Тун бўйи ёстиққа инган намларни
Субҳидам сездирмай қуритар қуёш.
Кимнинг боши кетар, қай дил имкони,
Тақдирнинг измида жонлар чирпирак.
Тунлар уйқу бермас йиллар армони,
Бунчалар бешафқат бўлмаса фалак?!
Тушларига кириб энг азиз дамлар
Туғилган ошени чорлаб қийнагай.
Дунени титратган соҳибқирон ҳам,
Ватандин йироқда юртин қўмсагай.

Эрта тонг тўшакдан турди-ю Бобур,
Маъюс кўзларидан тирқиради ёш.
Қўлларин чўзди-ю инграб юборди:
– Қанийди Андижонда чиқсайдинг, қуёш!
Бу кеча туш кўрибман ул ошиёним,
Киндик қоним тўкилган муқаддас гўша...
Чор атроф бегона, тупроқ бегона,
Бешиқда кўрганим бу қуёш – ўша!
Хилма-хил неъматлар, минглаб ғуломлар...
Давлатим кундан-кун бўлмоқда бисёр.
Аградан минг бора азизроқ эди.
Қорадарё бўйидаги ўша Куйганёр. *
Тушда кўрган гўшам, қани у маскан?
Кошкийди, анда мен ҳеч уйғонмасам,
Бардош мендан юзин ўгирар магар,
Она диёримни бир бор кўрмасам?
Толиққан руҳимга мадор бермас Ҳинд
– Андижон, хаёлдай бунчалар йироқ.
Мана шу ҳиндунинг тустовуғидан,
Ахсининг бир қултум суви лазизроқ.
Лаблари қуруқшаб, юзлари сўлғин,
Соғинчдан юраги ўртанар эди.

*Андижондаги қишлоқ

Сарой бекларидан бири кирди-ю:
– Шоҳим, Фарғонадан чопар бор, – деди.
Бир титроқ чулғади бутун вужудин,
Қароғин ҳарир нам қоплади тўлиб.
Кўзларин мунчоғин сидирар экан,
Шукроналар айтди кўкка тикилиб...
Ана у, кўринди, эҳтиром ила,
Ўктам – жаҳонгирга қилганча таъзим.
Марҳабо – деганча босди бағрига,
Кўзи нам султонга ҳайрон мулозим.
Сўроқлар ёғилар юлдуздай сонсиз:
– Андижон қай аҳволда, Фарғона, Тошканд...
Ёри диёримни кўпдан соғиндим,
О тақдир, бунчалар менга берди панд!
Яна у бекларнинг кўзлари тўймай,
Давом эттирурми ички низони?
Андижон қалъаси омонми айтинг,
Эл эслаб турурми Бобурмирзони?
...Фарғона водийсин тухфаларини
Савдогар Бобурнинг пойига қўйди.
Кўзларига суртди Бобур энтикиб,
Кўксида қандайин оғриқни туйди.
– Во ажаб, бул мева-анори Хўжанд,
Субҳоний Марғинон ўригиндандур!
– Мирзом, хотирангиз бисёри ўткир,
Ростким Субҳоний Марғинонданким.
Ҳадялар ичида пушти ёғочдан
Сержило бир қамчин диққатин тортди.
– Э воҳ, бу тобулғу ёғочиданким!
Барчанинг Бобурга ҳайрати ортди.
Фарғона қовунин кўрган чоғ бирдан
Кўзидан мунчоқдек тўкилди ёши.
Ватанин соғинчи ўткирроқ экан
Дош бера олмади Бобур бардоши.
Лаблари пичирлар юракда армон
Соғинч тилкаларди уни беомон:
«Ғурбатда ул ой ҳажри мени, нисор қилибдур
Ҳижрон билан ғурбат менга таъсир қилубдур,
Маъзур боринча қилурман саъйи висолинг,
Тангри не билмонки не тахсир қилубдур.

Тақдиру ул ён, бул ён солғучи йўқса,
Кимга ҳавас эрди Санбалу Татйир* қилубдур.
Бу ҳинду ери ҳосилидин кўп кўнгил олдим,
Несудки бу ер мени тақдир қилубдур.
Сендин бу қадар қолди йироқ ўлмади Бобур
Маъзур тут эй ёрки, тақсир қилубдур».
Қовунни сўйишгач тутдилар унга,
Бобуршоҳ кўзида халқа-халқа ёш.
Кўкка у қўл чўзиб тикилар эди,
Гўё Андижонда чиққандай қуёш...

ТЕМУРИЙЛАР

*...Унутма деб уқтирдим,
Қадим голиб зотингни...*

Кўшиқдан

Андижон – уйғонар водий пойтахти,
Кўксида минг-минглаб гулу лолалар.
Бунда мўйловлари сабза урмаган
Юртни бошқаради ҳали болалар.

Ҳали бир зот улғаяр бу туркий ичра
Орзу этганидай ҳазрат Навоий.
Йиллар ўтар ҳали, асрлар ўтар,
Авлодларга хабар сўйлайди ровий.

Зукколикда барчанинг лол этар ақлин
Туркнинг барча ўтмишин билади нақлин.
Фахрга тўлади Умаршайх Мирзо,
Бобур муаллимидин бўлиб кўп ризо.

Шаҳзода Бобурнинг билимдонлигин
Синамоқ зайлида қурдилар мажлис.
Кичик аслзода ширин тилидан
Ўйноқи ғазаллар тингланди нафис.

*Ҳиндистон ерлари

Умаршайх Мирзоким Бобурдин мамнун
Бекларнинг ичида ғурури ортди.
Кичик шаҳзоданинг ақлу-зақоси
Сарой аёнларин фикрини тортди.
Умаршайх сўрдиким:
– Тингланг, шаҳзодам,
Бу байтлар қайси бир шуароники:
«Ҳажр ўтидин шом агар мендек эмас беҳоб шамъ»
Бобурбек:
– Ҳазрати Навоийники!

...Фазаллар ўқилур Ҳофиздан жўшқин,
Низомий сўзлари кетди жаранглаб.
Етти ёшли мирзонинг айрим байтларин
Ҳатто нўноқ беклар олмаслар англаб.

Сарой бекларидан Субҳон Акбар
Шаҳзода зеҳнини билмоқ шайланур:
– Билурмисиз шаҳзодам ул Соҳибқирон –
Темурбекка наслингиз қандай бойланур?

Кичкина Бобурнинг кўзлари ёнди
Бир зум кўз ўнгида бобо сурати:
– Нега мен билмайин, Умаршайх мирзо,
Камина – Бобур ҳам унинг неъматини.

Бегим, Соҳибқирон бобомиз руҳи
Бизни ҳар қадамда доим қўллағай.
Жойлари жаннатда бўлсин ул зотни,
Танграм ул олийни раҳматлар қилғай.

Авлодин билмаса бек, у бек эмас,
Билинг, ёд этганни Ҳақ ҳам қўллағай.
Хотирлаб руҳини шод қилмас экан,
То қиёмат ул зотлар нолон бўзлағай.

Инсонийлик – ҳар зотнинг авлодин билмоқ
Ҳар қадам шул зотлар руҳи-ла юрмоқ.
Бобом Темурбекка қондош авлодмен,
Мен ҳам ул кишидан қолгон неъматмен.

Ул зотдан бошланар менинг авлодим,
Ул бекнинг учинчи ўғли Мироншоҳ
Мироншоҳ фарзанди Султон Муҳаммад,
Мени ул зотлар руҳи қўллар тоабад.
Султон Муҳаммаднинг ўғлидур бобом,
Султон Абусаид атолғон исми.
Табаррук падарим Умаршайх мирзо
Султон Абусаид қолдирғон жисми.
Умаршайх отамдур – падарим – фахрим.
Самарқанд – каъбаму, Андижон – шаҳрим!
Офарин ёғилур сарой аҳлидин
Барча лол қоладир мирзо зеҳнидин.
Камолот чўққиси чорларди уни,
Фозилу оқиллар-ла ўтарди куни.
Тақдир бул ажабдур ҳеч ким билмағай,
Ҳиндни ўйлабмиди Бобуршоҳ гумон.
Ёшига ёш қўшилар, улғаяди ул
Уни ўз бағрига олади уммон.
Тақдирдан ҳеч кимса қутилғон эмас,
Қўрқоқлар ҳақида тарих битилмас.
Ҳозирча кичкина, кунлар келарким,
Бир зот улғаяди, абадий ўлмас!

ХАЙРЛАШУВ

Йиллар ўтаверар тўхтамас бир зум
Қиличлар жаранги, бева оналар.
Ўғилсиз қадди дол, мискин боболар...
Саробга айланар покиза орзу
Сотқинга айланса ишонган беклар.
Кўзлари кулади, асрори пинҳон
Тош бўлиб отилар кечаги кеклар.

Тўпидан айрилган турнадек тунда
Ҳарир чодир ичра инграйди фақир:
– Эзгу иш бошини тутдим бўлмади
Бу кун Андижондан айирди тақдир!
Эзгулик сўз билан бўлмади нетай,
Керак экан бунда қилич ва қалқон!

Минглаб черикларнинг жонсиз танаси
Аму қон, Зарафшон, Сирда оқар қон...

Бобуршоҳ чодраси, эриб борар шам
Лаблари пичирлар, киприклари нам:
– Тақдир мени қайларга элтади билмам,
Онамсан Андижон, муқаддас қаср.
Синган бир қиличдай калта қўлларим
Андижон, сен заиф ўғлингни кечир!

Отамнинг арвоҳи қолди чирқираб
Бу кун ожиздурмен, кулбасиз, ғариб.
Не қилай бир умид чорлайди мени
Тоғ оша интилгум омад ахтариб.
Бу тупроқ, бу замин, бу само, очун,
Соғинчи ҳеч қачон тарк этмас мени.
Мен қайда бўлмайин тирикман токи,
Андижон, Каъбам деб эслайман сени.

Шоҳ Бобур ўғлингни унутмассан сен
Балки тақдиримда бир кун висол бор.
Кечиргил, Онажон, заиф ўғлингни
Андижон – бешигим, хайр энди, хуш қол!
Насимлар – Андижон ғиркўк отлари
Отамнинг қабрини қўйманг ёлғизлаб...

Йилларнинг кўксида оқаман қалқиб
Ҳилолнинг шуъласи ёритар йўлим.
Бу кун душманнинг ошиғи олчи,
Эртага, албатта, баланддир қўлим.

Андижон, орзуим гуллатмоқ эди,
Тупроққа беланган кўчаларингни,
Андижон, ишонгин ёритмоқ эди,
Нурсиз сенинг қаро кечаларингни.

Низолар босилса, оға-инилар,
Бир-бирин бошига солмаса қилич,
Андижон юксалса Самарқанд мисол,
Бобом замонидек улуғвор ва тинч.

Шоҳ учун қиличнинг дамлари ўткир,
Бўлмоғи тайиндир, бу-ку бор мантиқ.
Қанча танбалларни кечирдим, эй воҳ
Кўксига санчмадим, нечун, нечун тиг!
Ким кимла урушар, кимга ким душман,
Икки ён томирида темурий қони.
Бу зотлар осойиш бермайди юртга.
Тўхтатмоқ керақдир ички низони!
Бошига тушар-ку бу офат, кулфат,
Наҳот оғаларим эртани кўрмас?
Бу кун мен ғарибмен, эрта кун улар
Нечун бобом қони томирида урмас?

Хайр энди, Андижон, Фарғонам, хайр,
Хайр, олтин водий тоғу-тошлари.
Хайр, эй Зарафшон, хайр Сир, Аму –
Туркимнинг лиммо-лим ҳасрат ёшлари...

* * *

Жангу жадалларда ўлмадим, тангрим,
Ўзинга минг бора айтаман, шуқр.
Эзгулик йўлида қонлар тўқдим мен
Оллоҳим гуноҳқор бандангни кечир!
Мана қатор йиллар ўтди-ю кетди
Сочимда оқ толалар кўпайибди, воҳ.
Ҳинд ери жаннатдек, лек бу юракка
Фарғонамдек таскин беролмайди, оҳ!
Мен қайда бўлмайин қалбимда муҳр,
Умаршайх ўғлимен, темурий насли.
Ҳиндни юрт тутибмен, илдиз отибмен,
Ёдда тут, ўғлингман, Андижон асли!

* * *

Бобурингман, айрилган ул наҳру Андижонидин,
Ашъорларим деманг сиёҳ, алар юрак қонимдан,
Қайтолмасман Ҳинд мулкидин кўзларимда ашк қатор,
Топарму деб қийнар жоним алар менинг шонимдин,
Боролмасман Андижонга ғаним тўсган еримни,
О, Самарқанд, ўзинг чорла Ҳумоюним – ўғлимни,
Тангрим, сендан ёлғиз ўтинч, руҳим қилма дарбадар,
Бобурийлар макон этсин ғаним чиққан тўримни.

Кўздан қолсам, сўздан қолсам ва лек ўлмағай соғинч,
Бобурмирзо юраги бу мангу зорланган нотинч,
Хумоюним, сен Ватанга насиб этса боролсанг,
Аввалида Қорадарё сувидин бир қултум ич!
Шунда менинг руҳим бир зум ором олар, чироғим
Кўшким бўлур эди Ўшда асрар Барокўҳ тоғим,
Туронимнинг тупроғига таъзим қилиб ерим ўп!
Ўша ерга ҳоким кўмғил, тикла Бобурий боғим!
Ҳолдан тойди Бобур Мирзо, сўзларида дард тугал
Сўздан қолди Бобур мирзо, кўзларида дард тугал,
Кўздан қолди Бобур мирзо, юрагида дард тугал...
Ҳолсиз қўлин кўкрагига босиб таслим этди жон,
Юрагида кетди уни ёри, жони, Андижон...

* * *

Тинчлик бермас менга бир илоҳий рух,
Кечалар ёнимда силайди бошим.
Мен сени ёд этдим бағрим бўлиб хун,
Бобурим, падарим, дардли юртдошим.
Пичирлаб келасан хаёлим олиб,
«Ҳиндда қолди дея сўзларим маним.
Осмонингда ҳар дам ёритар йўлинг.
Андижонда қолган кўзларим маним».
Ватан ишқидир бу муқаддас туйғу,
Айтгин, тоғлар ошиб кетиб нетасан?
Тушларимда ҳар тун оҳ уриб нолон,
Андижонни нечун ташлаб кетасан?
Юксалтирмақ эди ўйинг шаҳримни,
Самарқанду Хива, Бухоро каби.
Сен Афғонда бедор, бедор ётасан,
Келарму деб тоғ ортидан Ватан хабари.
Юксалади ҳали, кўҳна Андижон
Ўғиллари кўпдир бу гул шаҳарнинг,
Маконига айланар, келади у кун
Сен қўмсаган ўша гул-гул баҳорнинг.
Беш юз йил ўчмайди ёдида номинг
Ялпизлар кўз тикар ариқ бўйларда.
Ҳар тонг интиқ сени соғиниб кутар
Андижоннинг кўзи ҳануз йўлларда.

1988

245

КЕТАЁТГАН КУНЛАРИМ, ХАЙР...

I

Хайрлашиш вақти келдим, ул дам,
Кипригимга қўнмиш чучмомадай нам,
Қўнгил нечун маъюс, қўнгилда не ғам,
Шунча тез ўтдим, эллик йил сайр,
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Сиздан гинам йўқдир, сизга йўқ арзим,
Кулиб кузотолмам, бу менинг қарзим,
Қўнглимда қумрилар йиглаб қолса ҳам,
Энди хайрлашмоқ, айрилмоқ фарзим.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Сизда яшаб ўтдим, бедор кунларим,
Қўксимда муҳаббат кулган тунларим,
Гоҳо юлдузлардан ошиб кетдилар,
Фалакни тўлдириб чеккан унларим,
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Сиз-ла кечди қанча, фараҳли оним,
Хайр десам, тилим, оғрийди жоним,
Қандай қўнглингизни олсам экан-а,
Эллик йиллик менинг азиз меҳмоним,
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Гўёки йил эмас, оний хушдайсиз,
Бир кечалик меҳмон – қочқоқ тушдайсиз,
Умрим дарахтига бир лаҳза қўниб,
Яна учиб кетган йўлчи қушдайсиз.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Онам-ла кечирган онларим сизда,
Отам-ла кечирган онларим сизда,
Қандай қилиб айтинг, қўйиб юборай,
Қайтмай кетаётган тонгларим сизда.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Сиз севгимга ёлғиз гувоҳ каптарим,
Ўзи сизсиз ҳамки бу кўнглим ярим,
Қанча шеърларимнинг тинглагувчиси,
Кўнглимни кўчирган ўшал дафтарим.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Дўстлар топдим, тоғдай суянч бўлгулик,
Оҳ десам, мен учун жонин бергулик,
Лекин, бу ҳаёт ҳам бир ўрмон экан
Бу ҳам одамзотнинг шўри, кўргулик.

Гоҳо захрин тотдим газандаларни,
Калхатдай, қузгундай паррандаларни,
Юрагимда қанча тишин изи бор,
...Кўнглимга чанг солган даррандаларни.

Қанча безотларга учрадим, юзсиз,
Уларга хайф эрур инсонлик, эссиз...
Шунча дунё кезиб, дунёдан бешиб
Мен қандай яшайман, суянчсиз, сизсиз,
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Фалати экан бу тириклик азим,
Гоҳо тонг, тунларга қиларкан таъзим,
Кўнглимни чил-чил синдирган куни,
Кўнгилсизлар ажаб бошларкан базм.

Бесамар онлар-чун мени кечиринг,
Фафлатли тонглар-чун мени кечиринг,
Севгидан висолмас, армонлар топдим,
Қалбдаги занглар-чун мени кечиринг...
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Нолисам, ўкинсам айб бўлгайдир,
Бахт келса, ғамлар ҳам ғойиб бўлгайдир,
Сизни эркалатиб, эъозлаш мумкин,
Қандай қилиб сизни койиб бўлгайдир.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Кўнгилга шеър завқи келган кечалар,
Кўнгил юлдузларга тўлган кечалар,
Сиз билан тонггача қўшиқлар айтдик,
Ўксиган бахтимиз кулган кечалар.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Меҳрда бир ширин аҳдлар топдик биз,
Бешикдай муборак тахтлар топдик биз,
Кечиккан бўлса-да ноумид кетмай,
Дунёда дунёдай бахтлар топдик биз
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Шукр, эрк йўлига чечаклар экдик,
Аждодлар етмаган бахтга ҳам етдик,
Сиз билан елкадош, ҳамдард дўст каби
Қанча довонлардан, йўллардан ўтдик.
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Қанча қувончларим сиз билан кетар,
Қанча кўз ёшларим сиз билан кетар,
Менга кўнглимдаги доғларим етар,
Менга кўнглимдаги боғларим етар,
Мендан кетаётган кунларим, хайр!

Хайр дегим келмас сизга сира ҳам,
Йўқ, йиғламаяпман, йўқ кўзимда нам,
Отамни, онамни кузатган каби,
Бунча қийин экан видолашар дам.
Мендан кетаётган кунларим, хайр...

II

Ҳали тилимизда қанча шеър, калом,
Умримиз, лаҳзалар, этажак давом,
Ўтган кунларда ҳам иззатимиз бор,
Келаётган кунлар, Сизга Ассалом!

2015

ДУМ СУЗЛАР



*Ўйларимни эй фалак, сен ўзини Ғиёш айла,
Шеър деб ёккан Заҳматим кўнлимга бол, шон айла,
Ўстозларим меҳрини Алишер деб ата-ю
Ўлар дилин мен каби шоирдога Ҳирот айла...*

ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ЯНА БИР МИРЗОСИ

Қайси жанрда бўлмасин, бадиий ижоднинг моҳияти бир хилдир. Яъни, ижодкор бадиий образлар орқали муайян воқеликни тасвирлайди. Бироқ ҳар бир қаламкашда қайсидир алоҳида мавзу устуворлик қилиши ҳам табиий ҳолдир. Дейлик, кимдир табиатни, кимдир севги-муҳаббатни кўпроқ куйлар, кимнингдир таъби эса ҳазил-мутойибага мойил бўлар. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам Ватан ва халқ мавзуси барчамиз учун муштарак бўлиб қолаверади.

Биз ҳозир сўз юритаётган иқтидорли шоир Минҳожиддин Мирзо ижодида юқоридаги барча мавзулар ифодасини учратиш мумкин. Айтиш чоғда шоирнинг шеърларида истиқлол, замон руҳи, юртдошларимизнинг ўй-кечинмаларини тараннум этиш етакчи мақомга эга эканлигини мамнуният билан эътироф этиш зарур. Минҳожиддин Мирзо «Юлдузим» деб аталган ушбу шеърлар ва дoston китобида «Ким Ватанга ёрдир, Ватан анга ёр» деган сатрларни пешлавҳага бежиз чиқармаган.

Минҳожиддин Мирзо шеърларида она юрт, ўчмас иймон каби муқаддас тушунчалар ғоят юксак даражада шарафланади. Қадим Андижонда, Бобур ва Чўлпондек зотларни етиштирган заминда туғилиб ўсган шоиримиз хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда ёзмасин, унинг нуқтаи назари яққол кўзга ташланиб туради.

**Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири**

«ҚАЙҒУ ГУЛИ» ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Тарихимиз беқиёс рангин гўзалликларга тўла, уни бадиий инкишоф этмак, бадиий ифодаламак ёзувчиларимиз, шоирларимиз, мусаввирларимизнинг ишидир. Умидли шоир Минҳожиддин Мирзонинг «Қайғу гули» асари руҳоний тарихимизга бир назар, уни сўз билан ифодалашга интилишнинг бир мевасидир. Бобораҳим Машраб-дек улуғ шоир, мураккаб шахс руҳиятини англашга интилиш, сатрлардаги тоза самимият ва машрабона туғён шериятимизга яна бир дилбар шоир кириб келаётганидан дарак беради.

Рауф ПАРФИ,
Ўзбекистон халқ шоири

ИЖОД ШАҲРИНИНГ ШОИРИ

Минҳожиддин Мирзо Андижон шаҳрининг элга манзур талант соҳиббаси бўлган шоирамиз Саида Зуннунова қутлуғ хонадонига девор-дармиён уйда таваллуд топган. Миллий мустақиллик учун жон фидо қилган оташсўз заргари Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, мумтоз шеърятимиз буюк онахони, ғазал бўстонининг бетакрор, сайроқ булбули Нодира – Моҳларойим, буюк бобоси Соҳибқирон Темур сингари олмос қиличи билан душман тўдаларини қийратган, армон тўла шеърятини билан эса юракларни яйратган, титратган илму-заковати оламжаҳон шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган жойлар ҳам шу кўчага яқин. Минҳожиддин Мирзонинг шеърини тафаккури кенг. Унинг ижодида, аввало, Ватан, миллат тимсоли, унга чексиз садоқат ҳисси етакчилик қилади. Абадий ишқу муҳаббат шоир битикларининг жўшқин, покиза қон томиридир. Олий инсоний дўстлик, яхшилик, эзгу ният, ишонч, орзу-умид унга чексиз илҳом бағишлайди. Минҳожиддин Мирзо кўплаб шеърларида водий халқларининг энг яхши ибратли фазилатлари, ватанпарварлик, дўстпарварлик, меҳнатсеварлик, чидам ва бардош, яратувчилик хусусиятлари, ўзига ярашган феъл-атворларини меҳр билан тараннум этган. Катта, аммо заҳматли ижод майдонида ўзига хос ўрин ва мавқе топа олган

шоирга юқорида фахр билан муборак номларини тилга олганимиз – улуғлар руҳи мададкор бўлсин! Буюк адабиёт ҳомийси, донишманд йўлбошчи, муҳтарам Юртбошимизнинг ижод аҳли учун яратиб берган эркин муҳит ва қулай имкониятлардан тўла фойдаланиб янги-янги асарлар яратишига ишончим комил.

**Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири**

ҚАДАМЛАРИ ҚУТЛУФ ШОИР

Ватанни онадан, онани Ватандан, ёшликни бахтдан, бахтни ёшлиқдан, мустақилликни озодликдан, озодликни мустақилликдан, истеъдодни дадил қадамлардан, чинакам ижодни билим ва меҳнатдан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов айтганларидек, «Минҳожиддин Мирзо шеърлятида она юрт, ўлмас иймон каби муқаддас тушунчалар гоё юксак даражада шарафланади».

Ҳа, ана шундай, шоир Минҳожиддин Мирзо – Андижон фарзанди. У қаерда бўлмасин, ҳамиша юрт соғинчи, мустақиллик берган озодлик ва бахтни ёниб-ёниб гоҳ назмда, гоҳ насрда куйлашга, барчага баланд овоз билан баралла айтишга ҳаракат қилади.

Минҳожиддин билан ёшимиз орасида катта фарқ бор. Бўлажак шоир билан «Андижоннома» газетасида бир хонада ишлаганмиз. Ўшанда у ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида ўқир, газетага амалиёт ўтагани келганди. Ёзганларимизнинг биринчи ўқувчиси, танқидчиси ҳам ўзимиз эдик.

Ёдимда, илк бор матбуотда чоп этилган бир туркум шеърлари дунё юзини кўрганида газетхонлардан келган хатларни биргалашиб ўқишиб, шоирдан ҳам кўпроқ менинг хурсанд бўлганимни ҳали айтиб юраман. Агар янглишмасам, Минҳожиддин бизнинг газетада чамаси, икки йил амалиёт ўтади. Ундаги тезкорлик, ҳозиржавобликни сезган Республика радиоси ўқишини битириши арафасида ишга таклиф қилди. Биз унга оқ фотиҳа тиладик.

Ўша йиллари ҳамма кутиб, зориқиб эшитадиган

«Субҳидам» эшиттириши уни бутун юртга танитди. Ўз устида ишлашдан бир зум тинмаган укамиз турли масъул лавозимларда ишлади. Аммо у ижоддан бир лаҳза ҳам тинмади. Ёзганлари марказий газета ва журналларда босилиб турди. Шоир сифатида энди мамлакатга танилди. Унинг «Нилуфар», «Висол хабари», «Юлдузим», «Кўнглим куртаклари» каби шеърини тўпламлари ҳақида таниқли адабиётшунос ва олимларимизнинг фикрлари матбуотларда эълон қилинди. Бу ўз навбатида шоирни янада ўз устида кўпроқ меҳнат қилиш, изланишга ундади, масъулият ҳиссини оширди.

Андижоннинг яна бир фарзанди, халқ шоири Муҳаммад Юсуф вафотидан кейин фурсат ўтиб унинг ўрнига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари этиб Минҳожиддин Мирзо таклиф этилди. Бу даврда ҳам у кўплаб ёш ижодкорларни кашф этди.

Қайси вазифада ишламасин, суҳбатларимизда «Олимжон ака, мен энг аввало шоирман» деганлари ёдимда. Ҳар гал Андижон адиблари тилга олинганида Бобур, Нодирабегим, Чўлпон, Комил Яшин, Ҳабибий, Саида Зуннунова, Муҳаммад Али, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжалар қатори Минҳожиддин Мирзонинг номи ҳам тилга олинади. Бу эса айни вақтда фахр ва масъулиятдир. У ҳеч муболағасиз шеърдан-шеърга, китобдан-китобга ўсди. Ёзганлари эса сайқал топди. Истеъдод соҳибини мамлакатимизга танитди.

Ривоятларда айтишларича, осмондаги сонсиз, саноксиз юлдузлар ичра ҳар кимнинг ўз юлдузи бўлармиш. Агар инсон юлдузини топа олса, у энг бахтли одам бўлар экан. Шоирнинг «Юлдузим» деб номланган китобини варақлар эканман, у ўз ёрқин юлдузини топгани ва барчанинг эътиборига сазовор бўлганига амин бўламан.

«Қайғу гули» достони ҳақида сўз айтишдан аввал достончиликда кўпдан қўлланиб келинаётган баёнчилик, ҳикоя қилиб бериш, агар жоиз бўлса, жаҳон андозаларини ҳам қиялаб ўтиб, ўқувчини зериктирмайдиган услублар қидириш, эса қоларли воқеаларни тиниқ ва иймонли мисраларда бериш Минҳожиддин Мирзонинг ўз йўли бўлса ажабмас, дегинг келади.

Ғоят сермашаққат ижод майдонида от сураётган, қадамлари муборак Минҳожиддин Мирзога бугун ҳорманг,

толманг, қадамларингиз қутлуғ ва дадил бўлсин, ишлаб чарчаманг, дегим келади.

Йўқ, алдамаяпман ўзимни ўзим.
Ишончим бор ҳали ҳаётдан маним.
Бир булбул умрини яшашим керак
Қизғалдоқ остига киргунча таним.

**Олимжон ХОЛДОР,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**

КЎЗГУ

Ижодқор, аввало, инсон бўлиши керак, дейишади. Хўш, инсоннинг инсондан фарқи нимада? Унинг кўнглида, нафсида... Минҳожиддин қаерда бўлмасин кўнглини нафсидан баланд қўйиб ишлаб келмоқда... Баъзан камина у кишига: «Зулфиядек шоира, «шу Минҳожиддин бошқача ёзади-да, биласизми, шеърларида одам ҳавас қиладиган тиниқлик, босиқлик, теранлик бор» деганлара-а, Сизни кўпга танитган ижодни эсдан чиқариб қўйманг», дер эдим.

Яратганга шукр, теран дарё тагидан оқади деганларидек, шоиримизнинг ижоди ҳам иш билан пайваста. Кейинги пайтларда нашрдан чиқан китоблари, шеърлари бунинг исботидир. У ижодқоримизнинг кимлигини кўзгудек намён қилиб турибди. Истагим, адабиёт ихлосмандлари бу бу кўзгулар орқали, аввало, ўзларини топсинлар, қолаверса кечаги, бугунги ва эртанги кунларни кўрсинлар, завқлансинлар, мароқлансинлар.

**Эркин МАЛИК,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист**

ОДОБ ВА АДАБИЁТНИНГ ЎҒЛИ

Минҳожиддин Мирзони эслашнинг ўзида кўнгилга ёруғлик, иссиқлик югуради. Ва ҳар гал дилимдан: «Аллоҳ кимга ўғил фарзанд берса, шу йигитга ўхшасин», деган тилак ўтади.

Салобатли, файзли Эргашхон ая – Минҳожиддиннинг

оналари билан учрашган кунимни тақдирга миннатдорчилик, шукрона билан эслайман. Аслида, бор-йўғи бир марта кўришганмиз, лекин қалбидаги эзгуликка йўғрилган гўзаллик борлиғига нур таратаётгандек эди у фариштали аёлнинг (Аллоҳ раҳматига олсин!). Ярим соатми, бир соатми давом этган суҳбатда меҳрим тушди, бош-қа кўришув насиб этмади. Аммо камсуқум Эргашон аянинг маърифатли, саҳоватли, эътиқоди бутун, ўзгаларни эъзозлаш баробарида ўз шаъни-номини бегард сақлаган қалбининг янги-янги манзаралари мен учун ҳалигача Минҳожиддин тимсолида очилаверади. Зеро, у мушфиқ онаизор, падари бузруквор халқига, она Ватанига қолдирган ёдгори, орзу-умидларининг давомчиси, ўзларидан аввалги авлоднинг қалб гулшанидан терган маънавий ганжиналарини фарзандларига ишониб топшириб кетишганки, Минҳожиддин ёзади:

Эй муборак замин, эй қутлуғ макон,
Юзимни босаман онам деб сени.
Отамни соғинсам, сен таскин тилаб,
Отамдек овутиб юпатдинг мени.

...Шаффоф сувлар узра фақат шуъла жилваланади. Минҳожиддин табиатан эзгулик, яхшилик, нафосат, шарқона одоб-ахлоқ фарзанди, дегим келади. Ривоятларда айтилишича, бир болакайнинг чиройли саломи, тавозесидан таъсирланиб: «Кимнинг фарзандисан?» – деб сўраган донишмандга бола: «Одобнинг ўғлиман», – деб жавоб берибди. «Қандай ажойиб ота-онанг бор экан!» дея яна ҳам ҳайратланган, қувонган экан у улуғ инсон.

Минҳожиддин Мирзо билан битта жамоада ҳамкорликда ишлаган ижодкорлар уни яхши кўриб қолишади. Кейинчалик бошқа-бошқа жойларда фаолиятимизни давом эттирсак ҳам, ҳаминша ўша йилларни соғиниб эслаймиз. Сабаби ўзи ёш-у, фикрларининг салмоғи салобатли бўлган укамиз ҳамманинг яхши жиҳатларини кўради, қадрлайди ва бу хислатларни жамият манфаатига хизмат қилдиришга интилади. У кириб келганда каттаю кичик давра аҳли юзида албатта қувонч пайдо бўлади, ним табассум билан озгина чиройли ҳазил (лутф десаям бўлади) билан пардозланган муомаласига ким оналик, кимлар опа-сингиллик, ака-укалик меҳр-муҳаббати билан боғланиб қолади

– бундай бахт ҳаммагаям насиб этавермайди. Зеро, шоир укамизнинг:

Дилим қуёшидан ёришсин юзим,
Ўзимники бўлсин кулгум ҳам бўзим.
Рухимга бегона ҳисга талпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан, сўзим.

дея ёзгани шунчаки шоирона сатрлар эмас, эътиқоди ҳақиқатининг эътирофи.

Шарқона урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар моҳиятини теран англаш ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида ёзмаган журналист камдан-кам топилади. Аммо айтилганларни ҳаётда бевосита қўллаш, фалсафаси ва нафосатини амалда татбиқ этиш учун киши қалбида катта миллий ғурур дарахти гуркираши керак, менимча. Ватанимиз мустақил деб эълон қилингандан кейин халқимиз олдида иқтисодий масалаю муаммоларни ҳал этиш қанчалар муҳим бўлса, қарийб бир аср давомида «совет миллати»ни шакллантириш учун собиқ тузум мафкурачилари томонидан юзига қора чизик, парда тортилган миллий ўзликнинг қиёфасини очиш, қадр-қимматини тиклаш, кундалик ҳаётимизга олиб кириш ҳам шунчалар долзарб вазифа эди. Ўша йиллари «O‘zbekiston» радиоканалида Минҳожиддин Мирзонинг «Субҳидам саломи» номли муаллифлик эшиттириши пайдо бўлди. Ҳаммининг, айниқса, тарихи ва болалигининг ўчмас саҳифалари бўлган маънавий меросини қайта топиб олган кексаларнинг меҳри тушди бу эшиттиришга. Субҳи содиқда, Аллоҳ насиб этган янги ҳафтанинг илк тонгида бу дастур хонадонларга, кўнгилларга маънавий неъматлар олиб кирди. Унинг иштирокчилари: маънавият аҳли, фольклоршунослар, бахшилар, олимлар, халқ кўшиқчилари, ижодкорлар, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган отоналар... Эшиттириш ўша пайтгача анъана тусини олишга улгурган баландпарвоз суҳандонлик, сўзбозлик ва шунингдек, ҳиссиз нотиклик қобикларини ёриб чиқди. Дастур саҳифаларидаги боқий ҳикматлар йўғрилган ривоят ва ҳикоятлар, эркин мулоқотларда иштирокчилар айтган аллалар, «Ёр-ёр»лар, ибратли ҳикоялар, ғазаллар янги авлод қалбига кириб бориши учун гўё бир кўприк қурилгандек эди.

Минҳожиддин вазиятга, одамларга қараб муомаласини, иш услубини ўзгартирмайди. Бу, аввало, унда меҳнат-машаққатсиз келадиган манфаатга умидворлик туйғуси йўқлигидан, қолаверса, у қандай бўлмасин, ҳаммага бирдек яхши кўринишни эмас, балки ҳар қандай вазиятда эътиқоди, виждонининг юзига тик ва холис қараб, давлатимиз ҳамда инсонийлик қонун-қоидаларига тўғри келадиган фикрни айтишга одатланган.

Тилу забонимга сеҳру қудрат бер,
Дилимга шеър отлиқ мунис журъат бер.
Юлдузлар сафида этма хижолат,
Юлдуздай нур беру соҳир журъат бер!

Минҳожиддиннинг шеърларини ўқиркан, унинг ҳамиша майин табассумдан ёришган нигоҳлари зоҳирида қалбига чайир илдизлари ботган соғинч, интизорлик дарахтининг заъфарон-қизғиш япроқларидан силқиган дардларни шоир қалби (мисоли кўзда ёш билан жилмайган каби) мастона шивирлайди...

Шивирлама хаёлим бўлиб,
Лабларимга томизма бода.
Ҳозир жоним кетар тўкилиб,
Шивирлама менга, шаббода.

Нафасингни ўхшатдим жуда
Менга азиз бўлган нафасга.
Кўй, жонимни учирворасан,
Зўрға солдим ўзи қафасга.

Шивирлама менга, шаббода,
Кўзгатма дил япроқларини.
Кўтаролмас энди вужудим
Бу юракнинг титроқларини...

Шу каби шеърларни ўқиб ажабланасан: «Ҳамиша кулиб тургувчи, атрофидагиларнинг кайфиятини, руҳиятини кўтариши оддий ҳол бўлиб қолган шоир укамиз қалбида шунча изтироблар... уларни фақат оқ қоғозга, шеърга, ота-онасидек азиз бўлган адабиёт орқали тушунганларга чиройли қилиб айтади...» Кўнгил дарди – инсон интилиб етма-

ган юксакликлар умидидан узилмаган нигоҳдан томиб-томиб умр кўксини куйдирган самандар учкунлармикин?.. Дард-сизликдан асрасин, инсонни мукамаллаштирадиган, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Абдулла Қодирий, Боту, Чўлпон, Усмон Носирлардан мерос – халқу Ватан тақдири билан боғлиқ ёрқин дардларга кўксимиз очиқ дарвоза бўлсин.

**Муҳтарама УЛУФОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими**

«ҲАЛИ ТИЛИМИЗДА ҚАНЧА ШЕЪР, КАЛОМ...»

Минҳожиддин Мирзо билан ўсмирлик чоғимиздан, яъни бепоён Ўзбекистонимизнинг турли гўшаларидан пойтахтга келган, кўзлари чақноқ йигит-қизларни юксак ва жозибадор орзу – илм олиш ва адабиётга ошно бўлиш истаги жипслаштирган дамлардан бери ёнма-ён, ҳамнафасмиз. Бошқача қилиб айтсам, шоирликка ҳавасманд, юраги инжа туйғулар билан лиммо-лим тўлган бир ўспирин йигитчанинг қай тарз маъно ва мазмунга тўлиб, тиниқ ва гўзал шеър дурдоналари ярата оладиган чин шоир бўлиб етишганига гувоҳман. Талабалик даврларининг туганмас баҳслари, ёрқин келажак билан пайваста тоза орзулари, аудиториялардаги маърузалардан олинган билимлар ва ҳаёт рўпара қилган турли-туман ҳолатлар қай тарзда шеърга айланишининг ҳам шоҳидиман.

Тиниб-тинчимас бу йигит ҳамма нарсага баравар улгуришига ҳавас қилардик: таҳсилда ҳам, жамоат ишларида ҳам, ижодда ҳам бирдай муваффақиятли эди.

Университет таҳсили тугагач, кўпчилигимиз катта даргоҳларда ишлай бошладик. Илк шеърлари талабалик даврларида «Булоқ кўз очди» рукни остида «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналларида эълон қилинган бўлса, дарёдай тўлқинланиб турган адабий жараён ичига киргач, Минҳожиддиннинг истеъдод булоғи росмана қайнаб-тошди. Беғубор ёшлик изтироблари, завқу шавқи акс этган тиниқ, равон мисралари кўпчиликнинг назарига тушди, Ўзбекистон халқ шоирлари, устозларимиз Зулфияхоним, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби эл ардоғидаги ижодкорлар эътирофига сазовор бўлди.

Сабаби, Минҳожиддин ўша маҳалдаёқ ўз ижод йўналишини, айтар гапини аниқ-пухта белгилаб олган эди.

Ўн етти ёшда ёзилган мана бу шеърга эътибор беринг:

Ойга термуламан, кўприк устида
Шуълалар обқочар хаёлларимни.
Сувларга оқизоқ қилиб ташлайман,
Илк шеърим ёзилган дафтарларимни.

Ортидан қўл силкиб қоламан узоқ,
Уйғонар дилдаги ҳисларим бутун.
Ўн етти ёшимга қўйганча тузоқ,
Кўприкнинг устига ой тушар шу тун...

Бу шеър замиридаги мусаффолик, тиниқлик тортинчоқ бўз йигитчанинг ишонувчан, тоза қалбида эндигина куртак ёзаётган истеъдоддан дарак бериб турган бўлса, орадан бир неча йил ўтгач, қуйидаги асар қоғозга тушади:

...Ўроғин кўтарар, ҳайқириб у дил,
Томирда оқдими Тўмарис қони.
Атрофга сачради алвон-алвон гул...
Тупроққа қорилди Туркистон шони...

Ким эди у аёл, ким эди, билмам,
Бувимдан эшитдим бу ҳикояни.
Ғанимлар не қилган, дея сўрайман
Кулбада чинқириб қолган болани?

...Қайғудан сочлари қордай оқарган,
Шу кеча тушимда сурганча хаёл:
«Онасин кутганча, бигиллаб ётган
Сен ўша ўғлимсан», дейди бир аёл...

Бор-йўғи беш-олти йил ичида ўша йигитча дунёқарашининг, мулоҳазасининг қанчалар кенгайганини кўряписизми? Бу ажойиб шеър 1988 йилда ёзилган эди. Маънавиятимиз, тарихимизни булғаб, шонли бир ўлкани тутқун ва мустамлака сифатида тутиб қолиш учун жон-жаҳди билан интилаётган кимсаларнинг уринишлари барибирам зое кетаётган, тобора қувватланиб бораётган ҳуррият ис-таги рўй-рост сезилиб турган маҳалларда йигирма ёшни

эндигина ошиб ўтган йигитчанинг ўзни англаш тушунчасини акс эттирган бу шеър ижодкор тенгдошларимиз орасида машҳур бўлган шеърлардан биридир. Бундай асарлар қаторига «Она замин дуоси», «Кет...», «Беором тун», «Баҳор соғинчи» ва бошқа шеърларни мисол қилиш мумкин.

Минг марта шукрки, халқимизга Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини кўриш насиб қилди. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалди. Миллат тақдири, мамлакат тақдири фавқуллода ўзгарди.

Бу ўзгаришлар шоир ижодида ҳам янги шавқ ва илҳом билан акс этди. «Озодлик нафаси», «Муборак унвон», «Чўлпон», «Баҳор нафаси», «Эҳтиром», «Саждагоҳ» каби ўнлаб асарлари дунё юзини кўрди.

Нурни тўсган зулумотлар чекинди,
Ҳақ иноят этди қутлуғ имконни.
«Ўзбекистон – озод ва обод диёр!»
Асра энди бу муборак унвонни!

Ҳақиқатан ҳам маҳдудлик замонида истеъдодлари, гурури аёвсиз топталган, болалари камситишлар ичра ўсган, руҳи сўниб қолган қанча юртдошларимиз узра тоза ва тиниқ, умидбахш бир сабо эсиб ўтди.

Қалбдаги истиқлол соғинчи ўрнини, энди мустақилликни ҳамиша сезгир ва хушёр бўлиб асраш, уни янада мустаҳкамлаш туйғуси эгаллади. Албатта, инсон ўзи учун энг азиз, энг улў бўлган неъмат моҳиятини бутун борлиғи билан англаб етгандагина уни қадрлашни ўрганади, уни асраш, ҳимоя қилишга борлиғини бағишлайди. Минҳожиддин Мирзо мустақиллик ҳақидаги чиқишларидан бирида «Биз бу кунларга истиқлолни орзу қилиб армон билан кетган жонфидо аждоқларимиз кўзи орқали нигоҳ ташлашимиз керак, шундагина унинг қадрини янада теранроқ англаймиз» деган эди. Қуйидаги тўртлик ана ўша фикр таъсирида туғилган бўлса ажаб эмас.

Истиқлол нелигин англамоқ бўлсанг,
Сенга чин юракдан айтар сўзим шул:
Озод юртга Чўлпон бўлиб назар сол,
Боту бўлиб севин, Элбек бўлиб кул!

Миллияти, маънавияти Ҳақ инояти билан қайтиб берил-

ган кишилар қалбидаги жўшқин туйғулар шоир шеърларида ҳам ажиб ўзбекона таърифлар ила, ўзига хос тарзда аксланди:

Укамдай силадим яшил майсани,
Синглимдай суйдим мен қизғалдоқларни.
Отамдай чинорга қараб бўйладим,
Меҳри боғ онамдай кездим боғларни.

Тоғларинг кўнглимда тиклади ғурур,
Сувларинг қалбимнинг ювди зангини.
Ҳатто чумолилар тилида шукр,
Мен шундан англадим Ватан рангини...

Ҳар бир шоирнинг ижодида ўзи юксак деб билган қадриятлар тараннуми ётади. Шоир йўқки, Ватани, она юрти, халқи ҳақида шеър битмаган бўлсин. Минҳожиддин Мирзо ҳам бутун ижоди ичра ягона ўқ чизиғи бўлиб ўтиб келган мана шу мавзу инсон ҳаётининг энг ардоқли, энг мўътабар тамойилларидан бири эканлиги ҳақидаги тўхтамга келади, хулосалари тобора рангинлашиб, самимийлашиб, теранлашиб боради:

Ватан, номинг шивирлаб, танга гўё жон кирар,
Юзингга юзим боссам, босилар қалб титроғим.
Отамга то қиёмат кўрпа бўлган ўзингсан,
Онамга болиш бўлган, сен, мўътабар тупроғим!

Шоирлар ҳиссий дунёларни яратадилар дейдилар. У ҳислар дунёсида ошуфта қалб манзараларини кўра оласиз. Истеъдод кўз ташлаган, диққат қаратган воқеа-ҳодисаларга сиз ҳам диққат қаратасиз, уларга жойланган маънолар билан ошно бўласиз.

Минҳожиддин ижодида шеърдан шеърга кўчадиган образларга диққат қаратсак, она юрт, ота уй, ўзбекчилигимизнинг ўлмас тимсоллари бўлмиш гул-чечакларни, райҳону ялпизларни кўрасиз, шеърлар қатидан уларнинг хуш исларини туясиз. У тимсолларда она юрт мушфиқ Она билан, Ватан тимсоли тадбирли ва адолатли Ота образи билан, теграмиздаги меҳр қўйган кишиларимиз сиймолари билан бирлашиб кетганини ҳис қиласиз.

Юрсам дуо дейди остимдаги ер,
Турсам шивирлайди болам деб шу он.
Мени фарзандим деб асрайди шу эл,
Менинг кимлигимни англаган шу қон.

Бу тимсоллар янада қувватланиб, шундай давом этади:

Кўкарсам бағрингда гулбоғинг бўлиб,
Ҳеч бўлмаса битта бутоғинг бўлиб,
Энг катта бахтим шул – бир кун тўкилсам
Пойингга бир сиқим тупроғинг бўлиб...

Минҳожиддин Мирзо гўзаллик, садоқат, имон, меҳру муҳаббат васфини тараннум этган шеърларидан ташқари, адабиёт мухлисларига бобокалонимиз Амир Темур ўғитлари асосидаги «Соҳибқирон ёғдуси», ўт юракли шоир Бобораҳим Машраб сийратига сайр йўсинида «Қайғу гули» достонларини, «Баҳор соғинчи», «Ҳикмат гули», «Ҳайрат чамани», «Висол соғинчи», «Онагинам», «Соғинч салтанати» туркумларини, шунингдек, «Одабийлик тумори» драмасини ҳамда эллиқдан ортиқ бадиҳа, эссе ва фалсафий-публицистик асарларини тақдим этган, А. Пушкин, Р.Ҳамзатов шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган таржимон ҳамдир. Унинг шеърлари асосида яратилган «Муқаддас саждагоҳ», «Ватан баёти», «Шаббода», «Қиш эртаги», «Ватан надур», «Оққушлар», «Келинг азизим», «Кўнглим қолма муҳаббатдан» каби ўнлаб кўшиқлар бугунги кунга келиб халқимиз мусиқий хазинасидан жой олди.

Шоирнинг эл-юрт олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, «Шуҳрат» медали ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирланган.

Минҳожиддин Мирзо ҳозир айни ижодий куч-қувватга тўлган, яна кўглаб ижод дурдоналарини тақдим этадиган бир паллада. Зеро, ўзи ёзганидай:

Ҳали тилимизда қанча шеър, калом,
Умримиз, лаҳзалар, этажак давом,
Ўтган кунларда ҳам иззатимиз бор,
Келаётган кунлар, сизга ассалом!

**Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими**

АДАБИИ НИГОХ



*Дилм қуёшидан ёришин юзим,
Ўзимники бўлсин қулум ҳам бўзим.
Руҳимга беғона ҳисга шалпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан, сўзим.*

ТУЙҒУ ВА ТАФАККУР МАНЗАРЛАРИ

Ўзбек адабиёти қирғоқсиз уммонга ўхшайди. Уммонни бир назар билан қамраб олиб бўлмаганидек, бизнинг адабиётимизга мансуб ижодкор ва асарларни ҳам тўлиғича билиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётида ҳаминша яхши ўрганилмаган, изоҳлаб берилмаган ижодкор ва асарлар истаганча топилаверади. Мен ушбу китоб қўлёзмаси билан таниша туриб, гарчи, тез-тез эшитиб, унда-мунда ўқиб юрган бўлсам-да, Минҳожиддин Мирзо деган ўзига хос шоирни яхши билмаслигимни, бинобарин, кўп яхши шеърлардан вақтида баҳраманд бўлолмай қолганимни англадим.

Қўлингиздаги китобни шоирнинг салкам ўттиз йил орасида яратган асарларидан тузилган поэтик гулдаста дейиш мумкин. Унга турли йилларда ёзилган шеърлардан ташқари, тарихда ўтган шонли боболар ҳаёти ва руҳиятини акс эттиришга бағишланган «Қайғу гули», «Соҳибқирон ёғдуси», «Соғинч салтанати» сингари дostonлар ҳам кирган.

Шоирнинг бир тўртлигида унинг ижодий кредоси лўнда ифода этилган дейиш мумкин:

Дилим қуёшидан ёришсин юзим,
Ўзимники бўлсин кулгум ҳам бўзим.
Рухимга бегона ҳисга талпинма,
Қалбимдан хабар бер, қалбимдан, сўзим.

Шоир кулгисининг ҳам, бўзловининг ҳам фақат ўзиники бўлишига, айтган ҳар бир сўзи қалбидан чиқишига уринади. Зеро юракдан чиққан сўзгина ўзга юракларга таъсир кўрсата олади. Китобга кирган битиклар билан синчиклаб танишган ўқирман муаллифнинг қалб иқрори ижобатини туйгандай бўлади. Ҳар бир шеърда Минҳожиддин ўз сўзини ўзига хос йўсинда айтишга уринганини кўради.

Ҳар қандай асл шеър шоир шахсининг изтиробидан туғилиши аён бўлса-да, чин шоир фақат ўз изтироблари-

га ўралашиб қололмайди. Чунки шоир изтироблари шахсига доир етишмовчиликлардан эмас, балки ўзидан қоникмаслик, улкан ишлар қилолмаганидан озурдалик сингари кўламдор ижтимоий қоникмасликлардан келиб чиқади. Минҳожиддиннинг «Тўхтагил, ёшлигим» шеърида ўзининг элу юрт олдидаги бурчини ўташга тутинган шоир руҳияти таъсирли акс этган:

Тўхтагил, ёшлигим,
Бир зум шошмагил.
Бу кўнглим ўксимай етсин ниятга,
Фурсат бер, юрагим чўғи ўчмасдан
Бир кўшиқ қолдирай абадиятга.

Шоир оташли юракдан чиққан ва мангуликка ярайдиган кўшиқ қолдиришни орзулайди. Кўринадики, шоир улкан ва тоза ният қилади. Абадиятга қоладиган кўшиқ ёшлик туйғулари ва юрак кўридангина пайдо бўлишини кўзда тутгани учун ҳам ёшлиқдан «бир зум шошмас»ликни ўтинади.

Минҳожиддин шеърларининг лирик қаҳрамони – фаол замондошимиз. У кўзланган ҳар қандай манзилга тинимсиз интилибгина етиш мумкинлигини билади. Интилмай, курашмай, машаққатларни енгиб ўтишга уринмай яшашни умр ҳисобламайди.

Шоирнинг «Баҳор, кўнглим сеники» шеърида лирик қаҳрамоннинг ўзида тирик ва безовта кўнгил бўлишини чинакамига тилаши оригинал ва таъсирли ифода этилган:

Баҳор, кўнглим сеники, унга ишқ сол, олов сол,
Кўнгилдан чиққан оҳлар капалакка айланар.
Юрагимдан чекинган туйғуларим, ҳисларим,
Қалбимнинг шохларида куртак каби жойланар.

Шоир ошиқ кўнглига кўкламий ишқ олови тушиб, унинг ҳароратидан чекилган оҳлар эзгулик капалакларига айланиши, ёнаётган юракдан чиққан оташ туйғулар эса қалбга куртак каби жойланишини жонлантириб таъсирли ифода этади.

Китобга кирган шеърлар билан танишиш асносида шоир

туйғулари ифодаси жуда майин, ҳозирги шеърятимизда кенг ёйилиб бораётган ҳиссий чегара билмаслик унга ёт экани маълум бўлди. Минҳожиддин сезимларини назорат қилади, уларнинг тошқинлаб кетаверишига йўл қўймайди. Шу туфайли бўлса керак, унинг битганларида ифода назокати етакчилик қилади. Бу ҳолни шоир «Умид» шеърида жуда чиройли изоҳлайди ҳам. Ҳасбиҳол кўринишидаги бу сатрлар Минҳожиддин шеърятининг моҳиятини теранроқ англашга хизмат қилади:

Мен ўт эдим,
Ўмғирлар ёғди.
Томчилар-чун гўё мен сўндим.
Бугунчалик уфққа бош қўйиб,
Эрта эса қуёшдай ёниб,
Тонгни кутиб олмоққа
Кўндим.

Кўринадики, шоир ижод маҳсулидаги сокинлик ва майинлик замирида эртанги ёруғ тонгни қуёшдай ёниб кутиб олиш умиди ётади.

«Ўмғирли кечалар» шеърида ҳижрон азобида қоврилаётган шоирнинг изтироблари қанчалик кучли бўлмасин, у туйғуларини эзиб ёғаётган ўмғир фонида жуда майин ва самимий акс эттиради:

Ўмғир ёғар ғунчаларга томчилаб,
Шамол эсар юрагимни қамчилаб,
Ҳеч ким келмас менга саодат тилаб,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ўмғирли кечалар.

Ташқарида қалтираган япроқлар,
Юрагимга солиб кетар титроқлар,
Ёритолмас кўнглим ёнган чақмоқлар,
Сени кутдим мен интизор нечалар,
Ҳазин бўлди бу ўмғирли кечалар.

Шоир руҳий ҳолатини табиат манзараси кўриниши билан уйғун кўрсатиш орқали ҳолат тасвирининг таъсирини

оширади, айна вақтда изтиробли туйғуларнинг чегарадан чиқиб кетишига йўл қўймайди.

Минҳожиддин Мирзо сўзни нозик ҳис қилади. Шу сабаб сўз билан маъно мутаносиблигига эришишга алоҳида эътибор қаратади. Унинг битикларида сўзлар кўпмаънолилиги, руҳий ҳолат жилваси маҳорат билан берилади. «Кўнгил ўкинчи» шеъридаги: «Ойдай қилиб берган эди дунё сени, Ойсиз эрса осмон унга боқмоқ нечун?!» сатрларида ошиқ дарди ўта нозик мантиқий ишора орқали юқумли ифода этилган. Чинданда, осмон ой билан гўзал бўлганидай, шоирнинг ойдай суюклиси сабаб бу олам ҳам ёқимли эди. Ойдай суюкли ёр лирик қахрамондан узоқлашгач, осмон гўё ойсиз қолди. Ойсиз осмонга боқишда маъно бўлмагани каби, қахрамон учун бу дунёда яшашнинг ҳам маъноси йўқ. Кам сўз қатига кўп маъно юклай олиш шеърнинг таъсир қувватини оширган.

Минҳожиддин Мирзо руҳий ҳолатнинг ғоят нозик поэтик манзарасини ишонарли чиза олади. «Сув узра ой аксланар» шеърида шоир маъшуқасининг келишини кутаётган ошиқ руҳий ҳолатини табиатнинг бетакрор гўзал манзараси билан санъаткорона уйғунлаштиради:

Сокин кеча, ойдин тун,
Майсазорлар шитирлар.
Юрак – тўрдаги оху
Ўзин уриб питирлар.

Кечанинг сокинлиги, туннинг ойдинлиги ошиқ юрагининг тўрға тушган оҳудай титроғига қарши қўйиб тасвирланиши шеърхонга лирик қахрамон руҳий ҳолатини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Иккинчи тўртликда суюклининг келиши тасвири ҳам ўта жозибали ва ғоят ўзбекона ифода этилган: «Чигирткалар жим қолар, Келар қадам товуши. Фариштадай нозанин Қўлларида ковуши». Ушбу манзара ҳаётини ва миллий эканлиги билан шеърхонни ром этади. Бошқалар билиб қолмаслиги учун ковушини қўлларида олган бўлса-да, кеча сокинлиги боис ошиққа қадам товушларини эшитилишининг бундай тасвири ҳам йигит, ҳам суюкли қиз руҳий

ҳолатидаги таранг бетоқатликни ўқирманлар кўз олдига аниқ келтириб кўяди.

Шоирнинг айрилиқ манзаралари чизилган шеърларида ҳамиша табиат тунд ва хунук ҳолатда тасвирланган бўлса, учрашув тунги акс этган ушбу шеърда атроф-жавонибнинг кўриниши ғоят мароқли чизилади:

Сув узра ой акслар,
Ухламайди балиқлар.
Висол суратин кўриб,
Қиқирлайди ариқлар.

Зеро, бизни қуршаб турган атроф олам ўзгармасдай статик кўринишда туюлса-да, моҳиятан динамиклик хусусиятига эга. Яъни одам ўзини ўраб турган оламни боридай эмас, балки кайфиятига қараб кўринганидай идрок этади. Ушбу ҳақиқат Минҳожиддин шеърларида жуда нозик ҳисобга олинганлиги унинг битикларига ўзгача жозиба бахш этади.

Умидбахшлик, эзгулик уфуриб турган юқоридаги шеър етти бўгинли бўлгани учун ҳам ўйноқи ва енгил оҳангга эга. Шоир баъзан ғоят оғир ва иложсиз ҳолатга тушиб қолган лирик қаҳрамон руҳиятини бўрттириб кўрсатиш учун ҳам атай шундай енгил ифода йўсинидан фойдаланади. Акс эттирилаётган руҳий ҳолат билан ифода тарзидаги бу хил номувофиқлик шеърга ўзгача таъсирчанлик бағишлайди. Жумладан, «Эй соқий» шеъридаги қуйидаги бандда шу ҳолни кўриш мумкин:

Эй соқий, кел бодангни
Менга бергил, мен ичай.
Мендан кечди бир гулюз,
Бер, мен ҳам ўздин кечай.

Айтилганидек, одатда Минҳожиддин – тасвир одобига риоя қиладиган шоир. У битганларида ҳам туйғулар етовида юришни эмас, балки туйғуларини бошқариб боришни яхши кўради. Бу шеърда ошиқни мувозанатдан чиқарган айрилиқ азобининг оғирлиги ифоданинг енгил ва ўйноқилиги фонида ажиб ўзгачалик касб этган.

«Висол соғинчи» шеърий туркумида ҳам шунга яқинроқ ҳолат кўзга ташланади. Унда тўққиз бўғинли шеър шаклидан фойдаланилади. Бу поэтик шакл ёр висолини қўмсаган ва учрашув умиди бўлмаган ошиқнинг оғир руҳий ҳолати ва поэтик ифода йўсинидаги енгиллик ўртасидаги зидлик орқали фожа даражасини кучайтириб тасвирлаш имконини беради:

Лабларимда исминг капалак,
Кўзимдаги гулларим – сиёҳ.
Бағримдаги ўксик жон ҳалак.
Вужудимда гунчалайди оҳ.

Бу сатрлар бошдан-оёқ рамзлар орқали ифода этилган. Ошиқ лабларида суюкли исмининг капалаклиги бу жониворнинг қўнимсизлиги, тинмай учиб-қўнавериши орқали маъшуканинг оти ёр тилидан тушмаслигини, дамбадам такрорланишини; ёр кўзидаги гулларнинг қоралиги ҳижрон кўзёшларнинг қора қонга айланганини; ҳар дақиқада танани тарк этишга тайёр ўксик жоннинг ҳалаклиги ва вужудда оҳнинг гунчалаши дарднинг тўхтовсиз кўпайиб боришини англатади.

Туркумнинг тўртинчи бўлимида ошиқни шундай ҳолатга солган маъшуқа қуйидагича тавсифланади:

Насимларми – нафис нафасинг,
Гиёҳларми – назаринг гули.
Баҳорларми – энтиккан сасинг,
Менким – ишқнинг ожиз булбули.

Бу сатрларга жойланган маънодан ташқари, ифоданинг инжалиги, шеърда аллитерация, поэтик изоҳ каби-ларнинг ўринли қўлланиши уларга айрича жозиба ва таъсирчанлик бахш этган.

Минҳожиддин шеърларининг лирик қаҳрамони – ўта таъсирчан ва нозик шахсият эгаси. Ана шу нозик кўнги-л қатларидан жуда улкан ва порлоқ туйғулар жой олган. Бу туйғулар пўртанасига унча-мунча қудрат дош беролмайди. Шунинг учун ҳам шоир шабадани шахслаштириб, дейди:

Шивирлама менга, шаббода,
Кўзғатма дил япроқларини.
Кўтаролмас энди вужудим,
Бу юракнинг титроқларини.

Шивирлама менга, шаббода,
Сўнган чўғни кўзғаб нетасан.
Кўйгил энди ўз ҳолимга, кўй,
Дардим айтсам, ёниб кетасан.

Бу сатрларда шоирни чулғаган туйғулар бутун кўлами ва залвори билан акс этган. Шаббаданинг шивирлаш даражасидаги майинлиги билан шоир юрагини ўртаган дардлар довулининг қудрати ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг сезилмас йўсинда тасвирланиши шеър жозибасини орттирган. Юрак титроқларининг вужуд кўтаролмайдиган даражадаги залвори ҳамда дарднинг айтилса, оламни ёндирад даражадаги ҳарорати тасвири шеърга ўзгача бетакрорлик бахш этган.

Шоирнинг бошқа бир шеърда акс эттирилган руҳий ҳолат унинг Ерга мурожаати орқали кучли муболаға воситасида ғоят таъсирли ифода этилган: «Дардимга шерик бўлма, Магар елканга ортсанг Бедор кўнглим юкини, Тоғларинг чўкиб кетар». Бу сатрлар орқали шоир ўта долғали ҳолатларни ҳам майин тасвирлай олиш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Шоир кўплаб шеърларида оригинал ташбиҳлар қўллаб, бадий топилдиқ саналишга арзийдиган образли ифодалар яратади. Буни «Бинафша дил ифорлари учиб кетар, Юракдаги яшилликни кўмади қор» сингари қатламли тасвирлар билан келган шеърлар мисолида яққол кўриш мумкин. Умид бинафшаларини айрилиқ шамоли учуриб кетиши, юракдаги севги майсаларини лоқайдлик қори кўмиши жуда ўзига хос ва оригинал ифодасини топган. «Туннинг саватидан тўкилар юлдуз» сингари бадий савияси юқори шеърый сатрларда эса ўзбек поэтик тилининг имкониятлари адоқсиз экани намоён бўлади.

Шоирнинг икки қисмдан иборат «Биз ҳам севган эдик» шеърда ижод тажрибасида анча кам учрайдиган бир ҳолат кўзга ташланади. Маълумки, анъанага кўра, умуман,

адабиёт, хусусан, шеъриятда жонли ва жонсиз нарса-ҳодисаларга одамга хос хусусиятлар тақилиб, жонлантириш, шахслантириш (ташхис) сингари санъатлар юзага келтириларди. Минҳожиддин Мирзо эса бунинг тескари-сини қилиб, одамга тегишли хусусиятларни нарсаларга кўчириш йўли билан тасвирнинг ўзгача таъсирчанлигига эришади. Шеърда изтироб ва умидсизлик исканжасида-ги ошиқ руҳий ҳолати шундай ифодаланади:

Бу очунда гуллаш нима – унутди дил,
Кўп соғиндим ғунчаларнинг кулгусини.
Кечам соғинч, бугун, ҳатто, эртам соғинч.
Эшитаман ёлғиз ялпиз йиғисини.

...Мажруҳ кўнгил гўё яшин урган дарахт,
Танасида чумоли – дард ўрмалайди.
Ғам лашкари эрур гўё кеча-кундуз
Адо бўлган бу вужудни пармалайди.

Бу мисралардаги дилнинг гуллашни унутгани, яъни меҳру эътибордан йироқлиги; ғунчалар кулгусини соғингани, демакки, унга қувонч бегоналиги; ёлғиз ялпиз йиғисини эшитиши, яъники юрак фақат изтироб чекаётгани; яшин урган дарахтга айланган кўнгилнинг дардлари чумолидай саноксизлиги; ғам лашкари вужудни пармалаши тасвирларида одамга хос белгиларнинг табиатдаги нарсаларга кўчирилгани туфайли ифода ўзгача таъсирчанликка эга бўлган.

Минҳожиддин шеърларида имкон қадар образли фикр-лашга, сезим ва кечинмалар тўғрисида ахборот бериш эмас, балки уларни таъсирли йўсинда манзаралаштиришга интилади. Мисол учун, умидсиз севги домидаги ошиққа шу вақтгача эзгу йўлдош бўлиб келган тунга доир манзаралар айрилиқ тунида қанчалар ёқимсиз кўриниши қуйидагича акс эттирилади:

Туннинг сочларида ялтирар юлдуз,
Умидсиз дунёнинг умиди каби.
Кўнгил куз, чор тараф хазон япроқ, куз,
Титрайди қуриган атиргул лаби.

Шоир илҳом онндаги интуиция кучи билан бири бошқасини тақозо этадиган поэтик образлар занжирини яратади. Туннинг сочларида юлдуз ялтираши шунчаки унинг тунда чиқиши сабаблигина эмас, балки ошиқнинг умид юлдузидай ожиз ва хира деган таассурот уйғотиш учун тилга олинади. Ошиқ кўнглига чор тарафни хазон япроққа тўлдирган кузнинг кириб келиши ва унинг қуриган яланғоч атиргулдай титраши янглиғ мантиқий изчилликка эга тасвирлар шоир ҳолатининг фожиавий манзарасини бўрттириб кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

Китобдаги кўплаб шеърларда олам мураккаб ва чигал, ана шу оламда яшаётган одам руҳияти эса ундан кўра чигалу мураккаброқ экани инжа бир йўсинда тасвир этилади:

Боқсам тўйиб юзинга нурли қуёш кўринди,
Кўнглим очсам, кўнглинг йўқ, юрагинг тош кўринди.
Англомадим бир ҳолни: нечун кетаман десам,
Киприкларинг яширган кўзингда ёш кўринди.

Маълумки, миллий шеърятимизда маъшуқаларни макора ва озорижон қилиб тасвирлаш аънанаси бор. Юқоридаги тўртликнинг илк икки қаторида ҳам ўшандай тасвир йўсини кўзга ташланади. Суюкли санамнинг юзи қуёшдай гўзал ва ҳароратли, лекин ошиққа нисбатан кўнгли йўқ, кўнгил ўрнида тош кўринади. Аммо кейинги икки сатрда замоннинг нуқси кўзга ташланади. Яъниким, ошиқ умид йўқлигидан қўл силтаб кетаман деса, санамнинг киприклар яширган кўзларида ёш кўриниши сабабини ҳеч англай олмайди. Бу ўринда тажоҳили ориф санъатини қўллаш жуда ўринли бўлган.

Ўзбек шеърхонларига жуда кўп йиллар мобайнида қофияга солинган мафкуравий чақириқлар шеър сифатида тақдим этилгани учун ҳам ўқирманлар шу хилдаги асарлардан бешиб қолган эдилар. Лекин ижтимоий муаммолар ҳам шоирнинг ўз дардига айлантирилиб таъсирли ифода шакли топилса, салмоқли эстетик қиммат касб этиши мумкин. Ушбу китобда ижтимоий йўналишдаги шеърлар анчагина. Уларнинг айримлари ўйноқи оҳанги, жозибали ва оригинал ташбиҳларга бойлиги билан

этиборни тортади. Шоир «Озодлик нафаси» шеърида ёзади:

Сано айтиб келган гиёҳлар,
Эй, топталиб чўккан тоғларим.
Энди қадни тиклангиз дейман
Гуллаш пайти келди, боғларим!

Озодликнинг нафаси келиши шоирга гиёҳларни ўсишга, тоғларни қаддини тиклашга, боғларни эса гуллашга ундаш имконини беради. Куллик нафақат башар, балки табиатнинг ҳам юксалишига тўсиқ бўлади.

Қўлингиздаги китобда тўртлик шаклидаги шеърларга катта ўрин берилган. Одатда, тўртликларда шоирнинг олам, одам, ҳаёт тўғрисидаги кузатишлари умумлаштирилади. Шу боис уларда фалсафий оҳанг, ўйчиллик етакчи бўлади. Муаллиф ўз тўртликлари тўғрисида: «Улар атайин ёзилмаган, балки ҳаётимнинг турли лаҳзаларида юрагимни куйдириб ўтган туйғулар, армонлар, ҳижронлар, соғинч ва изтироблар, ҳайратлар гулханидан сачраган илтижо учкунларидир», дейди шоирона йўсинда.

Тўртликларидан бирида шоир ўз умрининг ўткинчилиги ҳақидаги ҳазин ўйларини маънога ғоят мос келадиган оҳангда ифода этишга эришади:

Хазонлар қўшигин куйлаётир куз.
Оламга видосин сўйлаётир куз.
Тунлар хўрсинигин эшитган билар
Ўтган баҳорларни ўйлаётир куз.

Тўртликда ташхис санъатидан фойдаланган ҳолда куз шахслантирилади: у худди одам каби ўтган умри тўғрисида ўй суради, олам билан видолашади. Куз шу даражада шахслантирилгани унинг хазонлар қўшигини куйлаши, оламга видосини сўйлаши, ўтган баҳорларни ўйлаб, тунлар хўрсиниши сингари ҳолатларининг ўта юқумли ва ишонарли тасвир этилишига имкон берган.

Бошқа бир шеърида инсоннинг қувончу қайғуси ҳар доим ёнма-ён экани кутилмаган йўсинда акс эттирилади:

Деразамни чертади ёмғир,
Юрагимда маҳзун-маҳзун куй.
Томчи сўзин тинглаб ўтирар,
Кеча қуёш мўралаган уй.

Жўнгина туюладиган бу тўрт мисра замирида теран маъно бор. Унда одамнинг умрида қувонч билан қайғу, ёруғ билан қоронғу, яхши билан ёмон, ютуқ билан ютқиқиқ доимо бирга юриши шу йўсинда ўз ифодасини топган. Бу хил битикларда шоирнинг фалсафий сийрати намён бўлади: «Инсон умри гоҳ худ, гоҳ беҳуд, Ёруғлиғу тун-ла ўтаркан. Муҳаббат ҳам баҳорий турна, Хазонрезни сезса кетаркан». Бу тўртликда ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати жуда туюмли йўсинда акс эттирилган.

Албатта, қўлингиздаги китобга кирган барча битикларни юксак даражадаги санъат намуналари дейиш фикридан йироқмиз. Баҳо бериш зукко китобхоннинг ҳукмига ҳавола. Лекин энг муҳими, китобга кирган бадиий яратиларнинг катта қисмида шоир юрагининг ҳарорати, самимият ва ифода инжалиги устуворлик қилади. Бу ҳол ўқирманда Минҳожиддин Мирзо ўз шеърларининг бирида билдирган ишонч бежиз эмас деган қаноат уйғотади:

Бекор совурмадим мунис йилларни,
Таскин бор: эртамдан сал кўнгил тўқдир.
Тонгга ошно этдим қанча дилларни.
Йилларнинг олдида гуноҳим йўқдир.

Дилларни тонгга ошно этадиган шеърият билан ошнолик хайрли бўлсин!

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
Педагогика фанлари доктори, профессор

РУҲИМГА ПОК МАЪВОЛАР КЕРАК

«Сўз – менинг руҳим» деган экан Уолт Уитмен. Демак, шеър – руҳнинг кўриниши. Кўриниш, бир қараганда, шунчаки, зоҳирга дахлдор жиҳат. Зоҳирдаги мавжудлик. Лекин, унинг замирига чуқурроқ сер солинса, назар ташланса, ботиннинг-да тарзи эканлиги аён бўлади.

Кузатув – зоҳир, ҳис – ботин.
Таассурот – зоҳир, англаш – ботин.

Истеъдодли шоир Минҳожиддин Мирзонинг битикларида кузатув ва ҳис, таассурот ва англаш, яъни, зоҳир ила ботин уйқошиб келади. Яна бир томони, мушоҳада ила туйғу бирикиб руҳ моҳиятига айланади. Ҳислар бағридан ўсади Ватан деган юксаклик. Мушоҳадалар вазминлиги туйғулар туғёнига сингади, туйғулар туғёни мушоҳадалар вазминлигига кўчади.

Мурод – фикрлашга ундов. Ўйлашга ундов. Мушоҳадалар йўсини билан, туйғулар йўсини билан инсон дейилмиш «сир»ни англаш немўғдор мушкул эканлигини, уни ўз-ўзига қайрилиб қарашга, ўзини билишга ундайди:

Мушкулотлар кўпдир очунда,
Ечар бир кун барин интиқ жон.
Аммо, очун олдида мангу
Жумбоқ бўлиб қолади инсон.

Минҳожиддин Мирзо битикларида яна бир сифат ҳурлик олами – руҳнинг поклиги ҳамда беғуборлигига ишора айлаш сирасида намоён бўлади.

Руҳимга пок маъволар керак.
Бу – шоир руҳининг соғинч тарзи.

Шеърият борлиқнинг гўзаллигига муносабат йўсинида кангулларда меҳр ва муҳаббат, оқибат ва эътиқод фазилатларини пайдо қилади. Борлиқдан олинган таъсирлар

ва муносабатлар орқали руҳиятга ишора айлайди. Минҳожиддин Мирзо қизғалдоқ, яфрок, баҳор, юлдуз, куз, чечак, хазон сингари табиат воситаларини юракнинг ташбеҳларига кўчирадики, булар аксарият такрорланиб келган ҳолида янги бир ҳис шаклига киради. Айниқса, қизғалдоқ сифатини шоир турфа ҳис моҳиятига йўғиради:

Кун нуридан ёришади жарликлар,
Қизғалдоғлар юз очади шодланиб.

Шоирнинг канглу ана шундай – умидлар билан ёруғ. Руҳи ана шундай ҳислар билан равшан. Висолдан хабардир бу умидлар. Дийдорга интизордир бу ҳислар.

Икром ОТАМУРОД

«БУНЧАЛАР АЗИЗСАН, ЭЙ МУНИС ТУПРОҚ»

Ҳар қандай асарнинг асл қиммати биринчи навбатда ўзи яратилган даврни, унда яшаётган одамларнинг ҳаёти, тақдири ва мақсадларини, орзу-армонларини қай даражада ишонарли ва таъсирчан тасвирлаганлиги билан белгиланади. Биз истеъдодли шоир Минҳожиддин Мирзонинг республика матбуотида босилган илк шеърий туркумлари кичик бир ҳайрат билан ўқиганимизда у эндигина Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг биринчи курсида таҳсил оларди. Китобларга ўчлиги, тафаккури ва қизиқиш оламининг кенглиги, фикрларининг дадиллиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди.

1990 йиллар арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган ёш ижодкорларнинг республика семинарида унинг шеърлари ҳам муносиб баҳоланиб, илк тўплами нашр этишга ҳамда ўзи Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этилди.

1994 йилда унинг кўнгил самимияти ва ёшлик шижоати ила йўғрилган биринчи шеърий тўплами «Нилуфар» нашр этилди. Мўъжазгина китобчадан ёш шоир кўнгилнинг

нилуфар гулидек латиф ва мағрур, ёшликнинг ўзидек покиза туйғуларининг рангин суратлари ўрин олганди.

У илк машқлариданоқ тезда адабиёт ихлосмандларининг меҳру эътиборини қозонди, адабиётшунос олимларнинг назарига тушди. Кейинчалик унинг «Висол хабари», «Юлдузим», «Кўнглим куртаклари» каби қатор шеърӣ китоблари чоп этилди. Шеърлардаги бегубор тугёнлар, нафис мусиқийлик, сатрлардаги сирли оҳанг, эртанги кунга бўлган умид ва ишонч эпкинлари дилга яқинлиги билан ёш шоирнинг келажагига умид уйғотганди:

Қизғалдоқлар, йиғламанг, кулинг,
Наҳот сизни пайқамай кетсам.
Йўқ, тупроқ ҳам кечирмас асло,
Баҳорларда гулламай ўтсам...

Олимларимиздан бири истиқлол бутун ўзбек миллатини дунёга, дунёни эса ўзбекка яқинлаштирган бўлса, истиқлол шеърӣяти ҳар бир ўзбекни кўнглига яқинлаштирди деганида минг карра ҳақ эди. Минҳожиддин Мирзо ҳам Ватанни кўнгил, кўнгилни эса Ватан деб билади. Шунданми унинг ижодида юрт ва юртга мафтун кўнгилнинг чизгилари устуворлик касб этади.

Қанча азиз зотлар сенинг бағрингда,
Бобомнинг қабрида сабза райҳонлар.
Момом мозорида маъюс қизғалдоқ.
Дилимда соғинчу ҳасрат, армонлар.

Отамни ҳам сенинг бағринга қўйдим,
Онамни кузатдим, жисмимда титроқ.
Энди сени ота – онамдек суйдим,
Бунчалар азизсан, эй, мунис тупроқ!

Шоир «Бобомнинг қабрида сабза райҳонлар, момом мозорида маъюс қизғалдоқ», дейди. Ўхшатишнинг нафис ва латифлиги, «мунис тупроқ»нинг қуввати армон залвори остида эзилаётган юракка таскин беради. Шеърдаги бобо – барча донишманд оқсоқолларнинг тимсоли. Кўкка бўй чўзган райҳон ўктамлик ва мардликнинг, унинг ифорлари

эса бағрикенглик ва саховат рамзидир. Фарзандлари ва набираларига юксакликка интилиш, юртга фидо бўлиш илмини ўргатади. Момо тимсолидаги жафокаш ўзбек оналарининг ҳаё билан бош эгиб турган масъум қизғалдоққа қиёсланишида ҳам ажиб ҳикмат бор. Хокисорлик ва ўзни фидо қилиш ҳикмати. Бу ҳикмат беихтиёр умрининг мазмуни, ўткинчилик ва абадият ҳақидаги оғир ўйларга толдиради. Бобо ва момо тупроқ янада азиз, янада мўтабар бўлиб қолади, ота-она меҳри билан қоришиб юракка янада яқинлашади.

Мен шу сатрларни ўқиганимда доимо хаёлимга бир лавҳа келади. Болалигимда қишлоғимиз чеккасида жойлашган қабристондан чўчирдим. Кўп эртақ ўқиганим учунми, тушларимга баъзан шу қабристон кириб чиқарди. Йиллар ўтди, биз улғайдик. Очиғини айтсам, бобом ва бувиларим вафот этганларида мен қабристоннинг юракка яқинлигини, унинг тупроғида руҳни тинчлантиргувчи ўзгача тафт борлигини унчалик ҳис қилмаган эдим. Укам Фарҳоджон навқирон қирқ ёшида бевақт вафот этди. Кейин онам чин дунёга кетдилар. Укамнинг вафотидан сўнг қабристон болалик уйимнинг, кўнглимнинг бир парчасига айланиб қолди. Онамни тупроққа қўйгач эса қабристон билан орамиздаги меҳр масофаси янада қисқарганини ҳис қилдим. Болалиқдаги ваҳималар ўрнини энди соғинч эгаллаган. Қишлоққа борганимизда ота ҳовлимиздан олдин қабристонни зиёрат қиламиз.

Шоир юксак маҳорат билан бизнинг кўнглимизни райҳон ва қизғалдоққа маҳлиё этиб, аслида ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини англатади. Шоир ҳақ, отамиз ва онамиз ул бағирга боргандан кейин биз ҳам унга янада кучлироқ талпинаверамиз. Бу – отамиздек азиз, онамиздек мунис ва меҳрибон, ялангоёқларимизнинг излари муҳрланган тупроқ. Бу – фарзанди туғилганида олам-олам эзгу ниятларини бутун олам билан баҳам кўрган, кези келганда ҳаётнинг аёвсиз синовларини, аламли кўргилиklarини сабот билан енгиб ўтган донишманд боболаримизнинг райҳон ифорларидек дуолари, мўтабар бувиларимизнинг қизғалдоқ гулидек сеҳрли аллалари асраётган Ўзбекистон аталмиш муборак замин. Шоир наздида тирикликнинг энг кўҳна ҳикмати ҳам Ватанга садоқат туйғусидир.

Унинг истиқлолнинг илк йилларида ёзган бир шеъри-

даги сатрлар ҳар бир ўқиган инсонни бефарқ қолдирмайди. У мустабид тузум даврида кечган кунларни ички бир изтироб, дард билан эслаш баробарида истиқлолни катта қувонч, меҳр ва фаҳр билан қаршилайди. Дарҳақиқат, истиқлол боис қанча топталиб чўккан тоғларимизнинг қадди тикланди, улкан боғимиз Ўзбекистон учун чинакам гуллаш пайти келди:

Сано айтиб келган гиёҳлар,
Эй, топталиб чўккан тоғларим.
Энди қадни тиклангиз дейман,
Гуллаш пайти келди, боғларим!

Улуғ шоиримиз Ойбек домла «Шеър – фикрнинг гули» деган эдилар. Ҳақиқатан ҳам шеър фикр ва ҳиссиётнинг, ақл ва туйғуларнинг сирли вобасталигидир. Ҳиссиёт шеърятнинг қон томирлари эканлиги аниқ. Лекин шеър фикрнинг ҳам, туйғуларнинг ҳам том маънодаги характери хусусиятидир. Шеърда ҳиссиётга йўғрилган мазмун ва мақсад биринчи ўринда туради. Истеъдодли шоир Минҳожиддин Мирзо ижодида ҳам биз айнан шу хусусиятларни кузатамиз. У қайси мавзуни қаламга олмасин, маънавий руҳий кечинмаларни ҳам, башарий туйғуларни ҳам азиз она юртининг, замондошларининг тақдири билан узвий боғлиқликда талқин қилади, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги камоли, ўзбек халқининг маънавий ички гўзаллигидан фаҳрланади.

**Хулкар ҲАМРОЕВА,
Филология фанлари номзоди**

«ЭЙ ДИЛ, ВУЖУДИМНИНГ СОҲИРИ СЕН...»

Шеърият ҳар қандай инсон кўнглига йўл топа оладиган, жой эгаллай оладиган гўзал ҳодисадир. У шоирнинг энг ичкин, тоза, самимий, ўзидан ҳам қизғаниб бекитган туйғуларидан сув ичгани, орзу-умидлари, эҳтироси, тавбасию иқрори билан озиқлангани боис ҳам шу қудратга эга. Шеърият ўз ошуфтасини бошқа оламга олиб киради, кундалик ташвишларни унуттиради, кўнглини қоплай бошлаган зангларни тозалайди, туйғуларнинг минг бир жилосидан баҳраманд этиб, кишини бир бош баландлаштиради.

Минҳожиддин Мирзонинг «Кўнглим куртаклари» тўпламини ўқиш асносида шуларнинг барини яна қайта туйдим, шеърлардаги ташбеҳлардан баъзан қувонч аралаш ҳайратландим, баъзан тоза туйғулардан йироқлашиб кетганимдан уялдим. Шоир ҳар бир шеърида ўқирманни қадам-бақадам кўнгил билан таништиради. Инсон аслида кўнгил йўриғида яшаши лозимлиги, фақат бу йўриқнинг аслида нимадан иборатлигини аниқлаштириши зарурлигини таъкидлайди. Чиндан ҳам, энг тўғри, намунали ҳаёт тарзи айнан кўнгил йўриғига юришдир. Чунки кўнгил Худонинг назари тушадиган макон, инсоннинг моҳиятини тайин этувчи маскандир. Аллоҳнинг назари билан нурланган кўнгил эса инсонни поклантириши, тўғриликка, самимиятга, қаноатга бошлаши шубҳасиздир.

Кўнгил водийсига кўнглим ишондим,
Ишққа дил бердим у ишқ ила ёндим.
Қанча йил гафлатда ўтибди умрим,
Битта қарашингдан қайта уйғондим...

Одам ўзини таниш учун ташқарига эмас, ичкарига қарashi лозим. Шундагина аслини танийди – руҳ теранликларига чўкиб боради. Зеро, «бир томчи сувдан одамни яратган Оллоҳ унга руҳ бериш билан бир парча гўштни жонлантирди», * яъни руҳ кирмагунча одам ҳеч нарса эди. Шу

* *Куръони карим. – Т.: «Чўлпон», 1992. «Ал-исро» сураси.*

бир парча гўшт инсон жисми бўлса, унга киритилган руҳ унинг ўзлиги, ўзидир. Инсон куйиш, покланиш эвазига руҳи юксалиб, жисми кичрайиб боради. Дунёнинг ҳеч туганмас, баъзида эса мутлақо кераксиз ташвишларига банди бўлиб юрган шоир кун келиб «ёр»ининг бир назаридан қайта уйғонади, ўз «мен»идан воз кечади. Чин ишқда ёрнинг ёдидан бўлак ҳамма нарса ортиқча, ҳатто ошиқнинг ўзи ҳам ишққа ҳалал беради. «Ўзи» йўқ бўлган ошиқ ишқи боқий, уни ўткинчи дунё билан боғловчи хотира, туйғу – йўқ. Унинг севгиси шунчалик қудратлики, ҳатто ёрнинг ўзидан ҳам кечиши мумкин. Яъни «мен»и маҳв бўлган ошиқ вужуди ёр ҳақидаги ўйлар билан лиммолим, у энди илгариги ошиқ эмас, маъшуқага «айланиб» бўлган. Унга энди ёр керак эмас. Негаки, маъшуқа ҳам фоний дунёга тааллуқли вужуд, холос. Ошиқ учун энг муҳими – маъшуқа ёди, демакки, боқий ишқ. Зеро, «ишқдан бош мақсад ҳам шу – икки жисмнинг руҳан қўшилиб, бирикиб кетиши»дир.*

Беғубор осмон ҳам кўнгилдек кенгдир,
Унинг ҳам бағрида кўёш, оёи бор.
Менинг ҳам қалбимда нурли дилларнинг
Мусаффо самодек қутлуғ жойи бор.

Машҳур мутасаввуф Азизиддин Насафий шундай деган экан: ҳар бир инсон «олами сағир», кичик оламдир ва «улуғ олам»даги жамики нарса-хусусиятлар кичик оламда ҳам мавжуд бўлади, яъни одам оламнинг кичрайтирилган нусхаси. Мана шу тамойил Минҳожиддин Мирзо ижодининг ўқ чизигини ташкил қилади.

Эй, дил, энди вужудимнинг соҳири сен,
Сўз айтсам, сўзимнинг зоҳири сен,
Қанча сарсон бўлиб ўзингга қайтдим,
Англадим, ишқ йўлин охири сен.

Ижодкор биринчи навбатда, инсон ички оламини, унинг кўнглини тафтиш қилади. Бинобарин, ишни – билишни, англашни, севишни, умуман, яшашни кўнгилдан бошлаш

* Н.Комилов. «Тасаввуф» – Т.: «Ёзувчи». 1996. 55 бет.

лозим. Бу кўринганидай мушкул эмас, зеро, «инсон хоҳлайди ва эришади. Ўзига эга бўлиш, яъни хоҳишлардан руҳини устун қўя олиш фақат унинг ихтиёрида... Шеърят одамни айнан шунга ўргатади».

Минҳожиддин Мирзо туйғулар тафтига, забтига дилнинг чидаши мушкуллиги, уларнинг яшаш муддати оний бўлса-да, оқибати мангу эканини яхши англайди, улардан паноҳ сўраб (!) Ўзига юкинади: «Ё, Раб, ўзинг бу дилим ишқ ичра самандар қил». Зотан, шоир жисми-жонини адо қилаётган одатдан ўзи қутула олмаслигини яхши билади: «Кўнглимни куйдирмоқ бўлди одатим». Аммо кўнглини куйдираётган, жисмни заифлаштираётган ишқдан воз кечмасликка ундайди, ишқнинг куйдириб-покловчи қудрати туфайли ичкинлашаётганини сезади: «Юз ўғирма ишқдан дил, билсанг, удир пиримиз».

Фамдин ёмғирларга тўлди дил – абрим,
Чақмоқлар – сўнаётган энг сўнги сабрим.
Сени излаб бўлиндим минг бир бўлакка,
Ҳар томчи тушган ер – у менинг қабрим.

Сув дунё тириклигининг сабабларидан. Уни булут беради. Булутдан тўкилган сув туфайли оламда ҳаёт бор. Шоир кўнглининг тириклиги, сабзарангдалиги, ҳали унда чиройли сўзлар униб, тоза туйғулар уйғонаётганини боисини ҳам сув - кўз ёшларида кўради. Эътибор билан ўқиган киши бу тўртликда маҳзунликдан кўра қаноат, шокирлик ва розилик устун эканини сезади. Шоир кўнглини ҳаммаша кемтик қилиб, тўлақонли яшашига халал берган ишқ ва айрилиқдан рози, уларни бошидан кечирганидан шод. Зотан, айна сабаблар туфайли у ўзини мудом тафтиш қилиб, тамкинликка интилиб яшади. Ўзининг кичик қолипни синдириб, бутун оламга айлана олди, ёғаётган ёмғирда изтиробларини, чақмоқда сабр учқунларини кўрди. Шоир сўнги мисрада жуда ҳам чиройли манзара яратган: матндан ёмғирнинг шиддат билан қуяётгани, аммо узоқ давом этмагани англашилади. Ёмғир томчиси ерга тушганда дастлаб ҳалқа пайдо бўлади, томчининг кичик қисми минглаб кўзга кўринмас сув зарралари шаклида юқорига сачрайди. Сўнг гул барги қайрилишига ўхшаш

тарзда дастлаб томган ерига – халқа ичига қайтиб тушадди. Шоирнинг синчков нигоҳи бу манзарани илғай олган ва қабр билан ўхшаш жиҳатини топа билган. Қабр чуқурлиги ва унинг атрофидаги тупроқлар, асли тупроқ бўлган инсоннинг яна тупроқ бағрига қайтиши ҳамда юқорига сачраган томчи зарраларининг яна ўша халқага тушиши.

Минҳожиддин Мирзонинг бундай нозик, чиройли, ноодатий, аммо ўринли ташбиҳлари ўқиладиган шеърни кўз олдида гавдалантириш, бўйини ҳидлаш, ҳатто таъмини туйиш имконини беради. «Кўз уйи ҳам Каъбасиз кўзларинг хаёлисиз», «Эй дил, сен-ла гўзал боғда биргамиз», «Лабларингга битилган оятни ўқисайдим», «Ҳақ қасрини кўрмадилар Мансури Ҳаллож кўнглида», «Кўнглимни ол, бир кўза у – иймон сувин тўлдиргил» каби мисралар шоир қалбининг ҳассос, тилнинг товланишларини нозик билувчи, руҳий ҳолатнинг уста мусаввири эканлигидан далолат беради.

Бу ёлғон дунёдан ростни ахтариб
Ҳайёмдек маст бўлиб ичолсак эди.
У фалак аршидан соқий май қуйса,
Кўнгилни қадаҳдек тутолсак эди...

Шоир ҳамиша кўнглига, руҳиятига алоқадор барча нарса-ҳодисаларни биринчи даражали ҳисоблайди. Доимо кўнглига суянади, кўнглига кулоқ солади, кўнгил билан сирлашади. Негаки, кўнгил мувозанатига путур етгудай бўлса, мукаррам яратиб бўлмиш инсоннинг тубан бир махлуқдан фарқи қолмайди. Чунки пайғамбаримиз с.а.в. марҳамат қилганларидай: «Жисм тузалуви ва бузилуви кўнгилдан бошланади».

Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА
Филология фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

БАҲОР СОҒИНЧИ

Шеърят.....	6
Кўнгил умиди.....	6
Қизғалдоқлар.....	7
Шеър ўзи нимадир.....	8
Булбул қўшиғи.....	9
Кўклам.....	9
Ватан надур.....	10
Кутиш.....	11
Туғилиш.....	12
Эй дилрабо.....	13
Яралдим сен учун.....	14
Кўнгил.....	14
Кетма.....	15
Эй гул.....	15
Бўлмасмиди.....	16
Менми.....	16
Баҳор бўлиб кел.....	17
Энди юрагимда.....	18
Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас.....	19
Илинж.....	20
Офтоб.....	20
Беором тун.....	21
Кет.....	22
Куз.....	23
Она замин дуоси.....	23
Уйғониш изтироби.....	24
«Кўнглимда йиғлаган малаклар...».....	25
Баҳор соғинчи.....	26
Хайр дема.....	28
Кўнгил истаги.....	29
Бир кун.....	29
Алвидо, болалик.....	30

КЎНГИЛ РАНГЛАРИ

Ҳаёли соғинчлар.....	34
Хайрлашгим келмайди.....	35
Тунги манзара.....	36
Кел, гулюз.....	36
Мен билган дунё.....	37
Сен буюк қалбсан.....	38
Озодлик нафаси.....	39
Муборак унвон.....	40
Ёруғлик.....	40
Ўзбекистон.....	41
Баҳор, кўнглим сеники.....	43
Анджон бу — сизсиз онажон.....	44
Сизга бағишлайман топган қадримни.....	46

Нилуфар.....	48
Илтижо.....	49
Видо.....	50
Омонат.....	51
Киприқдаги куртаклар.....	52
Қиш эртаги.....	53
Шивирлама, шаббода.....	54
Бу жон надир.....	55
Сенга.....	55
Қайга шошилсан.....	56
Орзудаги муҳаббат.....	57
Эй соқий.....	58
Иқроп.....	59
Ёмғирли кечалар.....	61
Ўтган дамлар.....	62
Кўнгил ўкинчи.....	62
Тақдир ҳукми.....	63
Қуёш.....	63
Сўзим.....	64
Тухфа.....	65
Қутлуғ кун.....	66
Сўз.....	66
Тасодиф.....	67
Бу дил бирла.....	68

БОБОЛАР КАФТИДА ТУРИБМИЗ, ЭЙ ДЎСТ...

Ватан ранги.....	70
Тунги ўйлар.....	71
Садоқат.....	73
Қуз хаёллари.....	74
Йўллардан ўтдим.....	75
Соғинч.....	76
Сув узра ой аксланар.....	77
Бир томчи ёш.....	78
Ҳикмат гули.....	79
Эй дўст.....	81
Аёл.....	82
Чўлпон.....	83
Ватан.....	85
Боқий шеърят.....	86
Умид боғи.....	87
Боғу баҳорим.....	88
Энди ҳар кўнгилда баҳор нафаси.....	90

УМР ФАСЛЛАРИ

Биз ҳам севган эдик.....	92
Сехрли кеча.....	94
Кўнгил соғинчи.....	95
Ҳофизга.....	96
Бир дунё бўлса.....	98

Қайлардасиз.....	99
Ҳофиз Шерозий газалига мухаммас.....	100
Тухматчига.....	102
Асалари бўл.....	102
Ҳайрат чамани.....	103
Қалбимда турфа ранг.....	105
Она тупроқ.....	105
Ҳаёт сабоғи.....	106
Ялпизгинам.....	107
Кўнглимни бердим.....	108
Шоир абадияти.....	108
Эҳтиром.....	109
Элликқалъа.....	110
Умид.....	110
Тўхтагил, ёшлигим.....	111
Қирқинчи баҳор.....	111

ОНАМСАН, КЎРСАТАЙ СЕНГА САДОҚАТ

Биз сув ичган дарёлар.....	114
Юлдузим.....	118
Онам эккан райҳонлар.....	120
Райҳон, райҳон ифоринг.....	121
Гулингизни асранг.....	122
Кўнгил мусаввирин ердан излама.....	124
Навоий хазинаси.....	131
Видолашув.....	132
Эй, шеърият.....	133
Эҳтиром.....	134

ВИСОЛ СОҒИНЧИ

Висол соғинчи.....	136
Саждагоҳ.....	141
Қайда бўлсак бизни асрар дуоларинг.....	143
Ҳайрат.....	146
Рух.....	146
Шоир.....	147
Одамзот.....	147
Тавба.....	148
Хотира.....	148
Барги хазонлар.....	149
Хазир бўл.....	150
Гул сеҳри.....	151
Ёшликни кўмсар дил.....	155
Кўксимга яширдим бир дил суратин.....	156
Тановор.....	157
Баҳорлар ифори дилимдан келар.....	158
Бизни унутди.....	161
Ёғаетган оппоқ қорлар тиндими.....	162
Жаннат юртим.....	163
Ҳаёт гўзал.....	164

Кўнги́л достонини бирга битайлик.....	165
Ялпизинг ҳидласам, дил қувват олар.....	166
Шукрона.....	168
Ҳасрат.....	169
Обод манзиллар.....	170

ИЛК ШЕЪРЛАР

Орзу.....	172
Ойдин кечалар.....	172
Дафтаримни безар юлдузлар.....	173
Баҳорни кутиб.....	174
Қишлоқ тонги.....	175
Шаҳрим кўчалари.....	176
Ойга боқиб эркаланар дил.....	177
Оналарга ўхшаркан баҳор.....	177
Тун сеҳри.....	178
Куйганёр.....	179
Ҳамал.....	180

БУ КУН КЎНГИЛДАЙ ТИНИҚ

Ёруғ кунлар саодати.....	182
Дилим кўёшидан ёришсин юзим.....	183
Хива осмонидаги турналар.....	186
Онажон.....	187
Бедор дил.....	189
Кўнги́л томчилари.....	190
Севги сатрлари.....	192
Кибер ошиқлар.....	193
Дўрмонларингда кўнглим.....	196

ДЕРАЗАНГНИ ОЧГИЛ РУҲИМ

«Қайғу гули» достон.....	198
Соҳибқирон ёғдуси.....	224
Соғинч салтанати.....	238
Кетаётган кунларим, хайр.....	246

ДИЛ СЎЗЛАР

Абдулла Орипов. Шеърятимизнинг яна бир Мирзоси.....	250
Рауф Парфи. «Қайғу гули» достони ҳақида.....	251
Тўлан Низом. Ижод шаҳрининг шоири.....	251
Олимжон Холдор. Қадамлари қутлуғ шоир.....	252
Эркин Малик. Кўзгу.....	254
Муҳтарама Улуғова. Одоб ва адабиётнинг ўғли.....	254
Исажон Султон. «Ҳали тилимизда қанча шеър, калом...».....	258

АДАБИЙ НИГОҲ

Қозоқбой Йўлдош. Туйғу ва тафаккур манзаралари.....	264
Икром Отамурод. «Рухимга пок маъволар керак...».....	275
Хулқар Ҳамроева. «Бунчалар азизсан, эй мунис тупроқ...».....	276
Муҳайё Йўлдошева. «Эй дил, вужудимнинг соҳири сен...».....	280

Минҳожиддин МИРЗО

**ГУЛЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ,
БОҒЛАРИМ**

Бадиий нашр

Нашриёт муҳаррири: Абдулҳамид Мухторов
Рассом-дизайнер: Комил Жонтоев
Саҳифаловчилар: Баҳром Бобожонов,
Нигина Фуломова
Техник муҳаррир: Диана Габдурахмонова

«ТАФАККУР»
нашриёти

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

Нашриёт лицензияси АИ № 231 16.11.2012
Босишга рухсат этилди: 10.06.2015
Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма.
ProgmaticUz гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 18.
Шартли босма тобоғи 16,74. Адади 2000.
Баҳоси келишилган нарҳда

**«Mezon Print» ХК босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик-Бешёғоч кўчаси, 130-уй.**